

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК  
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК  
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида  
УЎК 82-131:821.512.133**

**АБДУЛҲАКИМОВА ЮЛДУЗ ҒОФУР ҚИЗИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ ВА МУҲАММАД ФУЗУЛИЙ “ЛАЙЛИ ВА  
МАЖНУН” ДОСТОНЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
илмий даражасини олиш учун тайёрланган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:**

**Дилнавоз Юсупова,  
филология фанлари доктори**

**Тошкент – 2022**

## МУНДАРИЖА:

<b>КИРИШ</b> .....	<b>3</b>
<b>I БОБ. “ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН” ДОСТОНЛАРИНИНГ БАДИИЙ ҚУРИЛИШИ ВА СЮЖЕТ ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	
1.1-§. Туркий “Лайли ва Мажнун”ларнинг композицион ўзига хослиги	12
1.2-§ Достонларнинг кириш боблари қиёси .....	27
1.3-§ Сюжет типологияси ва ўзига хослиги .....	41
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	53
<b>II БОБ. “ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН” ДОСТОНЛАРИНИНГ ОБРАЗЛАР ТИЗИМИ</b>	
2.1-§. Мажнун образи талқинида руҳий тасвир ва адабий мотивларнинг ўрни.....	56
2.2-§. Достонларда Лайли ва унга ёндош образлар ўртасидаги поэтик муштараклик.....	79
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	102
<b>III БОБ. ДОСТОНЛАРДА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ</b>	
3.1-§. Мактуб ва ғазаллар – достонлар бадииятини ажралмас бирлиги сифатида.....	104
3.2-§. Табиат тасвири ва руҳият муносабати.....	116
3.3-§. Ижодкорлар маҳоратини белгилашда бадиий санъатларнинг ўрни.....	125
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	134
<b>УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР</b> .....	<b>137</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	<b>141</b>
<b>ИЛОВА</b> .....	<b>156</b>

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида бир адабий анъана доирасида яратилган асарларни қиёсий жиҳатдан ўрганиш муҳим илмий-назарий аҳамиятга эга бўлиб, бадиий асарларнинг таркибий қисмларини тарихийлик, ўзаро таъсир ва акс таъсир, объективлик ва синкретизм тамойиллари асосида ўрганиш долзарб масалалар сирасига киради. Шу маънода тили, маданияти, урф-одат ва анъаналари бири-бирига яқин бўлган ўзбек ва озарбайжон халқлари ўртасидаги адабий алоқаларни ҳамсанавислик анъанаси асосида тадқиқ этиш давр талабидир.

Дунё адабиётшунослигида Низомий бешлиги асосида вужудга келган ҳамсаларни ўзаро қиёслаб ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотлар сонининг ортиб бораётгани ушбу йўналиш жадал ривожланиш босқичида эканлигини кўрсатади. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони ҳамсачилик талаблари асосида яратилиб, Низомий Ганжавий ва Хусрав Дехлавий ижодий анъаналарини поэтик синтез қилгани, ушбу сюжетдаги дostonлар сирасида янги бадиий кашфиёт бўлгани жиҳатидан алоҳида қимматга эга. Фузулий достони эса Навоий “Лайли ва Мажнун”идан композицион хусусиятлари, услуб ва бадиияти жиҳатидан фарқ қилади. Улуғ озарбайжон шоири дostonни ҳазрат Алишер Навоий каби маснавий жанрида битган бўлса-да, бироқ ўрни-ўрни билан ўз ғоявий нияти ифодаси учун бошқа жанрларга – рубоий, соқийнома, қасида, ғазал, мураббаъ каби шеърӣ шаклларга ҳам мурожаат этади. Шунга кўра, мазкур икки дostonни қиёсий аспектда тадқиқ қилиш адабиётшуносликнинг долзарб вазифаларидандир.

Ўзбекистонда мустақилликдан кейинги йилларда Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун”и Низомий-Ганжавий ва Хусрав Дехлавийнинг шу номдаги дostonлари билан қиёсий ўрганилди. Низомий ва Фузулий дostonлари қиёсий таҳлили бўйича ҳам бир қанча тадқиқотлар яратилди. Бироқ, Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулий дostonлари ўзаро муқояса этилган эмас. Икки улуғ шоир “Лайли ва Мажнун”ларидаги бадиий талқиннинг ўзига хослиги, Фузулийнинг Навоий анъаналарини муносиб давом

эттиргани ҳолда, уни ривожлантиргани, “Лайли ва Мажнун”даги образлар тасвирини янада такомиллаштиргани билан боғлиқ масалаларни ўрганиш, шубҳасиз, адабиётшуносликни янгича илмий қарашлар билан бойитади. Бу эса, ўз навбатида, ушбу икки мутафаккир асарлари қиёсига бағишланган тадқиқотлар яратилиши заруратини кун тартибига қўяди.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самараси ўлароқ, бугун Ўзбекистон ўзининг бой маданий-адабий мероси билан жаҳонга юзланмоқда. Буюк аждодларимиз фаолиятини дунёга танитиш, тарғиб қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодни шу руҳда тарбиялаш бугунги куннинг, янги уйғониш даври – Учинчи Ренессанснинг асосий мақсадларидан биридир. Бу борада буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг бой адабий мероси дастуриламал бўлиши эътиборга олинса, ана шу мерос тадқиқига бағишлангани ҳам ушбу диссертация мавзусининг долзарб эканини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида», 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сон «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли

бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.<sup>1</sup>

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Маълумки, Шарқ адабиётида Мажнун образи муайян такомил босқичларини ўтаган. Академик И.Ю.Крачковский таъкидлашича, Лайли ва Мажнун образлари тарихи VII асрга бориб тақалади. VIII аср бошларида Мажнуннинг шеърларига шарҳлар сифатида айрим ривоятлар пайдо бўлган ва уларда Лайли ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар учрайди. IX - X асрларда ривоятлар сони кўпайиб боради ва фақат Арабистонда эмас, Яқин ва Ўрта Шарқнинг бошқа ўлкаларида ҳам кенг шуҳрат қозонади. XII асрда Низомий-Ганжавий ёзган дoston бу образ такомилда ривожланишни бошлаб берди. XIII асрга келиб, Хусрав Дехлавий қаламида бу образ янгиланди. Бироқ мутахассисларнинг эътирофича, Мажнун образи тадрижий такомилда Алишер Навоий асари янги ва улкан воқеа бўлган. Муҳаммад Фузулий дostonи бу образнинг яна бир ўзига хос бадиий талқини яратилгани билан алоҳида ажралиб туради.

Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonи бўйича кўплаб тадқиқотлар яратилган. Жумладан, матншунос Ғ.Каримов ва П.Шамсиев ушбу дostonнинг илмий-танқидий матнини яратган бўлсалар,<sup>2</sup> Н.Маллаев, Т.Аҳмедов, А.Қаюмов, Н.Комилов, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, М.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сонли «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори //Lex Uz/ 20.10.2020

<sup>2</sup> Каримов Г. Исследование по установлению критического текста «Лейли и Меджнун» Навои. – Ташкент, 1944; Шамсиев П. Лайли ва Мажнун. Танқидий матн (Тайёрловчи: П.Шамсиев). – Т.: ЎзФА нашриёти, 1961.

Муҳиддинов, А.Эркинов, Н.Жабборов, У.Жўрақулов, Д.Юсупова ва бошқа олимлар дostonни турли аспектда тадқиқ қилдилар, у ҳақда ўз илмий қарашларини баён этдилар<sup>3</sup>.

Муҳаммад Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonи шоир ижодининг чўққиси бўлиб, у ҳақда ўзбек, рус ва қардош олимлар томонидан кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган<sup>4</sup>. Атоқли озарбайжон бастакори У. Ҳожибеков 1908 йилда “Лайли ва Мажнун” дostonи асосида биринчи Озарбайжон операсини яратган. 1958 – 61 йилларда Ҳ.Арасли тахририда Фузулий асарларининг тўла илмий-танқидий нашри яратилди. Бироқ мазкур илмий ишларда Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonлари қиёсий таҳлил этилган эмас. Ушбу диссертация ана шу вазифага қаратилгани билан бошқа тадқиқотлардан алоҳида ажралиб туради.

---

<sup>3</sup> Маллаев Н. Сўз санъатининг гултожи. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991; Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015; Аҳмедов Т. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» дostonи. – Т.: Фан, 1970; Қаюмов А. Лайли ва Мажнун. Асарлар. 1-жилд, 2-китоб.- Т.: Мумтоз сўз, 2008; Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб.Т.: Ёзувчи, 1996; Ҳайитметов А. Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Т., 1959; Шу муаллиф. Навоийнинг ижодий методи масалалари. – Т., 1963; Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Т.: Ўқитувчи, 1993; Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. Т.: Адабиёт ва санъат, 1995; Муҳиддинов М. Кўнгил ҳайратлари. – Т.: Tamaddun, 2021; Эркинов А. Алишер Навоий «Хамса»си талқинининг XV-XX аср манбалари. Фил.фан.док.дисс... – Тошкент, 1998; Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. – Т.: Фафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015; Жабборов Н. Маоний аҳлининг соҳибқирони. – Т.: Адабиёт, 2021; Юсупова Д. Алишер Навоий “Хамса”сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги. – Т.: Мумтоз сўз, 2011.

<sup>4</sup> Муҳаммадхўжаев Ҳ. Фузулий ва ўзбек адабиёти. Фил.фан.номз. дисс... – Тошкент, 1972; Бертельс Е.Э. Низами (творческий путь поэта). – М., 1956; Бертельс Е.Э. Избранные труды. Низами и Физули. – М.: Наука, 1965; Араслы Н.Г. Низами и турецкая литература. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Баку, 1969; Köprülü F. Alı Şır Nevai. – Istanbul, 1941; Levend A.S. Alı Şır Nevai: hayati, sanati va şahsiyeti. – Ankara, 1965; Çetidağ Y. Alı Şır Nevai: hayati, sanati va eserları; Fatih Üniversitesi. – Istanbul, 2005; Нагиева Дж. Алишер Навоий и Азербайджанская литература (XV-XIX вв.). – М., 1986; Arasli N. Nəvai va Azərbaycan ədəbiyyatı // Əlishir Nəvai Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığında. – Bakı: Qartal, 2009; Əlishir Nəvai və Azərbaycan ədəbiyyatı. Beynəlxalq elmi konfransın materialları. – Bakı: 2017. – Б. 46-58; Нагисойлу М. Алишер Навои и азербайджанская поэзия //Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни номли халқаро илмий конференция материаллари. – Навоий, 2018. – Б. 129-132. Конрад Н.И. Запад и Восток (статья). – М.: Главная редакция Восточной литературы, 1972; Шу муаллиф. Ренессанс ва Навоий // Жаҳон адабиёти. – Т., 2006. Февраль. – Б. 126-130; Шу муаллиф. Алишер Навоий // Тафаккур. 1997. № 10. – Б. 38-41; Крымский А. Низами и его современники. – Баку: Элм, 1981; Жирмунский В.М. Алишер Навои и проблема Ренессанса в литературе Востока // Литература эпохи возрождения и проблема всемирной литературы. – М.: Наука, 1967; Əlishir Nəvai və yaradıcılığı // İnqilab və mədəniyyət. – Bakı, 1948. №5. – S. 50-63; Nəvai və Füzuli// Ədəbiyyat və incəsənət qəzəti. - Bakı, 1980, 30 may. – S. 2-4; Böyük şair// Ə.Nəvai. “Fərhad və Şirin” kitabı. – Bakı: Azərənşr, 1968. – S. 3-11; Nəvai əsərlərinin Azərbaycanda yayılması məsələsinə dair // Dil və ədəbiyyat məsələləri. – Daşkənd, 1973. № 5. – S. 56-59; Nəvai və Füzuli sənətinə vürğunluq // Nəbz. - Bakı, 2008, 7 iyun. – S. 2-4; Nagiyeva C. Əlishir Nəvai və Azərbaycan ədəbiyyatı. XV-XIX əsrlər: filol.elm. dok. diss... avtoref.. – Bakı, 1986.-S.51. Almaz Ülvi. Azərbaycan-özbək (çağatay) ədəbi əlaqələri: Dövrələr, Simalar, Janrlar, Təmayüllər (Monoqrafiya). – Qartal, 2008; Haləti Pəhləvan Məhəmməd / Tərcümə və ön sözlün müəllifi Almaz Ülvi Binnətova. – Bakı: Avropa, 2018. – 24 s; Almaz Ülvi. Əlishir Nəvainin əsri və nəsri. – Bakı: Elm və təhsil, 2020. – 568 s.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги:**

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек мумтоз адабиёти ва фольклорини ўрганишнинг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулий “Лайли ва Мажнун” дostonларида ижодий анъана ва индивидуал поэтик тафаккурнинг намоён бўлиш шакллари ҳамда усулларини ўзаро уйғунлик ва ўзига хосликда очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

- Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулий “Лайли ва Мажнун” дostonлари сюжет хусусиятларининг қиёсий таҳлилинини амалга ошириш;
- “Лайли ва Мажнун” дostonларининг композиция поэтикасинини қиёсий жиҳатдан таҳлил этиш;
- ҳар иккала дostonда муаллиф ғоявий ниятининг асосини ташкил этувчи муқаддималарни ўзаро қиёслаш;
- дostonлардаги қаҳрамонлар портрети тасвиридаги муштарак ва фарқли жиҳатларни ёритиш;
- персонажлар характери тасвирида индивидуал поэтик тафаккурнинг намоён бўлиш усулларини муқояса қилиш;
- Навоий ва Фузулийнинг образ яратиш маҳоратинини қиёсий аспектда ўрганиш;
- иккала дostonда ижодкорлар поэтик услуби масаласинини қиёсий текшириш;
- тадқиқот натижаларинини назарий умумлаштириш.

**Тадқиқот объекти.** Алишер Навоийнинг йигирма жилдлик “Мукамал асарлар тўплами” 9-жилдига кирган “Лайли ва Мажнун” дostonи матни ҳамда Муҳаммад Фузулий “Лайли ва Мажнун” дostonининг 2005-йилги

озар тилидаги нашри объект сифатида олинди. Ўрни билан дostonларнинг бошқа нашрларига ҳам муружаат қилинди.

**Тадқиқотнинг предметини** Навоий ва Фузулий “Лайли ва Мажнун” дostonларининг сюжет ва композиция, портрет ва характер, образ ва услуб масалалари юзасидан қиёсий таҳлили ташкил этади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулий “Лайли ва Мажнун” дostonларида индивидуал поэтик тафаккурнинг намоён бўлиш шакллари ва усуллари аниқланиб, ҳар иккала дoston муаллифлари ижодий ниятининг асосини ташкил қилувчи ҳамд, муножот, наът салафлар васфи каби муқаддималар очиб берилган;

“Лайли ва Мажнун” дostonларининг сюжет хусусиятлари ва композиция поэтикаси текширилиб, Фузулий дostonидаги иккиламчи жанрларнинг дoston мазмуни ва ижодкор поэтик тафаккурини очишда катта аҳамиятга эга бўлганлиги далилланган;

ҳар иккала дostonда муаллиф ғоявий ниятининг асосини ташкил этувчи муқаддималар қиёсий текширилиб, Мажнун образи таком依лида психологик тасвир ва адабий мотивлар, Лайли ва унга ёндош образлар воситасида муаллифларнинг портрет ва характер яратиш маҳорати ҳамда дostonлардаги образлар тизимининг муштарак жиҳатлари аниқланган;

Навоий ва Фузулий дostonларидаги мактублар, ғазал ва мураббаълар, табиат тасвири, бадий тасвирий воситалари ва поэтик услубларнинг ўзига хослиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тавсифий, қиёсий-тарихий ҳамда статистик методларга таянилды.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Алишер Навоий бой ижодий меросини тарғиб ва ташвиқ қилиш бугунги кунда долзарб вазифа эканлиги, дostonдаги маънавий-маърифий ҳамда ирфоний масалаларнинг бадий киммати, мақолат ва ҳикоятларда илгари сурилган умумбашарий ғояларнинг тадқиқи жамиятда маънан етук шахсни камол топтиришда муҳим аҳамият касб



этиши асосланган. Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonларини қиёсий ўрганиш, дoston сюжети, композицияси, тили, услуби, образлари, бадиияти масалалари тадқиқи натижасида ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилиги тарихи учун зарур илмий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ кўйилгани, таҳлиллар ва улардан чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги ва аниқлиги, ишончли илмий-назарий манбалардан фойдаланилганлиги, тадқиқотда қўлланилган усуллар, фикр ва назарий қарашларнинг тизимли ёндашув, таснифлаш, илмий шарҳ, тарихий-қиёсий методлар орқали асосланганлиги, илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ўзбек мумтоз адабиёти, жумладан, Алишер Навоий ҳамда жаҳон мумтоз адабиёти вакили Муҳаммад Фузулий ижодини ўрганиш, филологик йўналишдаги олий ўқув юртларининг ўқитувчи ва талабалари учун зарур деб ҳисоблаймиз. Ушбу тадқиқот ишимизнинг мазмуни ва натижаларидан олий, ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўзбек адабиёти тарихини ўқитишда маърузалар, амалий машғулотлар ва махсус курслар, дарслик, қўлланма ва дастурлар яратишда амалий фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулий “Лайли ва Мажнун” дostonларининг қиёсий таҳлили бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулий “Лайли ва Мажнун” дostonларида эпик тасвир маҳоратининг намоён бўлиш усуллари, ҳар иккала дoston муаллифлари ижодий ниятининг асосини ташкил қилувчи муқаддималар, ҳамд, муножот, наът, салафлар васфига доир боблар қиёсий таҳлиliga оид илмий-назарий хулосалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган “PZ-

20170926459 рақамли “Навоийшунослик тарихи” (XX-XXI асрлар)” (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳада белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022-йил 29 мартдаги 04/1-552-сон маълумотномаси). Натижада “Лайли ва Мажнун” дostonларидаги поэтик образлар тизимининг умумсюжетдаги ўрнига доир кузатишлар адабиётшуносликдаги мавжуд назарий фикрларнинг бойишига асос бўлган;

“Лайли ва Мажнун” дostonларининг сюжет хусусиятлари ва композиция поэтикаси ҳамда Фузулий дostonидаги иккиламчи жанрларнинг дoston мазмуни ва ижодкор поэтик тафаккурини очишдаги ўрни, Мажнун образи талқинида психологик тасвир ва адабий мотивлар ҳамда Лайли ва унга ёндош образлар талқинида портрет ва характер тасвири образлар тизимининг қиёсий таҳлилига доир илмий-назарий хулосалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган ОТ-ФИ-030 рақамли “Ўзбек адабиёти тарихи” кўп жилдлик монографияни (7-жилд) чоп этиш” (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмини шакллантиришда фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 29 мартдаги 04/1-553-сон маълумотномаси). Натижада икки буюк ижодкор дostonларида табиат тасвири, бадий тасвир воситалари, поэтик услуб ва қаҳрамон руҳияти ифодасининг асар бадийидаги ўрнига доир илмий қарашлар билан бойишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш эълон қилинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп

этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, жумладан, хорижий 2 та, 3 та республика журналларида чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, ҳажми 156 саҳифани ташкил этади.

## **I БОБ. “ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН” ДОСТОНЛАРИНИНГ БАДИИЙ ҚУРИЛИШИ ВА СЮЖЕТ ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **1.1§. Туркий “Лайли ва Мажнун”ларнинг композицион ўзига хослиги**

Шарқ халқлари адабиётида “Лайли ва Мажнун” мавзусида яратилган дoston ва қиссалар кўп учрайди. Академик И.Ю.Крачковскийнинг фикрича, “Шарқда Лайли ва Мажнун Ғарбдаги Ромео ва Жульеттага нисбатан машҳурроқ”<sup>5</sup>. Дoston ва қиссаларнинг келиб чиқиши араб халқлари орасида оғиздан оғизга ўтиб келувчи воқеаларга бориб тақалади. Манбаларда келтирилишича, Мажнун тарихий шахс бўлиб, Шимолий Арабистондаги Бани Омир қабиласига мансуб. Унинг исми Қайс ибн Мулаввах, Махдий ибн Муод, ал Акра ва баъзан ал-Буҳтурий ибн ал-Жаъд тарзида келтирилади. Ибн Қутайбанинг “Китоб уш-шеър ваш-шуаро” китобида Мажнун ўз қабиласидаги Лайли исмли қизни яхши кўргани ва унга бағишлаб шеърлар ёзгани айтилади<sup>6</sup>. Лекин баъзи муаллифлар Мажнун тарихий шахс эмас, балки уммавий бир йигит ўз амакисининг қизини севиб қолиб, унга атаб шеърлар ёзган ва унга Мажнун тахаллусини қўйган деган фикрни билдирадилар<sup>7</sup>.

Бадиий адабиётга бу қиссани илк бор Низомий Ганжавий дoston шаклида олиб кирди. Шу билан Лайли ва Мажнун дostonчилигининг мукамал асоси яратилди. Унда муаллиф Мажнун ва Лайлининг эл оғзида машҳур бўлган ташқи гўзаллигини эмас, балки руҳий, маънавий дунёсини ҳам бой ва мукамал қилиб очиб берди. Дoston ўзининг бадиий қиммати билан Шарқ халқлари адабиётида муҳим ўрин тутди. Низомий дostonи Шарқ халқлари адабиётида кенг шухрат қозонди ва орадан бир асрдан зиёдроқ вақт ўтгач, Амир Хусрав Деҳлавий унга жавоб ёзди. Деҳлавий дostonи 1299 йилда яратилган бўлиб, «Мажнун ва Лайли» деб аталади. Муаллиф дoston қаҳрамонлари номини алмаштириш билан янгиликка, ўз салафидан ўзгачаликка интиланлигини таъкидлайди ҳамда ушбу қиссанинг араб халқлари орасида даставвал «Мажнун ва Лайли» шаклида оммалашганлигига

---

<sup>5</sup> Крачковский И.Ю. Ранняя история повести о Меджнуне и Лейли в арабской литературе // Алишер Навои. – М.- Л.: Изд-во АН СССР, 1946. – С. 31.

<sup>6</sup> Юкоридаги асар. – Б. 41.

<sup>7</sup> Бу ҳақда қаранг: Бертельс Е.Э. Низами и Физули / Изб.труды. – М.: Наука, 1962. – С. 245; Аҳмедов Т. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» дostonи. – Т.: Фан, 1970; Нарзуллаева С. Тема «Лейли и Меджнун» в истории литературы народов Советского Востока. – Т.: Фан, 1983. – С. 12.

эйтибор қаратади. У Низомий достонининг композицион қурилишини асосан сақлаб қолган ҳолда унинг сюжетиға баъзи ўзгартиришлар киритади (мунажжимнинг Мажнун тақдири ҳақидаги башорати, Навфалнинг ўз қизини Мажнунга никоҳлаб бериши ва б.)<sup>8</sup>. Хусрав Дехлавий ушбу достони билан Шарқ халқлари адабиётида «Лайли ва Мажнун» мавзусидаги достонға жавоб ёзиш анъанасини бошлаб берди. Дехлавийдан кейин бу мавзуда кўплаб ижодкорлар қалам тебратдилар.

Туркий адабиётда ҳам Лайли ва Мажнун орасидаги муҳаббат афсонаси ижодкорларнинг севимли мавзусиға айланди. Усмонли турк шоири Гулшаҳрий ўзининг “Мантиқ ут-тайр” (1313) достонида Худхуд тилидан “Мажнун афсонаси”ни келтиради. Бу афсона 79 байтдан иборат бўлиб, унда Лайлининг Мажнунни излаб чиқиб, уни кум ва тошлар орасида хушсиз ҳолда топганлиги билан боғлиқ эпизод тасвирланади. Ушбу эпизодға кўра Мажнун хушиға келгач Лайлини танимайди. Лайли ўзини Мажнунга танита бошлайди, лекин Мажнун унга ишонмайди ва “Неға Мажнун биттаю, Лайли иккита? Бундай бўлиши мумкин эмас! Мажнун юзта бўлиши мумкин, лекин Лайлининг иккита бўлиши хатодир” дейди<sup>9</sup>. Мазкур эпизод Гулшаҳрий афсонасида Мажнуннинг муҳаббати тасаввуфий моҳият касб этиб, ишқи мажозийдан ишқи илоҳийға ўтган босқични ифодалайди, зеро, бу ҳолат “Мантиқ ут-тайр”нинг умумий моҳиятиға мос эди.

Яна бир турк шоири Ошиқ Пошшонинг “Ғарибнома” достони таркибида ҳам “Лайли ва Мажнун” афсонаси келтирилган бўлиб, бу афсона ҳажман жуда кичик – жами 30 байтдан иборат. Унда Лайли ва Мажнуннинг илк марта мактабда учрашганлари, Мажнуннинг Лайлиға ошиқ бўлгани, буни билган Лайлининг яқинлари уни мактабға юбормай қўйганлари, Мажнуннинг бу ҳолдан изтиробға тушганлиги, қабила атрофида телбадек кезганлиги ва одамлар уни “Мажнун” деб атаганлари билан боғлиқ воқеалар келтирилган<sup>10</sup>.

<sup>8</sup> Алиев Г. Темы и сюжеты Низами в литературах народов востока. – М.: Наука, 1985. – С. 52; Юсупова Д. Лайли ва Мажнун / Алишер Навоий: комусий луғат. 1-жилд / Масъул муҳаррир Ш.Сирожиддинов. – Тошкент: Шарқ, 2016. – Б. 247.

<sup>9</sup> Agah Sirri Levend. Arab, fors ve türk edebiyatlarında Leyla ve Mecnun hikayesi. Ankara, 1959. – S. 103-106.

<sup>10</sup> Agah Sirri Levend. Юқоридаги асар. – Б. 107.

Турк тилида бу йўналишда яратилган яна бир асар Шоҳидийнинг “Гулшани ушшоқ” асари бўлиб, 1476-1479 йиллар оралиғида ёзилган. Достон Жом шаҳзодаси Хон Муҳаммадга бағишланган бўлиб, 6446 байтдан иборат. Муаллиф ўз достонининг номланиши ҳақида шундай дейди: “Ишқ билан безангани учун ушбу достонимга “Гулшани ушшоқ” деб ном бердим. Лекин агар бу номланиш сизни қониқтирмаса, “Лайли ва Мажнун” тарзида машҳур бўла қолсин”<sup>11</sup>. Достон композицион қурилиши ва сюжетнинг умумий хусусиятлари жиҳатидан Низомий ва Деҳлавий достонларига яқин туради. Лекин достондаги иккинчи даражали қаҳрамонлар: Зайд ва Зайнабнинг бу дунёдаёқ ишққа етишувлари билан боғлиқ эпизоднинг киритилганлиги турк муаллифнинг ўзига хос позициясини кўрсатади: бу билан у Зайд ва Зайнабнинг муҳаббати бош қаҳрамонлар ишқидан фарқли равишда ҳақиқий ишққа ўсиб борувчи эмас, у авом ишқининг намунасидир, демоқчи бўлади<sup>12</sup>.

Алишер Навоий Шоҳидийнинг бу достони билан таниш бўлмаган. Буни ўзбек шоирининг достон муқаддимасида салафлар билан боғлиқ ўринда айтган фикрлари, туркий тилда бу афсонани илк марта қаламга олганлиги ҳақидаги байтлари ҳам тасдиқлайди. “...Шоҳидийнинг асари ўз даврида кенг шуҳрат қозонолмаган. Шунинг учун ҳам у ўз даврининг корифейлари бўлган Жомий ва Навоийларга маълум бўлмаган бўлса керак”<sup>13</sup>.

Туркий тилда бу йўналишда яратилган достонлар орасида, шубҳасиз, Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулий достонлари алоҳида ўрин эгаллайди. Маълумки, Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулий “Лайли ва Мажнун” достонлари яратилган вақт бир-биридан унчалик узоқ эмас. Жумладан, ҳазрат Навоий ўз достонини 1484 йили яратган бўлса, Фузулий “Лайли ва Мажнун”и 1536-1537 йилларда вужудга келган. Яратилишида ярим асрдан сал кўпроқ муддат фарқ бўлсада, ҳар икки достон сюжети ва композицияси, ижодкорлар услуги ва ёндашув мезонлари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

---

<sup>11</sup> Бу ҳақда қаранг: Алиев Г. Темы и сюжеты Низами в литературах народов востока. – М.: Наука, 1985. – С. 268.

<sup>12</sup> Алиев Г. Юқоридаги асар. – Б. 269.

<sup>13</sup> Аҳмедов Т. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони. – Т.: Фан, 1970. – Б. 32.

М.Руссонинг ёзишича, «Қиёсий адабиётшунослик методологик санъат бўлиб, у аналогия, қариндошлик ва таъсирлар ўртасидаги алоқаларни излайди. У адабиётни билим ва ифодалашнинг бошқа йўналишлари билан яқинлаштиришга уринади ёхуд замон ва макон нуқтаи назаридан бир-бирига яқин ёки узоқ бўлган адабий ҳодисалар ва матнларни қиёслаш билан шуғулланади. Бунда муқояса қилинаётган томонлар яхшироқ баён қилиш, тушуниш ва ўзлаштириш учун турли тиллар ёки маданиятларга тааллуқли бўлиши, имконият даражасида бир хил анъаналарга эга бўлиши керак»<sup>14</sup>.

Алишер Навоий ўзигача яратилган дostonлардан фарқли ўлароқ, “Лайли ва Мажнун”ни туркий тилда яратди. У Шарқ мумтоз адабиётидаги дostonчилик анъаналарини чуқур ўзлаштириб, унга туркий рух бағишлади, миллат адабий-эстетик тафаккурининг такомилга хизмат қилдирди. “Навоий «Хамса»сининг вужудга келиши давомидаги энг катта табиий қийинчиликлардан бири бу тил масаласи. Навоийгача яратилган барча «Хамса»лар форсий тилда бўлиб, ўзбек тилида бу типдаги асарни яратиш жуда кўп илмий, сиёсий, адабий, лингвистик тушунчаларни шу тилда ифодалаш деган гап эди. Навоий бу ишга жуда қаттиқ киришди. У ўз асарини яратишда фақат адабий тил ёки бир шева имкониятлари билан чекланмади. У ўзбек тилининг барча шеваларига хос нозикликларини кашф этишга интилди. «Хамса» туфайли ўзбек адабий тили ўзининг янги ва мукамал қиёфасига эга бўлди. Кўпгина мафхумларни эса Навоий ўзи яратди. Шунинг учун «Хамса»ни яратиш билан боғлиқ қийинчилик ва тўсиқлар устида гап борар экан, тил билан боғлиқ аҳволга Навоий алоҳида тўхталади»<sup>15</sup>.

Муҳаммад Фузулий ҳам дostonчиликда Навоий йўлидан бориб, туркий тилнинг жозибали ўғуз лаҳжасида мазкур ишқ қиссасини янги босқичга кўтарди. Манбаларда Алишер Навоийнинг Фузулийга таъсири ҳақида кўплаб маълумотларга гувоҳ бўламиз. Латифий ўзининг “Тазкират уш-шуаро” асарида Алишер Навоийнинг Фузулийга таъсири ҳақида гапирар экан,

<sup>14</sup> Pichois C., Rousseau A.M. La littérature comparee. – Paris: Colin, 1967. – P. 174.

<sup>15</sup> Ҳайитметов А. “Хамса”нинг яратилиш жараёни. (1985) Ziyo.uz / 26.05.2016.

Фузулийда “Навоий услубига ўхшаш дилфириб ва ғаройиб услуб борлигини” айтади<sup>16</sup>. Шу давр адабиётининг яна бир вакили Али Нихат Тарлан эса Фузулий Шарқдаги Чигатой шоирларини ҳам, Ғарбдаги Анадолу шоирларини ҳам яхши таниганини ва “Девони”нинг муқаддимасида Навоийнинг номини зикр қилиб, сўнгра “Лайли ва Мажнун” достонида “*Olmuşdu Nevâi-i sühandan / Manzûr-ı Şehenşeh-i Horasan*” деб таъкидлаганини айтади. Унинг фикрича, Фузулий Навоий ижодий даҳосидан шунчалик таъсирланганки, агар тил хусусиятлари бўлмаса, уларни бир-биридан ажратиш қийин бўлар эди<sup>17</sup>. Кузатиладики, тазкира ва манбаларда Алишер Навоийнинг Фузулийга таъсири кучли эканлиги таъкидланади.

Замонавий адабиётшуносликда Муҳаммад Фузулийнинг Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун”идан хабардор бўлганми ёки йўқми, деган масалада мунозарали фикрлар мавжуд. Бу фикрлар шоирнинг куйидаги байти асосида пайдо бўлган:

*Leyli-Məsnun əsəmdə çoxdur,*

*Ətrəkdə ol fəsanə yoxdur*<sup>18</sup>.

Нихат Сами Баҳарлига кўра, Фузулий ўзигача туркийда ёзилган “Лайли ва Мажнун” достонидан беҳабар бўлган ва бу тилда илк дафъа ўзи мазкур мавзуда қалам тебратганлигини таъкидлаган. Фуат Кўпрули ҳам Фузулий Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” асари ҳақида билиш имконига эга бўлмаганлигини, ўзигача усмонли ва ҳатто озарий туркчаларида ёзилган “Лайли ва Мажнун”ларни ҳам кўрмаганлигини айтади<sup>19</sup>. Ҳасибе Маззоғлу эса бу борада бошқачароқ фикр билдиради: “Фузулий ўз асарини ёзар экан, аввал ёзилган “Лейли ва Мажнун”ни кўриб ундан баҳраманд бўлди. Аммо шуни таъкидлаш керакки, бу қисса туркийлар орасида учрамайди. Навоийни ўқиганлиги ва шеърларига кўп назиралар ёзганлиги аниқ маълум бўлган Фузулийнинг Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” асарини билмагани ақлга

<sup>16</sup> Latîfi. Tezkiretü’ş-şu’ara ve tabsiratü’n-nuzamâ, Haz. Rıdvan Cânım, Ankara, 2000. – S.235.

<sup>17</sup> Çetindağ Yusuf. Ali Şir Nevâi. İstanbul, 2011. – S. 254.

<sup>18</sup> Məhəmməd Füzuli. Əsərləri. Altı cildə. II cild. Bakı: Şərq-Qərb, 2005. – S. 40. Бундан кейин асардан олинган иқтибослар ушбу манбадан кўрсатилади.

<sup>19</sup> Köprülü M. Fuad. Edebiyat Araştırmaları, C.II, İstanbul, 1989. – S. 589.



сигмайди. Бироқ Навоийнинг асари шарқий туркий тилда ёзилгани боис, Фузулий “Лайли ва Мажнун”нинг ғарбий турклар орасида эмаслигини назарда тутган бўлса керак. Биз Ҳасибе Мазиўғлининг фикрларига қўшилган ҳолда, шуни қўшимча қилмоқчимизки, юқорида келтирилган байт Фузулийнинг ўзи тилидан эмас, балки румлик бир гуруҳ фозиллар томонидан айтилган. Достондан шу ўринни айнан келтирамиз:

*Bir neçə zərifi-xüttəyi-Rum,  
Rumi ki, dedin, qəziyə mə'lum.  
Yə'ni ki, qatı həqaiq əhli,  
Hər məs'ələdə həqaiq əhli,  
Həm elm fəmində nüktədanlar,  
Həm söz rəvişində dürfəşanlar...  
Mən xəstəyi etdilər nişanə  
Bir rəng ilə tiri-imtəhanə.  
"Lütf eyle! - dedilər, - ey süxənsənc!  
Faş eylə cəhanə bir nihan gənc!  
Leyli-Məcnun əcəmdə çoxdur,  
Ətrəkdə ol fəsanə yoxdur.  
Təqrirə gətir bu dastanı,  
Qıl tazə bu əski bustanı".*

Унда келтирилишича, бир куни базмда бир гуруҳ румлик нуктадонлар Фузулийга сўз қотиб, ундан ажам халқлари орасида кенг тарқалган, лекин туркийларга маълум бўлмаган бир “яширин хазина”, яъни афсонани достон ҳолига келтириб, бу эски бўстонни янгилашни сўрайдилар, бошқача айтганда, хаста шоирни имтиҳондан ўтказмоқчи бўладилар. Фузулий уларнинг шу талаби асосида ўғуз лаҳжасида мазкур афсонани қаламга олади. Ушбу фикрлар ва юқорида келтирилган мулоҳазалар асосида биз Фузулий Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонини кўрган ва ундан таъсирланган деб ҳисоблаймиз, зеро, икки достон муқоясасидан келиб чиқадиган кўп ўринлар шундай хулоса қилишга асос бўлади.

Дастлаб бу икки дostonнинг композицион қурилиши билан боғлиқ умумий жиҳатларга тўхталиб ўтиш зарурати сезилади. Маълумки, “композиция бадий асар таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқликдаги жойлашуви бўлиб, асарнинг мазмуни ва жанрига кўра қурилишини англатади. Композиция шакл унсурларини бириктириб, уларни ғояга бўйсундиради<sup>20</sup>”. Демак, айтиш мумкинки, асар муаллифи ифода этмоқчи бўлган ғоя шу асар композициясига алоқадор унсурлар билан чамбарчас боғлиқ, зеро, ҳақиқий бадий асарда ҳеч қайси унсур тасодифий жойлашувга эга бўлмайди. Шу асосда даставвал Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonи композицияси хусусида сўз юритсак. Дoston ҳажман 38 боб, 3623 байтдан иборат. Унда муқаддима 9 бобни, асосий қисм 26 бобни (10-35-боблар), хотима уч бобни ташкил қилади. Бобларнинг (биринчи боб бундан мустасно) барчаси сарлавҳага эга бўлиб, сарлавҳалар сажъ усулида зийнатланган. “Композиция тушунчаси бадий асарнинг барча сатҳларига бирдек тааллуқли, унинг қайси сатҳи ҳақида гап кетмасин, қурилишининг айни шу аспекти диққат марказида туради: матн қурилиши (боб, сарлавҳа, асосий ва ёндош матн) ва ҳ.к...”<sup>21</sup> Салафлар дostonлари, хусусан, Низомий “Лайли ва Мажнун”идан фарқли ўлароқ, Навоий дostonи сарлавҳаларида *бароати истеҳлол* санъати етакчилик қилади, яъни шоир сарлавҳалар орқали китобхонни ҳар бир бобнинг ғоявий мундарижаси билан таништириб боради. Масалан, Пайғамбаримиз (с.а.в.) меърожларига бағишланган тўртинчи бобнинг сарлавҳаси қуйидагича: “Ул шоми висолнингким, «Вал-лайли изо яғшо» ояти, бўла олғай анинг шонида саводи ёзилмоғи ва мунунгдек шомда ул мусофири самовийнинг шабгир баланд қилмоғи ва субҳи висол эшиклари юзига очилмоғи ва меҳри мурод топилмоғи”. Унда Қуръони карим оятини айнан келтириш билан ҳосил қилинган *иқтибос* санъати *сажъ* усули воситасида бобнинг умумий мазмунига шундай ишора қиладики, нозик дидли китобхон “лайл” сўзи орқали дoston мавзунидан ҳам хабардор бўлади.

<sup>20</sup> Хализев В.Е. Композиция // Литературный энциклопедический словарь. С.164.

<sup>21</sup> Қуроноф Д. ва бошқалар. Композиция // Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akademnashr, 2010. – Б. 141.

Анъанавий ҳамд, муножот, наът, меърож туни таърифи, сўз, салафлар, замона ҳукмдори ва шахзода Бадиъуззамон мадҳидан сўнг “Ул тун маҳобати таърифидаким...” деб бошланувчи боб келади. Бу боб муқаддима ва асосий қисмни ўзаро боғлайдиган кўприк вазифасини ўтайди. Бобда зим-зиё тунда ҳаёл отига минган ровийнинг сайрга чиқиши тасвирланган. Арабистон тупроқлари аро йўлга тушган от ишқ водийсига етганда оқсоқланиб, йўлида давом этолмай қолади. Совуқ ва кучли шамол туриб, ёмғир ёғади. Момақалди роқ гулдураб, чақин чақади. Чақин ёруғида ровий саксовулдай тахланиб ётган инсон суяклари, ваҳший ҳайвонларни кўради. Н.Комиловнинг ёзишича, бу тун ҳажр туни, бу водий эса ишқ водийси, ваҳший даррандалар – ошиққа хуруж ётган бало-офатлар, суяклар – ишқ қурбонларидан нишона. Ўз асли, Илоҳдан ажралган мусофир, ғариб руҳ – Мажнун шу водийда якка ўзи бошини эгиб ўтирибди...<sup>22</sup>. Боб билан танишаётган китобхон ушбу тасвир орқали бу дoston шунчаки ошиқ ва маъшуқ саргузаштларига эмас, балки илоҳий ишқ тараннумига бағишланганлигини ҳис қилади, зотан бу ишқ бошдан-охир изтироблар билан йўғрилган, дард, алам, оҳу-нолаларга тўла.

Навоий дoston хотимасида ҳам ишқ таърифига бир боб ажратади. Бу боб энди асосий қисмни хотима билан боғлаш вазифасини бажаради. Бобда Навоий ишққа таъриф берар экан, уни кимёга ва оламни кўрсатувчи кўзгуга ўхшатади:

*Эй, ишқ, ғариб кимиёсен,*

*Бал ойинайи жаҳоннамосен.*

Н.Комиловнинг ёзишича, ривоятларга кўра, қадимда кимёгарлар мис ва бошқа маъданларни юқори ҳарорат таъсирида олтинга айлантириш мумкин деб ҳисоблаганлар. Навоий бу ўринда шу афсонага ишора қилиб, одам аслида тупроқдан яралган, аммо ишқ оловининг “кимё”лиги уни олтинга айлантиради, яъни ишқ инсон вужудини турли хил чиқиндилар – жисмоний

---

<sup>22</sup> Комилов Н. Тасаввуф.-Т.: MOVAROUNNAHR - O‘ZBEKISTON, 2009. - Б. 196, 197

талаблар ва нафсоний истаклардан поклайдиган оташдир, деган фикрни айтади<sup>23</sup>.

Кўринадики, дostonнинг асосий қисми ҳар икки томондан ишқ таърифига бағишланган боблар билан ажратилган, бу эса дoston композициясига ўзига хослик бағишлаган ва шоирнинг бадиий нияти – муаллиф талқинидаги ишқ концепциясини ифодалаш, кўзланган ғоявий эстетик таъсирни баён қилиш учун ёрдамчи вазифасини бажарган.

Фузулий дostonидан фарқли ўлароқ, Навоий “Лайли ва Мажнун”и фақат иккилик тарзида қофияланувчи маснавий шаклида битилган. Унда бошқа шеърлий шаклдаги жанрлар учрамайди. Шу маънода Навоий бешлиги, хусусан, “Лайли ва Мажнун”да хамсанависликнинг шакл билан боғлиқ барча шартларига қатъий амал қилинганлигини кузатилади, дostonларда қўлланилган вазн, қофияланиш усули Низомий бешлиги ўлчовларига мос келади. Чунки хамсанавислик шартларидан бир оз бўлсада чекиниш туркий тилда “Хамса” яратиб бўлмайди, деган хулосага олиб келиши мумкин эди<sup>24</sup>.

Алишер Навоий “Хамса”си яратилгандан кейин орадан ярим аср вақт ўтмай, хамсанавислик анъанасидан узоқлашиш ҳолатлари учрай бошлади. Бу хусусият, усмонли ва озарий турклар учун хос эканлиги билан характерланади. “Қайд этмоқ лозимдирки, турк адабиётида “Хамса” ёзмоқ анъанаси бирмунча фарқли инкишоф этди ва турк шоирлари ўз “Хамса”ларидаги дostonлар мавзуларининг ўзгачалиги билан Низомийдан фарқландилар”<sup>25</sup>. Энди бу даврга келиб, туркий адабиётда “Хамса” дostonлари мавзуларини ўзгартириш, вазнлардан чекиниш, дostonлар таркибига янги шакл ва жанрларни киритиш тамойили пайдо бўла бошлади. “... айтиш мумкинки, Навоий форсийзабон шоирларга туркий тилда “Хамса” ёзиш мумкинлигини исботлаб берган ва мураккаб адабий вазифани адо этиб

<sup>23</sup> Комилов Н. Юқоридаги асар. – Б. 195

<sup>24</sup> Юсупова Д. Алишер Навоий “Хамса”сида мазмун ва ритмининг бадиий уйғунлиги. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2011. – Б. 50-51.

<sup>25</sup> Араслы Н. Низами ва турк адабияти. – Баку: Элм, 1980. – С. 80.

бўлгандан кейин, турк дунёси энди бемалол анъанавийликдан чекиниб, ўзи истаган шаклда бешлик яратиш имконига эга бўлди”<sup>26</sup>.

Айнан шу фикрни Муҳаммад Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” достонига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Фузулий достони Шарқ достончилиқ анъаналарига мувофиқ ёзилган бўлсада, бироқ озарбайжон шоири ўз достонини маснавийнинг ўзида ёзиш билан чегараланиб қолмай, унга бир қатор жанрларни ҳам қўшади. Шоирнинг ўзи бу ҳақда 9 бобда, яъни “Соқий билан бўлган суҳбат”да шундай дейди:

*Gəh taərzi- qəsidə əylərəm saz,  
Şəhbazini olur büləndpərvaz.  
Gəh də'bi –qəzəl olur şüarim,  
Ol də'bə rəvon verər qərorim.  
Gəh məsnəviyə olub həvəsnak  
Ol bəhrdə istərəm dūri-pak.*<sup>27</sup>

Фузулий юқорида баён этганидек, ўзининг ижодий имкониятларига баҳо беради. Яъни, ёзган қасидаси парвози баланд бургут каби соз ва ёқимли эканлиги, ғазал битишни мақсад қилганида эса фикри янада равон бўлмоқлиги ва маснавий ёзишни истар экан, ижод уммонидан дур каби пок сўзларни теришни ният қилади.

Фузулий достони насрий дебоча билан бошланади. Дебоча 238 сўздан иборат бўлиб, унда шоир Лайли ва Мажнун афсонасини баён этишда Аллоҳдан куч ва ғайрат сўрайди. Дебоча сажъ усулида ёзилган ва баён этиш услубига кўра Алишер Навоий насрий асарлари, хусусан, “Маҳбуб ул-қулуб” ва “Муножот”ни эслатади.

Салафлар достонлари сингари Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” достонидаги бобларга ҳам сарлавҳа қўйилган, бироқ Навоий достонидан фарқ қилиб, унда бароати истехлол етакчилиқ қилмайди, ҳар бир боб “Бу...” сўзи билан бошланиб, -дир боғламаси билан яқунланади. Дастлабки боб ҳам

<sup>26</sup> Юсупова Д. “Хамса” поэтикаси: вазн, қофия ва мазмун муштараклиги. – Т.: ТАМАДДУН, 2021. – Б.65.

<sup>27</sup> M.Füzuli.-В.: ŞƏRQ-QƏRB, 2005.-В.34. (Бундан кейинги иктибослар айнан шу манбаадан олинган.)

сарлавҳага эга: “Bu, həzrəti-izzətdən həmd ilə istimdadi-mətalibdir və asari-şükr ilə istid'ayi-sətri-laibdir”.

Достон таркибига маснавийдан ташқари рубоий, ғазал, соқийнома, мураббаъ, қасида каби жанрлар ҳам киритилган бўлиб, улар достоннинг таъсирчанлигини ошириб, фикрнинг осон тушунилишини таъминлаган.

Достон бошланмасида 3 та рубоий келтирилган. Рубоийлар бир-бирини тўлдириш асносида, айти пайтда маъновий жиҳатдан достоннинг асл мазмунини очиб беришга ҳам хизмат қилади. Илк рубоий анъанавий ҳамд мазмунида бўлиб, қуйидаги мисралардан иборат:

*Ey nə 'şəti –hüsni- eşqə tə'sir qılan!*

*Eşqifə binayi- kövni tə'mir qılan!*

*Leyli səri- zülfini girehdir qıla!*

*Məcnuni- həzin boynina zəncir qılan!*

Шоир рубоийда Аллоҳга муножот қилиб, шундай дейди: Сен ишқнинг билан хуснлар наъшасига таъсир қилдинг. Ва бу Ишқ билан қалблар биносини таъмир қилдинг, гўзаллаштирдинг, покладинг. Ва Лайлининг (ёки Лайлидек минглаб маъшукларнинг) зулфини занжир қилиб, Мажнунларнинг бўйнига ишқ савдосини осдинг.

Турк олими Бурҳан Башарслан “Fuzûlî'nin Leylâ ve Mecnûn Mesnevisi – Dibaçe” номли мақоласида юқоридаги рубоийни қуйидагича шарҳлайди: “Биринчи рубоийда шоир коинотнинг ишқ билан яратилганлиги ҳақида айтар экан, Ҳақдан ёрининг васлини тилаб ёлворади. Менимча, бу рубоийда хусн ва ишқ тушунчаларидан хусн Лайлога, ишқ эса Мажнунга ишора қилади.”<sup>28</sup>

*Tutsam tələbi -həqiqətə rahi- məcaz,*

*Əfsanə bəhanəsilə orz etsəm raz,*

*Leyli səbəbilə vəsfm etsəm ag'az,*

*Məcnun dili ilə etsəni izhari- niyaz.*

---

<sup>28</sup>Бурҳан Башарслан. Fuzulinin “Leyla vu Mecnun” Mesnevisi. Dibaçe. <http://www.marmarailahiyat.com/fuzulinin-leyla-vu-mecnun-mesnevisi-dibaçe> (muif blog); 14 Augustos 2019

Навбатдаги рубоийда эса Фузулий дostonдан кўзланган мақсади ҳақида сўзлайди: “Талабгор бўлган ҳақиқатимга етишда мажоз йўлини тутсам ва бу афсона баҳонасида ўз розимни арз қилсам. Лайлини сабабчи қилиб Сенинг васфингни бошласам, Мажнун тили билан ўз изҳоримни баён этсам”.

Иккинчи рубоийни Бурҳан Башарслан талкинида кузатсак: “Фузулийнинг ҳақиқат талабида раҳ-и мажоз тутиши нимани англатади? Шундай ҳолат борки, ҳақиқат бор ва бу ҳақиқат мажоз орқали талаб қилинади. Менимча, бу жумлада девон шеъриятига хос ифода яширинган. Чунки насрий қисмдан ҳам тушунилишича, Лайло ва Мажнун икки тимсолдир. Лайло – ҳақиқат тимсоли, Мажнун эса талабгорнинг тимсоли”<sup>29</sup>. Ушбу шарҳга кўшимча қилиб айтиш мумкинки, Лайлининг хусни орқали Аллоҳ ўз жамолини тажаллий этган бўлса, Фузулий Лайли васфини таърифлар экан, бевосита Аллоҳни мадҳ этган бўлади. Мажнун тили билан қилинган дил изҳори аслида Лайли орқали Аллоҳга қаратилгандир.

Сўнгги рубоийда шоир яна Аллоҳга муножот қилиб, дostonдан кўзлаган мақсадини амалга оширишини, иқболини порлоқ этиб, Лайлининг ҳар бир сўзини дилга ёқувчи қилишини ва Мажнуннинг сўзини жонсўз, жигарсўз қилишини сўрайди.

Дostonнинг дастлабки боблари маснавий шакли билан ибтидо топгач, Пайғамбаримиз меърожига бағишланган наътдан сўнг, наът-қасида келади. Қасида талмиъ санъати асосида ёзилган бўлиб, ундан уч тилда: араб, форс ва озар тилида битилган байтлар ўрин олган. Ҳажман 19 байтдан иборат. Пайғамбаримиз (с.а.в) васфига бағишланади. Унда Расулуллоҳнинг Аллоҳ томонидан мўминларга хабарчи қилиб юборилганликлари, у кишининг паноҳида бўлганларга зарар етмаслиги, Аллоҳ У кишини азизлардан-да азиз қилиб яратгани ҳақида айтилади:

*Ya mənbəül-məkarimi vəya mə'dənül-vəfa,*

*Ya məstəül-məhasini vəya mənbəül-əta.*

<sup>29</sup> Бурҳан Башарслан. . Fuzulinin “Leyla vu Macnun” Mesnevisi. Dibace. <http://www.marmarailahiyat.com/fuzulinin-leyla-vu-mecnun-mesnevisi-dibace> (muif blog); 14 Augustos 2019

*Əntəl-ləzi büistəileyna mübəşşirən,  
Vəxtarəkəl-ilahə ənil xəlqi vəstəfa.  
İt'əl-ləzi təfəzzələhül-qürbəvəl qəbul,  
Vəntəl-ləzi təfərrədəhül-izzü vəl-üla.  
Mən irtica bilütfikə maxabə vəntəfi,  
Mən iqtəda bişər'ikə mazaə vəhtəda.  
Ya övnə mən təfəqqədəhü ində şiddətin,  
Ya kəhfə mən təbəssənə fizzəri vənnəca.*

Кейинги байтларда қасида форсий тилда давом этади. Унга кўра, Исо (а.с) ҳам фалакка чиқди, бироқ унинг мақоми Муҳаммад (с.а.в)нинг кадр-қийматичалик эмас. У зот Меърожга кўтарилдилар. Бу даража олдида Мусо (а.с) чиққан Тур тоғининг қиймати кадрсиздир. Иброҳим (а.с)га атаб ёқилган ўтни ўчирган ҳам У зотнинг сувлари эди. Пайғамбар шариатидан юз ўгирмоқ куфр, У зотдан ўзгага эргашмоқ эса муртадлик белгисидир:

*İsa nəmirəsəd be to dər qədrü mənzələt,  
Bər çərx əgər nəhəd ze səri-iqtidar pa.  
Me'rac yafti to vü bər Tur şod Kəlim,  
Fərq əz to ta Kəlim ze ərşəstü ta səma.  
Abi-to bud k'atəşi-Nərarudra nişand,  
Ruzi ke, kərde bud dər atəşi-Xəlil ca.  
İqrari-kaforist ze şər'i-to inhıraf,  
Bürhani-gümrəhist beqeyri-to iqtida.*

Қасида Фузулийнинг у Зотдан раҳм тилаб, шафоат ила ҳожатини раво қилиши ҳақидаги тилак-дуоси билан яқунланади:

*Ya Mustəfa, Füzuliyi-möhtacə rəhm edüb,  
İzhari-iltifat ilə qıl hacətin rəva.*

Қасида қофияланиш тизими ва қўлланилган шеърий ўлчов нуқтаи назаридан дostonнинг асосий шакли – маснавийдан фарқ қилади. Унда аруз тизимининг музориъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазни (афойили ва



тактиъи: мафъувлу фоилоту мафойилу фоилун, -- V / - V - V / V - - V / - V - ) истифода этилган.

Достон таркибида келган иккинчи қасидада Султон Сулаймон Қонуний таърифи келтирилган бўлиб, ҳажман 21 байтдан иборат. Қасида султон мадҳига бағишланган 10 бобга илова тарзида берилган. Шоир унда замона султонининг тенгсиз ҳиммат соҳиби, диннинг чин паноҳи, ориф, фозил, уламоларнинг раҳнамоси эканлигини айтар экан, уни мадҳ этмаган тил армонда эканлигини таъкидлайди:

*Zəhi-kamil ki, əqli-nüktədan dərkındəheyrandır,  
Vücudi-bimisali intixabi-növ'i-insandır...  
... Çü oldur hamiyi-islam, vacibdir onun mədhi,  
Nəkim, mədhindən özgə söz demiş, ondan peşimandır.  
İlahi, baqi olsun daim insanpərvər iqbalı  
Cahani-fani icrə ta bəqayə-növ'i-insandır.*

Ушбу қасида ҳам вазн нуқтаи назаридан достонда қўлланилган асосий шеърий ўлчов чегараларидан чиқади: унда ҳазаж баҳрининг ҳазажи мусаммани солим (мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун, V---/V---/V---/V---) вазни қўлланилган.

Достонга битта соқийнома ҳам киритилган бўлиб, у 8 бобга илова қилинган. Соқийнома 62 байтдан иборат. Унда шоир соқийга мурожаат қилиб, ўзини садаф, соқийни эса ёмғир деб атайди.

*Mən bir sədəfəm, sən əbri-niysan,  
Ver qətrəvü al dürri-qəltan.*

Шунингдек, соқийномада шоир Низомий ва Навоийнинг номларини ҳам тилга олиб, улар ўзлари яшаган давр шоҳларининг назарига тушганлигини фахр билан тилга олади:

*Bulmuşdi səfayi-dil Nizami,  
Şirvanşəhə düşüb girami.  
Olmuşdu Nəvaiyi-süxəndon  
Mənzuri-şəhənşəhi-Xorasan.*

Мазмуни: пок қалбли Низомийга Ширваншоҳнинг назари тушди.  
Навоий суҳандонлиги билан Хуросон шаҳаншоҳига манзур бўлди.

Соқийнома давомида Фузулий изтироб билан энди булардек гўзал сўз айтувчи қолмаганлигини, улар улуғ ижодкор сифатида доимо дарвешлик хирқасини эгниларидан ечмаганликларини этироф этади. Шоир ўзини уларнинг давомчиси санаб, сўзни устувор билиб, эгнига хирқа ташлашни ниёт қилади. Сўзнинг илоҳий эканлигини таъкидлаб, “бунинг учун менга ҳар мажлисларда адоват қилсалар ҳам, ғараз қилсалар ҳам мен буни таҳсин деб қабул қиламан”, дейди:

*Çün qalmadı, qalmadı fəсахət,  
Ərbabi-fəсахət içrə rahət.  
Ol tairə çəkdi xirqəyə baş,  
Halətlərin etməz oldular faş.  
Eylər həsəd əhli bağlayib kin,  
Təhsin əvəzinə neyü nifrin.*

Соқийнома маснавий шаклида битилган бўлиб, вазн нуқтаи назаридан ҳам дostonнинг асосий шеърий ўлчовига мос келади.

Фузулийнинг дostonида 24 та ғазал келтирилади. Дoston таркибида келтирилган ҳар бир ғазал шоир фикрини исботлаб қолмай, дostonнинг умумий мазмунини очишга ҳам хизмат қилади. Ғ.Алиевнинг маълумот беришича, “Лайли ва Мажнун” дostonи таркибига ғазалларнинг киритилиши Ашраф Мароғийдан бошланади. Фузулий ҳам ўз дostonида Ашрафнинг бу анъанасини давом эттиради<sup>30</sup>.

Дoston таркибига киритилган жами ғазаллар 162 байтни ташкил этади. Ғазалларнинг 8 таси Лайли тилидан, 12 таси Мажнун тилидан, 2 таси Фузулий тилидан ва 2 таси муножот ғазалдир.

Фузулий дostonининг сюжет таркибига 2 та мураббаъ киритилган. Маълумки, мураббаъ жанрининг келиб чиқиши халқ оғзаки ижодига бориб

---

<sup>30</sup> Алиев Г. Темы и сюжеты Низами в литературах народов востока. – М.: Наука, 1985. – С. 74.

тақалади. Туркий адабиётда бу жанрни илк маротаба Аҳмад Яссавийнинг ижодида кўришимиз мумкин. Ундан сўнг Машраб, Огаҳий, Аваз Ўтар, Муқимий каби ижодкорлар бу жанрда баракали ижод қилишди.

Фузулий мураббаъларининг умумий ҳажми 26 байт. Мажнуннинг тилидан келтирилган мураббаъ “*Bu, Məsnundan Leyliyə bir nameyi-itabamizdir və реуғами-şikayətəngizdir*” бобига илова қилинган бўлиб, рамали мусаммани маҳзуф (фоилотун-фоилотун-фоилотун-фоилун) вазнида битилган.

Лайли тилидан келтирилган мураббаъ эса достоннинг “*Bu, Leylinin Məsnuna реуғами-cavabidir və üzrü itabidir*” бобига илова қилинган бўлиб, унинг вазни ҳазажи мусаммани солимдир (мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун). Достон таркибидаги мураббаъ ва ғазалларнинг бадий хусусиятларига диссертациянинг учинчи бобида кенгроқ тўхталингани боис бу ўринда фақат уларнинг миқдори ва келтирилган ўрни ҳақида сўз юритилди.

## 1.2. Достонларнинг кириш боблари қиёси

Достонлардаги муқаддимавий бобларнинг қиёсий таҳлили икки ижодкор ғоявий ва бадий ниятининг моҳиятини англашда муҳим ўрин тутди. Зеро, “Хамса” достонларидаги муқаддималар воқеликка шунчаки анъанавий кириш бўлмай, балки достонлар мундарижаси учун очкич вазифасини ҳам ўтайди. Шу маънода муқаддималарда келтирилган фикрларга алоҳида эътибор бериш достонлар тағзаминида яширинган рамзий маъноларни очишга ёрдам беради”.<sup>31</sup>

Юқорида таъкидланганидек, Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида муқаддима 9 бобни ўз ичига олади. Шоир достоннинг биринчи, яъни ҳамд бобида Аллоҳни гўзал сифатлар билан улуғлайди:

*Эй кимники айлабон париваиш,*

*Мажнун анга юз асири гамкаш.*

*Эй кимни қилиб париға мажнун,*

---

<sup>31</sup> Юсупова Д. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври). – Т.: ТАМАДДУН, 2016.

*Ашки суйин оқизиб жигаргун.  
Эй ҳар сориким қилиб тажалли,  
Ул маҳзар ўлуб жаҳонда Лайли.  
Эй Мажнунинг хираддин озод,  
Оҳи берибон хирадни барбод*<sup>32</sup>.

Эътибор берилса, шоир илк бобдаёқ дostonнинг мавзуси ва умумий мазмунига ишора қияпти. Аллоҳни мадҳ этиш асносида бош қаҳрамонлар номини усталик билан келтириб, ўзи баён этмоқчи бўлган дostonини китобхонга маълум қияпти:

“Сен кимни париваш қилиб яратган бўлсанг, унга юзлаб ғамчекар навқиронларни телба шайдо этдинг. Кимни сен парига Мажнун қилган бўлсанг, кўз ёшларини жигарранг қилиб оқиздинг. Сен қаерда жилва қилган бўлсанг, ўша жилва жаҳонда одамларга Лайли тимсолида кўринди. Лайли номли гўзалларни навқиронларни телба қиладиган сифатлар билан яратдинг. Сенинг Мажнунларинг ақл-идрокдан озоддирлар. Уларнинг оҳлари ақлни елга совурган”<sup>33</sup>.

Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonида эса муқаддима 12 боб бўлиб, дostonнинг 1 боби анъанавий Аллоҳга ҳамд билан бошланади. Боб форсий тилда ёзилган бўлиб, 38 байтдан иборат. Унда Аллоҳнинг гўзаллиги, буюклиги, азалий ва абадийлиги айтилади. Аллоҳни санъатлар орқали танидик, дейди шоир:

*Əlhəmdü livahibil-məkarim,  
Vəş-şükrü lisahibil-mərahim.  
Vəhüvəl-əzəliyyü fil-bidayət,  
Vəhüvəl-əbədiyyü fin-nəhayət.  
Qəd şaəbi-sünihi-bəyanüli,  
Ma əzəməfil-bəqai-şənüh.*

<sup>32</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами.Еттинчи жилд// Лайли ва Мажнун- Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 6-7. (Бу ва бундан кейинги иқтибослар шу манбаадан олинади).

<sup>33</sup> Alisher Navoiy. Layli va Majnun.-T.: G'ofur G'ulom nomidagi NMIU, 2006. – B. 214.

*Sübhanəllahi-zəhi Xudavənd,  
Bişibhü şərikü misli manənd.  
Məşşateyi-növrusi-aləm,  
Gövhərkeşi-silki-nəsli-Adəm.  
Sərrafi-cəvahiri-həqaiq,  
Kəşşafi-qəvamizü dəqaiq.  
Peydakoni-hər nəan ki, başəd,  
Poyhankoni-hər oyan ki, başəd.  
Memari-binayi-afərinış,  
Sirabkoni-riyazi-biniş.*

Умумий мазмуни: Меҳрибон Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. У азалий ва абадийдир. Уни санъати орқали таниб олиш мумкин. У қанчалик буюк ва улуг Зот! Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ покдир. У бу оламни безаб, унда Одам наслларини яратди. Ҳақиқат гавҳарининг саррофи, яратилиш биносининг Меъмори ҳам Удир.

Фикримизча, ушбу бобнинг форсийда ёзилишига сабаб, Фузулийнинг Низомийни ўзига устоз деб билиши ва ижодда ҳам унга эргашишидир. Навоий достонининг ҳамд бобида Аллоҳни мадҳ этиш баробарида достоннинг умумий мазмунига ишора сифатида ошиқлик, Лайли ва Мажнунлар ҳақида сўз юритса, Фузулий эса Аллоҳни барча улуг сифатлари орқали таъриф этадики, шоирнинг бу қарашлари достоннинг умумий мазмунини ифодалаши билан аҳамиятлидир.

Шоир бобнинг сўнггида Аллоҳдан ўзига юпанч ёрдам сўрайди:

*Əz feyzi-hünər xəbər nədarəm,  
Cüz bihünəri hünər nədarəm.  
Şügli-əcəbi giriftəəm piş,  
Pişü pəsi-u tətam təşviş.  
Səngist bərahəm uftadə,  
Bəhrist mərə hərəs dadə.  
Tövfiqi-toəm əgər nəbaşəd,*

*Vər lütfi-to rahbər nəbaşəd.  
Müşkil ki, dərin giriveyi-təng  
Lə'li bedərərəm öz dili-səng.  
Müşkil ki, murad rox nəmayəd,  
Zin bəhr düri bədəstəm ayəd.  
An kon ki, diləm fūruğgirəd,  
Lövhəm rəqəmi-səfa pəzirəd.  
Ayineyi-xatirəm şəvəd pak,  
Rövşən gərdəd çiraği-idrak.*

Мазмуни: Ҳунар шуҳратида хабарим, ҳунарсизликдан ўзга ҳунарим йўқдир. Олдимга қандайин вазифа қўймайин, унинг аввали ва охири қайғулидир. Менинг йўлимга тушган ҳар бир тош, ҳар бир томчи менга хавф солур. Сен марҳамат этиб, дардим ташқарига чиқса, бу назм денгизида қўлимни соф ёзувлар билан нақшлантириб, хотирамнинг ойинаси пок, ақлимнинг чироғини порлоқ қилгин.

Фузулий ҳам ишқ бобида Алишер Навоий кўзлаган манзилни мақсад қилган эса-да, бу манзилга ўзига хос йўлдан кетишни истайди. Достоннинг таркибий тузилиши бунга яққол далил бўла олади: иккинчи боб энди озар тилидаги ҳамдни ўз ичига олади. Бу боб 68 байтдан иборат. Унда ҳам Фузулий Аллоҳга ҳамд айтади, Аллоҳни гўзал сифатлар билан мадҳ этади ва Аллоҳдан ўзига мадад сўрайди.

*Ey məbdəi-fayzi-afərinış,  
Səndən rüvşən çiraği-biniş!  
...Ey pərdeyi-masiva niqabın,  
Səndan özgə sənin hicabın!  
Ey sirri-vüçudun əmri-məlum,  
Mövcud həmin sən, özgə mədum!  
Ey cümlə cahon sənə rizacı,  
Səndən hali səninlə məmlu!*

Мазмуни: Сенинг нурунг билан Одам ўғиллари равшан бўлди. Эй вужуди сир, аммо амри барчага маълум Зот! Сен бир вақтнинг ўзида ҳам ҳижоблисан, ҳам ҳамма ҳижобларинг сен биландир. Фақат Сен мавжудсан, фақат Сен боқийсан. Ҳеч бир махлуқот Сендан ўзга, Сенсиликда мавжуд эмасдир. Эй йўқни бор қилгувчи! Сенинг фикринг маърифат баҳоридир. Жумлаи жаҳон сендан розидир. Улар сенинг ёдинг, нафасинг билан тўлгандир.

Алишер Навоий достонининг иккинчи боби Муножотни ўз ичига олади. Муножотда Аллоҳ йўлида таслимият келтирган, мискин ва бандалиқдан ҳикмат топган шоирнинг дoston ёзишга киришган вақтидаги илтижолари акс этганини кўрамиз:

*Қилмай даъвийи хуш адолиқ,,  
Арз айла, Навоий, гадолиқ.  
Шукруннга тилимни қойил айла,  
Сажданнга бошимни мойил айла...  
Бўл роҳнамун манго ул ишга,  
Ким, бўлса санга ризо ул ишга...*

Юқорида таъкидланганидек, Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” достони муқаддимаси таркибий тузилиши жиҳатидан Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонидан фарқ қилади. Фузулий достонида Муножот 3-5-бобларда келтирилади. Дастлабки Муножот ҳажман анчагина катта – 86 байт. Унда шоир ўз нафсини тафтиш қилиб, ақл билан жисмини бошқаришда Аллоҳдан мадад тилайди: “Эй Тангрим, карамингни мен хор-у зордан дариг тутмагинки, мен Сенинг паноҳингдан умидворман. Мени тупроқдан яратдинг. Ақл, жон ато қилдинг. Гар жон истасам, Сенинг даргоҳинг хокидан истайман. Ақлимни эса соликлик йўлида бергин”.

*Nam var ki, laf edam özüm den,  
Məhv eylə məni mənim gözümdən.  
Ol gün ki, yox idi məndə qüdrət,  
Qıldın mənə qeybətimdə rəğbət.*

Мазмуни: Мени ўзимнинг кўзимдан, нафсимдан асрагин. Менда кудрат йўқ эди. Сен мени рағбатлантирдинг.

Фузулий ҳар бир муножотида ўзини таҳлил қилади, феълени танқид остига олади. Инсон ўзи билан ўзи мураса қила олмаса, “мен”ини вазифаси имондан йироқлашса, нафс уни Ҳақ йўлидан оздириб боши, берк кўчага олиб кириши ҳеч гап эмас. Шоирнинг муножоти Ўзидан ўзни излаш йўли бўлиб, у манзилга Фузулийона ҳокисорлик, тавба ва итоаткорлик орқали етишни мақсад қилади.

Аллоҳга илтижо қилиш асносида шоир атрофидаги ижодий муҳитдан кўнгли тўлмаслигини баён қилади. Кейинги авлодлар орасида арзирли ижодкорлар йўқлигидан изтиробга тушади. “Дардларим кўп, гуноҳларим ундан-да кўп”, – дейди шоир.

Кейинги бобларда муножот давом этар экан, Фузулий жисм ва руҳнинг оғриқларига, жабру ситамларига ҳамма вақт дунёни айбдор қилмаслик ҳақида сўзлайди. Шу ўринда унинг дунё ва яратилар ҳақидаги қарашлари бошқа Шарқ мутафаккирлари, хусусан, Навоийникидан фарқ қилишини кузатамиз:

*Hər dəm onu, bivəfa oxursan,  
“Dunsan” deyə bəddua oxursan.  
Çün ol sənə qıldı mehribanlıq,  
Yaxşılığa eyləmə yamanlıq!*

Мазмуни: “Нима учун озроқ жабр келса ҳам дунёга сен “дунсан” (разил, пасткашсан) деб айб қўясан. Ёмон дуо ўқийсан. Чарх бу дунёда сенга кўп меҳрибонлик қилди. Сен унинг қилган яхшилигига ёмонлик қилма.

Ҳазрат Навоий достонининг 3-боби Наът бўлиб, бу бобни Навоий Расулуллоҳ (с.а.в)нинг мадҳларига бағишлайди ва у зотнинг нуридан фалаклар нурлангани, қадамларидан жамики коинот қувонгани, Аллоҳ у зотни бир нафасда барча илмларда мукамал қилганлиги ҳақида сўзлайди:

*Сунъ илги чекиб бу номага там.  
Орқасига бости нақши хотам.  
Меърож туни табаҳ бўлди,*



*Борча анга ҳоки роҳ бўлди,  
Борисига ҳар гузин авқот,  
Юз минг саловат ила таҳиёт.*

Муҳаммад Фузулийда эса Наът дostonнинг 6-бобидан ўрин олган. Наътда Фузулий икки нарсага урғу беради. Биринчидан, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) пайғамбарларнинг сўнггисидир. Аммо Аллоҳнинг У Зотга буюк муҳаббати сабаб, Меърож тунида жамики набийлар билан кўришиб, пайғамбарлик тахтини эгалладилар. Энг баланд мартабага етишдилар. Иккинчидан, Аллоҳ пайғамбаримиз(с.а.в)нинг нурини бутун инсониятни яратишдан анча аввал пайдо қилди ва ўша нурдан Одам Атони яратди:

*Sardāftari-ʻanbiyayi-mūrsie,  
Onlara hani axirū hət əvvəl!*

Навоий “Ҳайрат ул-аброр” дostonининг биринчи наътида мазкур ҳодиса ҳақида фикр юритиб, шундай ёзади:

*Нурунга тоб икки жаҳондин бурун,  
Ҳар не йўқ ондин бурун, ондин бурун...  
Бўлди санга Одам сабқатнамо,  
Аввал ўғул, сўнгра гар ўлса ато<sup>34</sup>.*

Ҳазрат Навоий айни шу байтлардан аввал дostonдаги биринчи наът сарлавҳасида мана бундай сўзларни келтиради: “Ул ҳазратнинг нури қидамиятидаким, зот баҳрининг аввалғи жунбушида ул дурри бебаҳо ламъаси хафо риштасин узди ва ул гавҳари якто ашиъаси ламъа кўргузди ва дурждин дуржға интиқол этти то Сафиюллоҳдин Абдуллоҳға етти”<sup>35</sup>. Яъни бу ўринда буюк мутафаккир Расулуллоҳ алайҳиссалом нурининг қадимийлиги, Аллоҳ таолонинг иродаси билан бу бебаҳо дур махфийлик риштасини узиб, бу ягона гавҳар шуълалари зоҳир бўлгани ҳамда отадан болага ўтиб, Одам сафийуллоҳдан пайғамбаримизнинг отаси Абдуллоҳға етгани ҳақида сўз боряпти. Юқоридаги байтда ҳам айни шу ҳодиса ўзига хос бадий талқин

<sup>34</sup> Alisher Navoiy. Nayrat ul-abror. T.: Gʻafur Gʻulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2006.- B. 27.

<sup>35</sup> Ўша манба. - Б. 27.

этилган. Пайғамбаримизга хитобан: “Сенинг нурунг икки жаҳон яралмасдан бурун порлаган эди. Ундан бурун ҳеч нарса мавжуд бўлмаган. Одам алайҳиссалом сен учун аввал ўғил бўлса-да, кейин ота сифатида илгарирок яратилди”, дейилаётгани бунинг исботидир.

Алишер Навоий дostonнинг 4-бобини Меърож туни таърифига бағишлайди. Боб сарлавҳасига эътибор қаратсак, унинг муайян тарзда асарнинг бош қаҳрамонларидан бири (Лайли)нинг номи билан уйғунлик касб этганини кўрамиз: «Ул шoми висoлингким, «Вал-лайли изо яғшо» («тун қоронғилиги билан қасам ичaман») oяти бўла олғай aнинг шoнида савoди ёзилmoғи...». Бoбнинг бoшида туннинг қоронғулиги худди дилбарнинг сочидаги қоралик кабидир деб сифатланади. Oшиқнинг кўнгли шу қоронғулик ичидаю, хаёли Ҳaқнинг нурида экaнлигига ишoра қилинса, бoб давомида Навoий Пайғамбаримиз (с.а.в)нинг Меърожга чиқaётганларида бутун oлам бундан бахтиёр бўлганлиги ва мубoрак қадамлари теккан ҳар бир сайёралар чексиз қувонганлиги ҳақида сўзлайди.

*Дилбар сочидек ҳарoси жонда,  
Мен мунда, нечукки, кўнглим онда.  
Бор ишдин этиб ўзни маъзул,  
Маҳбуб хаёли бирла машғул.*

Меърож воқеаси тасвирланган жамики адабиётларда у туннинг маҳобати ва улўғлигидан инсон зотидан бошқа жамики тирикликнинг огоҳ бўлганликлари, Пайғамбаримиз (с.а.в)га юборилган бу шарафдан қувонганликлари баён этилади. Навоий бу муқаддас кечани таърифлар экан, унинг ҳаяжонидан жонга қўрқув тушишини айтади. Орадан неча асрлар ўтиб, жисм макон ва замонни ўзгартириши, бир кун келиб бир яратикнинг ўрнини бошқаси эгаллаши илоҳий қонуниятдир. Лекин биз билган ва билмаган, биз кўрган ва кўрмаган жамики мавжудликлар борки, фақат бир Зотга итоат этади. Бу улўғ муҳаббат шарафидан бўлса не ажаб?! Ва яна шу муҳаббат сабаб ошиқнинг хаёли Маъшукнинг висолига етишмоқдир. Навоий, *Мен мунда, нечукки, кўнглим онда*, деганида худди шу муҳаббатни назарда тутди. Бу

туйғу асрлар ва замонларни писанд қилмайди. Чунки оламнинг ўзи ишқнинг устида бунёд этилган. Бу оламда жамики юмушлар ўткинчи, тил ва дилни Маҳбуб ёди билан боғлабгина саодатга эришиш мумкин. Навоий Лайли ва Мажнун тимсолида ҳам айнан шунга ишора қилади.

“Алишер Навоий дostonнинг ушбу бобида Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг маҳбуб (Ҳақ) васлига орзуманд бўлишлари (*Маҳбуб хаёли бирла машғул*), унинг ҳузурига кетаётганларида беҳуш бўлишлари (*Солиб ўзин анда беҳудона*) билан боғлиқ ҳолатларни кейинчалик дostonнинг асосий қисмида Мажнун тимсолига кўчиради”<sup>36</sup>.

Меърож туни Фузулий дostonининг 7 бобида келтирилган. Фузулий унда Меърож тунининг таърифини сайёралар воситасида баён қилади. Бобдаги тасвир услуби Навоий дostonига яқин туради. Фақат Навоийдан фарқли ўлароқ, боб сўнгида пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)га бағишланган 19 байтли қасида келтирилган. Биз бу ҳақда аввалги фаслда фикр юритдик.

Алишер Навоий дostonнинг 5 бобида ўзидан аввал яшаб ижод қилган устозлари Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Деҳлавийларни мадҳ этади. 6 бобда эса устози Абдурахмон Жомийнинг таърифи келади. Фузулий эса ўзидан аввал ижод этган салафлар ҳақида дostonнинг 8-бобида баён қилади. Ушбу боб муайян тарзда “Дунёнинг фонийлиги ҳақида шикоят” бўлиб, 46 байтдан иборат. Шоир унда соқийга мурожаат қилиб, қадахини тўлдириб, май куйиб беришини ва унинг билан бу майхонада ҳамдард бўлишни сўрайди.

Тасаввуф адабиётида соқий – Пир, май – маърифат, жом эса қалбдир. Демак, Фузулий бу ўринда Пирга мурожаат қилиб, унинг қалбини маърифат билан, ишқ билан тўлдирмоқни ва Аллоҳга элтгувчи машаққатли бу йўлда йўлдош бўлишни сўрайди:

*Sən ver badə, mən eyləyim nuş,*

*Mən nəzm oxuyun, sən ona tut guş!*

*...Min riştəyə türfə lə'l çəksəm,*

---

<sup>36</sup> Sirojiddinov Sh., Yusupova D., Davlatov O. Navoiyshunoslik. Darslik.. – Toshkent: Akademnashr, 2020. – B. 135.

*Min rövzəyə nəzənin gül əksəm,  
Qılmaz ona hiç kim nəzarə,  
Derlər gülə xar, lə'lə xarə.  
Ancaq deməzəm ki, xaki-Bağdad  
Alayışı-nəzmdəndir azad.*

Мазмуни: Сен менга бода бер ва мен ундан роҳат олай. Мен шеър ўқийман, сен эса қулоқ тут! Минг ипга турфа лаъл тизсаму минг боғга нозик гулларни эксам ҳеч ким уларга назар ҳам солмайди. Гулни хор бўлибди, дейдилар, лаълни эса тош. Фақатгина ўзим Боғдод тупроғини ёмон шоирлардан холи, деёлмайман.

*Nə Hind, nə Fors, nə Xorasan,  
Nə Rumù Əcəm, nə Şamù Şirvan.  
...Hala məgər iqtizayi-dövrən  
Oldur ki, ola o gənc pünhan.*

Мазмуни: Ҳозир на Ҳиндда, на Форсада, на Хуросон-у Ажамда бирорта яхши шоир йўқ. Лекин бу назм хазинаси бўшаб қолмайди. Ҳали замоннинг ўзи бизга кўплаб хазиналарни очиб беради.

Муҳаммад Фузулий достонининг 9 боби муайян тарзда аввалги бобнинг давоми бўлиб, шоир уни “Бу соқийга базм учун май сўраш хитоби” деб номлайди, боб 36 байтдан иборат. Шоир соқийга мурожаат қилиш асносида бадий ижод ва шеърят билан боғлиқ қарашларини баён қилади. Боб Фузулийнинг ўз ижоди ҳақида айтган фахрияномасидир:

*Mən şairi-Musiyi kəlamət,  
Sahirlərə mö'cüzi-təmatəm.  
Mən sahiri-Babili nəjadəm,  
Harutəbu işdə ustadəm.*

Шоир ўзининг шеърят бўстонида пок дурлар қадалган мисраларидан ким нени истаса, харидор бўлиши мумкинлиги ҳақида ёзар экан, шундай дейди:

*Gəh tərzi-qəsidə eylərəm saz,*

*Şəhbazını olur büləndpərvaz.  
Gəh də'bi-qəzəl olur şüarım,  
Ol də'bə rəvan verər qərarım.  
Gəh məsnəviyə olub həvəsnak,  
Ol bəhrdə istəram düri-pak.*

Мазмуни: “Гоҳ қасида, гоҳ ғазал, гоҳ маснавий ёзаман. Ғазални равон ёзаман, маснавийда ҳаваснок бўлиб, унинг денгизидан пок дурлар истадим”.

Фузулий шеърятти, ғазалиёти ўзи таъкидлагани каби равондир. Унга ошно бўлган қалб борки, мазмуни, мағзи ва оҳанггига маҳлиё бўлади.

Достонларнинг кейинги боблари замона ҳукмдорлари мадҳига бағишланади. Султон Ҳусайн Бойқаронинг мадҳи Навоий достонида 7-бобда келтирилади. Навоий Ҳусайн Бойқарони дин пешвоси, саховатпеша, бунёдкор шоҳ сифатида таърифлайди. У қилич билан шерни енгишдек кучга эга бўлса-да, аммо чумолига ноҳақ азоб беришдан қўрқади. Шоҳ сифатида шоҳларнинг ичида қанчалик юксак бўлса, дарвишлар олдида тупроқдек ҳокисордир, деб таърифлайди:

*Шаҳлар аро ўрни тоқи афлок,  
Дарвешлар оллида овуч хок.  
Дарвеш десам улус уза шоҳ,  
Шоҳи дарвеш боракаллоҳ!*

Навоий қайси ўринда Султон Ҳусайн Бойқаро ёки шаҳзодалар ҳақида сўз юритмасин, уларнинг ҳар ишда моҳир ва маърифатли бўлганликларига урғу беради. Навоий бу орқали султонларни мадҳ этиш баробарида давлатнинг нақадар қудратли эканлигига ишора қилган.

Н. Комиловнинг “Тасаввуф” китобида ёзилишича, “Ушбу бағишловда Навоий Ҳусайн Бойқаронинг тахтда ўтириб, тариқат русуми билан ошно бўлгани, ўзини пир (Жомий) ихтиёрига топширгани, қадамжолар,

хонақхоларни зиёрат этгани, хиротдаги дарвеш-орифлар, шайхлар аҳволидан хабар олиб туриши, қалбан дарвишлиги ҳақида сўз юритади”<sup>37</sup>.

Алишер Навоий дostonнинг 8 бобида шахзода Бадиуззамоннинг таърифини келтиради. Бобда шахзоданинг адолати, саховати, куч-қудрати мадҳ этилади. Уни салтанат осмонида куёш деб таърифлайди. Тахт устида тожини ярқиратиб ўтирганида минглаб қуллар унинг бир имосини кутиб қўл қовуштириб туришади:

*Эгри қўюбон боши уза тож,  
Юз тожвар итларига муҳтож.  
Қўлларни қовуштириб йироқдин,  
Фармониға мунтазир қироқдин.*

Замона султонининг мадҳи Фузулий дostonининг 10 бобида келтирилади. Боб 52 байтдан иборат. Боб аввалида шоир ўз анъанасига содиқ қолган ҳолда, соқийга мурожаат қилади:

*Tə 'siri salib dimağə təşvir,  
Təşviri məcazım etdi təğyir.  
...Olsaydı mənim sözümдə bir hal,  
Əlbəttə olurдum əhli-iqbal.  
...Müstəhfizi-din, pənahi-islam,  
Məxdumi-zəman, məlazi-əyyam.  
Əbr istehsanù bərq kinə,  
Şahənşəhi-Məkkeü Mədinə.  
...Ərbabi-hünər ümidgahi  
Türkü ərəbù əcəm pənahi.  
Tuğraymisai-Ali-Osman,  
Sultani-sipəhşikən Süleyman!*

Мазмуни: Сен қуйган майдан менинг мижозим ўзгарди. Қани энди бир чиройли сўз айта олсам. Шунда замона султонининг назарига тушган ва иқбол

---

<sup>37</sup> Комилов Н. Тасаввуф. – Т.:MOVAROUNNAHR - O'ZBEKISTON 2009, Б-174

аҳлидан бўлардим. У подшоҳ диннинг ҳимоячиси, исломнинг паноҳи, У Макка ва Мадинанинг шаҳаншоҳи, у одил султон, турк, араб, ажамнинг паноҳи, у султон Сулаймондир! Боб сўнгида Султон Сулаймон шаънига қасида келтирилган.

Аввалги фаслда келтирганимиздек, Алишер Навоий дostonнинг 9-бобини тун таърифига бағишлайди. Мажнун туғма ишқ билан дунёга келган эди. Лайлини кўргач эса унинг қалбидаги ишқ олови янада алангаланди. Мажнун фитратидаги поклик, “жунунлик” унинг руҳига ҳам озуқа бўлди. Навоий дostonда ишқ водийсининг даҳшатларини тасвирлаш баробарида Мажнун хилқатидаги эврилишларга ҳам ишора қилади.

*Андоқки қилиб караима майли,  
Зулф ичра жамолин очса Лайли.*

Лайли (Маъшук) юзининг шуъласини кўриб Мажнуннинг руҳи, қалби, жисми оловланиб кетади. Навоий ошиқ ҳолатини тасвирлар экан, уни Аллоҳнинг нури тушган ва шоҳлари шуълаланиб турган дарахт–“нори айман” га менгзайди:

*Менким отим ўлди ҳодии ишқ,  
Маскан манга ушбу водии ишқ.*

Икки олов бирлашса, катта гулҳанга айланади. Унга яқинлашиш тугул тафтига ҳам дош бериш қийин. Лайли ва Мажнун бир вақтнинг ўзида ҳам олов, ҳам парвонадир. Ёниш ҳам, ёндириш ҳам умрнинг заволи эканлигини билса-да, Илоҳий лаззат сабаб ўз жонига жабр қилиб ҳузур топади. Гўё қакнус кушидек, ўзидан кечиб ўзига боради. Ўзидан ўзини қайта ва қайта яратади.

Фузулий дostonнинг 11-бобини “Китобнинг ёзилиш сабаблари”га бағишлайди. Боб 94 байтдан иборат. Боб Фузулий услубига хос яна соқийга мурожаат билан бошланади:

*Bir gün ki, meyi-Süheyltə'sir  
Vermişdi mizaci-paka təğyir.  
...Ol bəzm idi afiyət bəhari,  
Mən bülbülü-zarü biqəran.*

*...Yə'ni ki, qatı həqiq əhli,  
Hər məs'ələdə həqiq əhli.  
...Kim eylər idi həqiqi-raz,  
Şeyxidənü Əhmədidən ağaz.  
Kim söylər idi ögüb kelami,  
Övsafi-Cəliliyü Nizami.  
...“Lütf eyle!-dedilər, -ey süxənsənc!  
Faş eyla cəhanə bir nihan gənc!  
Leyli-Məcnun əcəmdə çoxdur,  
Ətrəkdə ol fəsanə yoxdur.”*

Мазмуни: “У кунда май менинг ёнимда эди, ичган сари завқим келиб, шавқим тошарди. У базм офият баҳори эди ва мен унда булбули зор эдим. У ерда илм аҳллари, ҳақиқат аҳллари йиғилган эди. Кимдир Шайхдан, кимдир Ахматдан гапирар эди. Яна кимдир Низомийнинг байтини сўйларди. Улар менга сўзларга ганж қадаб, яширин хазинани жаҳонга фош қилишимни айтишди. “Лайли ва Мажнун” ажам орасида кўп, аммо бу каби афсона ҳали туркларда йўқдир».

*Bildim, bu qəziyüə imtəhandır,  
Zira ki, bu bir bəlayi-candır.  
...Bir bəzmi-müsibəti-bəladır  
Kim, əvvəli qəm, sonu fənadır.  
...İdrakı verər xəyalə azar,  
Əfgan adər məlalı əfgar.  
...Bir iş ki, qılır şikayət ustad,  
Şagirdə olur rücuı bidad.*

Юқорида таъкидлаганимиздек, Фузулийнинг ушбу байтлари озарбайжон шоири Навоий достони билан таниш бўлмаган, деган хулосаларга олиб келганки, биз бу ҳақда аввалги фаслда фикр юритдик. Достоннинг мазкур бобида яна бир жиҳатга гувоҳ бўламиз: шоир тазмин санъати



воситасида салафи Низомийнинг байтларини дoston таркибига киритиб юборади:

*Əsbabi-soxən nişatù nazəst,  
Zin hər do soxən bəhanəsazəst.  
Meydani-soxən fərax bayəd,  
Ta təb' səvarayi nomayəd.  
Dər gərmiyi-rigù səxtiyi-kuh  
Ta çənd soxən rəvəd beənbuh?*

Мазмуни: “Сўзнинг асоси шодлик, ийҳомдир. Яна сўзга эҳтиёж сезилади. Сўз майдонида илҳом сайр этсин. Қумликларга, даштликларга илҳом кетса, тупроққа қанчалик таъсир қилади””.

Фузулий “Лайли ва Мажнун” достонининг муқаддимаси Салмонбей мадҳи билан якун топади. Салмонбей XV асрда яшаган машҳур Эрон шоири Салмон Соважийдир. Асл исми Жамолиддин Муҳаммад бўлган Салмон Жалойирийлар (Илҳонийлар) давлатини барпо қилган Шайх Ҳасани Бузург билан ўғли Амир Увайс (Вейс)га бир қанча мадҳиялар бағишлаган. Фузулий уни мадҳ этиш орқали шеърятни, назмни мадҳ этади.

### **1.3. Сюжет типологияси ва ўзига хослиги**

Маълумки, қиёсий-тарихий методнинг В.М.Жирмунскийгача бўлган вакиллари адабий ҳодисаларнинг ўхшашлиги масаласини фақат бевосита адабий алоқалардагина кўрадилар. В.М.Жирмунский эса шундай ёзади: «Айни шу нуқтаи назардан, биз ижтимоий-тарихий тараққиётнинг бир хил ривожланиш босқичида пайдо бўладиган ўзаро ўхшаш адабий ҳодисаларни, улар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг борлиги ёхуд йўқлигидан қатъи назар, бемалол қиёслай оламиз ва қиёсий ўрганишимиз зарур ҳам»<sup>38</sup>.

Қиёсий адабиётшуносликда таҳлилга тортиладиган ҳар қандай икки бадиий асар, шубҳасиз, сюжет жиҳатидан қиёсланиши мақсадга мувофиқдир.

---

<sup>38</sup>Qosimov S, Hamroqulov A, Xo'jayev S. Qiyosiy adabiyotshunoslikka kirish. O'quv qo'llanma. Andijon:2018

Чунки айнан сюжет таҳлили асар мазмунига кириш учун йўл очиб беради. Ижодкорнинг бадиий диди, тафаккури ва тасаввурига эса асар сюжетига қараб баҳо бериш мумкин. Хаёлот оламининг кенглиги, ранг-баранглиги, асар сюжет чизиғининг равлонлиги ижодкорнинг маҳорат даражасини белгилаб берадиган унсурлардир.

Маълумки, *сюжет* (франс. — предмет, “асосга қўйилган нарса”) бадиий шаклнинг энг муҳим элементларидан бири саналиб, бадиий асардаги бир-бирига узвий боғлиқ ҳолда кечадиган, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларидан таркиб топувчи воқеалар тизимини англатади. Умуман, сюжетлилик бадиий адабиётнинг хос хусусиятларидан бири бўлиб, барча турдаги бадиий асарларда ҳам сюжет мавжуддир. Фақат шуниси борки, ҳар бир турда, жанрда сюжет ўзига хос тарзда намоён бўлади. Масалан, аксарият лирик шеърларда воқеалар тизими мавжуд эмас, бироқ уларда ўй-фикрлар, ҳис-кечинмалар ривож кузатиладики, бу уларнинг сюжетини ташкил қилади.”<sup>39</sup>

Адабиётшуносликда сюжет хроникали ва концентрик турларга ажратиб ўрганилади. Сюжетнинг бу каби турлари асар бадиий йўналишини белгилашда катта аҳамият касб этади.

“Хроникали сюжетда воқеалар орасида вақт муносабати (“А” воқеа юз берганидан сўнг, “Б” воқеа юз берди) етакчилик қилса, концентрик сюжет воқеалари орасида сабаб-натига муносабати (“А” воқеа юз бергани учун, “Б” воқеа юз берди) етакчилик қилади.”<sup>40</sup>

Хроникали сюжет асар воқеалар ривожининг изчиллигини таъминлаб беради. Сюжетнинг ушбу тури бемалол асар таркибига қўшимча образлар, жанрлар киритиш ва бу билан ечимга кенг йўл орқали етиб боришни кўзда туттади. Асар таркибидаги воқеалар кетма-кетлиги замон, вақтни изчиллигини камраб олиш билан бирга ёзувчига ўз фикр-мулоҳазаларини, мазмунга

<sup>39</sup> Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish.- T.: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2004. – B. 100.

<sup>40</sup> Куронов Д, Мамажонов З, Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Т.: Akademnashr, 2013. – Б.290.

сингдириб юбориш имкониятини ҳам беради. Адабий асарлар негизида кўпроқ хроникали сюжет ётади.

Концентрик сюжет эса асосан детектив асарларга хос хусусият бўлиб, унда воқеалар марказдаги тугун артофида бирлашиб, ечим сари тезлик билан ҳаракатланади. Умуман олганда, адабий асарлар мутлоқ у ёки бу сюжет асосида яратилади, деб айта олмаймиз. Чунки сюжетнинг бу икки тури доимо бир-бирини тақазо этади ва биз асар таҳлилида қайси бир сюжет устунлик қилса, айнан ўша турига нисбат берамиз.

Масалан, Алишер Навоий ҳам, Муҳаммад Фузулий ҳам дostonнинг асосий воқеаларини қаҳрамонларнинг туғилиш тасвири билан бошлайдилар. Қайсининг дунёга келиши, ота-онасининг фарзандини кўз қорачиғидек асраб, маълум бир ёшга етгач, мактабга юбориш тасвирлари хроника асосида ёритиб борилади. Қайс ва Лайлининг илк учрашуви ва унинг натижасида икки ошиқнинг қалбига ишқ ўти тушиши билан дostonда концентрик сюжет ҳам кўзга ташланади. Яъни ўқувчида улар илк марта учрашмаганда эди, ишқ уларни жунун қилиб, ҳалок этмасди, деган бирёқлама хулоса ҳам пайдо бўлади. Аслида эса дostonда бир воқеа сабаб иккинчи воқеанинг бўй кўрсатиши унинг бадиияти ва мазмунини янада бойитиб, давомийлигини таъминлаб берадиган асосий омилдир. Қиёсланг:

*Яъни кўруб они Қайси маҳзун,*

*Рухсорини қилди қаҳрабогун. (Навоий, 65)*

*Ol qizlar içində bir porizad*

*Qeys ilə məhəbbət etdi bünyad. (Фузулий, 49)*

Дostonда қаҳрамонларни воқеалар ҳаракатга келтиради. Уларнинг руҳияти, хатти-ҳаракатлари бобдан бобга ўтган сари ўсиб, ривожланиб бораверади.

Навоий ва Фузулий икки ошиқ орасидаги тушунмовчиликларга ойдинлик киритиш мақсадида дostonда мактубни етакчи восита сифатида

қўллайдилар. Навоийда Лайлининг Мажнунга ва Мажнуннинг Лайлига ёзган мактублари сабаб муносабатларидаги тугун ечилади. Ва бу дostonнинг кейинги воқеаларига ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Лайлининг мактубидан:

*Бўлмоқ юз алам уйида маҳбус,*

*Бир ён, яна бир ён ўлди номус.*

Мажнуннинг мактубидан:

*Бу эрмиш иродаи Илоҳи*

*Ким, сиррини билмас эл камоҳи.*

Ёки Мажнун ва Навфалнинг илк учрашуви тасвири ҳам дostonнинг навбатдаги воқеалар қулфини очиш учун калит вазифасини ўтайди. Қаҳрамонларнинг учрашуви ҳар икки дostonда ҳам бир хил тасвирланади. Яъни Навфал Мажнун билан дўст тутуниб, унга ёрдам қўлини чўзади. Навоий дostonга Навфалнинг қизи ва Мажнуннинг никоҳ сюжетини киритади. Бу воқеа Фузулийнинг дostonида учрамайди.

Фузулий Мажнун ва Навфал орасидаги муносабатни навбатма-навбат ҳикоя қилиб бораверади. Навоий эса, дostonнинг айна ўрнида қаҳрамонлар руҳиятида туб бурилиш ясайди ва шу орқали воқеалар кульминацияси кўзга ташланади. Биринчидан, Навфалнинг қизи Мажнунга кўнглини очиб, севгани борлигини айтади ва Мажнун отасининг тўйдан кўзлаган мақсади барбод бўлади. Навфалнинг ҳам орзуси амалга ошмайди. Лайли ва Ибн Салом билан ҳам шундай воқеа юз беради ва икки ошиқ дийдор илинжида саҳрога чиқиб кетадилар. Иккинчидан, дostonнинг яна бир ўрни эътиборимизни тортадики, бу билан Навоийнинг дoston ёзишдан, Мажнунни жунун қилишдан асл мақсади англашилгандек бўлади. Лайли ва Мажнун саҳрода учрашиб, покликдан айри бўлмаган ҳолда бир-бирининг васлига қониб, меҳр ва муҳаббатдан лаззатланиб, тонг оттирадилар. Аммо руҳият ва қалбдаги жунунлик уларни тарк этмайди. Навоий бу билан икки ошиқнинг ишқи жисмлар учрашувига асосланган эмас, балки бундан минг карра улғу ва

шарафлидир, деган маънони сингдиради. Лайли ва Мажнун бу буюк йўлга бирга чиққан хамроҳлардир.

*Девонага қолди гам туни дард,  
Ўз буржисига чиқти моҳи шабгард.  
Хуш давлат эрур висол шоми,  
Очилмаса субҳи ҳажр доми.*

Алишер Навоий ҳам, Муҳаммад Фузулий ҳам дostonга Мажнун отасининг ўғлини тўғри йўлга солиш учун қилган ҳаракатлари ва насихатларини киритади. Воқеалар кетма-кет содир бўлади. Мажнун жунунликни тарк этмайди. Ота-онаси эса фарзандининг дарди билан азоб чекиб яшайди. Шу ўринда Мажнун руҳиятини остун-устун қилиб юборган воқеа содир бўлади. Навоийнинг достонида Мажнуннинг ота-онаси, Фузулийнинг достонида эса Мажнуннинг отаси вафот этади.

Ўқувчининг хаёлига шундай ўй келади: агар Мажнун ота-онасининг насихатларига қулоқ тутганида эди, балки улар фарзанд дардидан адо бўлиб вафот этмасмиди? Шу ўринларни қиёслаймиз:

Навоийда:

*Кўксим ярасини сўкма мунча,  
Бағрим қонини тўкма мунча.  
Сенинг танинг ўлса ёра гамдин,  
Менинг жигарим бўлур аламдин.*

Фузулийда:

*Rəhm et məni-zarü namuradə,  
Qoyma bu məşəqqətü bəladə.  
Kafurvəş oldu mişki-nabım,  
Bu sübhədə sənsən afitabıra!*

Мазмуни: Ман мақсадсиз зорга раҳм қилгин ва машаққат-у балоларда қолдирмагин. Бу озорлардан тоза мушким қорайди. Ахир ўзинг умрим тонгини офтобисан-ку?!

Профессор У. Жўрақулов “Хамса” дostonлари сюжет хронотопи ҳақида фикр юритиб, “Хамса”нинг умумий хронотопи билан боғлайдиган етакчи хронотопик тизим тўртала дostonда ҳам айнан йўл хронотопидир”<sup>41</sup>, деган хулосага келади. “Лайли ва Мажнун” дostonи сюжетининг асосини ҳам айнан йўл хронотопи ташкил этади. Ижодкор фалсафаси ва қаҳрамоннинг дostonдаги ҳаракатига қараб йўл хронотопини мажозий ва илоҳийга ажратиб таҳлил қилсақ, айти муддао бўлади.

Биринчидан, Навоий ва Фузулийнинг Мажнуни (Икки дostonдаги Мажнунлар бир-биридан тасвир ифодасига кўра фарқ қилса-да, уларга юклатилган вазифа битта эди) туғилиб, ўсиб, Лайлини учратгунга қадар босиб ўтган ҳаёт йўллари мажозий маънога эгадир. Ва бу мажоз йўли айти дамда илоҳий йўлга олиб борувчи сўқмоқ вазифасини ҳам бажаради.

Иккинчидан, Мажнунлар тақдирига битилган Ишқ уларни илоҳий йўл томон етакламай қолмас эди. Чунки Мажнунларнинг дунёга келишида пок фитрат етакчилик қилади. Бу йўлга тушган солиқнинг руҳияти ўткинчи ҳою-ҳаваслардан бутунлай холи, жисми нопокликдан йироқ, тили ва дили чин Маъшукнинг ёди билан банд бўлмоғи лозимдир. Бу йўлга тушишнинг битта шарти эса, “жунунлик”. Мажнун қалбан етук, руҳан соғлом, аммо ишқда жунун эди. Ҳақиқий ишқ ва ошиқликнинг шарти ҳам ўткинчи эмас, балки умрбоқий Маъшукнинг висолига интилишдир.

“Навоий дostonида Қайснинг Лайлига муҳаббат қўйиш тасвири Фузулийнинг дostonидан фарқ қилади. Навоийнинг дostonида Лайли бетоб бўлиб мактабга кела олмайди, бироз фурсатдан сўнг тузалиб, сабоқ олиш учун келади. Қайснинг ҳолатини кўрган Лайли Қайс уни севишини тушунади.

---

<sup>41</sup> Жўрақулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси. -Т.: ТУРОН-ИҚБОЛ, 2017. Б. 134

Фузулийнинг достонида эса Қайс Лайлини биринчи марта кўрганида хушидан кетади. Лайли эса Қайсни кўrsa минг хил лаззат топади”.<sup>42</sup>

Навоий достонида Лайли ва Мажнуннинг оталари тимсолини яратишда шарқона характер, одоб-ахлоқдан бир зум бўлса-да четга чиқмайди. Ота калбидаги ор, қонидаги қатъиятлилик ўқувчи кўз ўнгида вазмин, мулоҳазали шахсни гавдалантирадики, бу дostonнинг янада ҳаётий чиқиши учун замин яратади. Тадқиқотимизнинг баъзи ўринларида Навоий дostonда нафақат Мажнун балки, унинг отаси тимсолида ҳам гавдаланади, деган хулосага ҳам келган эдик. Шунинг учундир дostonдаги ота образи худди яшаб, хис қилиб ўтилгандек талқин қилинади.

Достон воқеалари давомида икки ошиқ муҳаббати эл оғзига тушгач, Лайлининг отаси ғазаб билан Мажнуннинг отасига мактуб йўллайди. Табиийки, мактубнинг захарҳанда мазмуни алаmidан Мажнуннинг отаси ўғлини занжирбанд қилиб кўяди.

Бу тасвирлардан, яъни Мажнуннинг отаси томонидан занжирланишидан мажозий маъно келиб чиқади: мутлақ Соҳибининг йўлида хузур ҳаловатидан айрилган рух, фоний дунё ташвишларига батамом бегона эди. Отаси эса, Мажнунни айнан шу дунёга боғлаб тургувчи илдиз эди. Турли қолиплар, турфа чегараларни бузиб бўлмайдиган, рухнинг жилови ва ақлнинг мезонларига таяниладиган, банданинг “мен”и устун тургувчи муҳит эди бу. Мажнун бундайин ўткинчи ўлчовлардан холи, айни дамда шу чегаралар билан яшашга мажбур қилинаётган кўнгил кишиси эди.

*Мажнунки футувват аҳли эрди,*

*Эҳсону мурувват аҳли эрди.*

*Хуш ўлса димоғи ичра сокин,*

*Тарки адаб эрмас эрди мумкин*

---

<sup>42</sup> Akyol İ.Nevâî ile Fuzûlî'nin Leylâ ve Mecnûn Mesnevilerinin Yapı ve Konu Bakımından Karşılaştırılması - Dil ve Edabiyat Araştırmaları (DEA), 2019.

Фузулийнинг Мажнуни биров эркинроқ. Достонда гўё у атрофидаги қаҳрамонларни бошқараётгандек туйилади. Фузулийнинг достонида айнан Навоийникидек воқеа учрамайди. Сюжет Мажнун каби эркин қурилади. Яъни Фузулийнинг Мажнуни дўстлари билан сайрга чиқади ва Лайлини учратиб қолади. Икки ошиқ бир-бирини кўриши биланок ҳушдан кетади.

Фузулий яратган ота ўз ўғлининг кўнглига қарайди. У Лайлини ўғлига олиб бермоқ учун совчи бўлиб боради. Аммо Лайлининг отаси Мажнуннинг “демона”лиги сабаб қизини беришдан бош тортади. Фузулийнинг достонида ҳам айнан Навоийникидек мезонлар ишлайди: Мажнун жамиятни, жамият Мажнунни қабул қила олмайди.

Достонда сюжет чизиқлари борган сари чигаллашиб, уйқашиб бораверади. Ижодкорлар Мажнунларни ўз жунунлиги билан овора қилиб кўйиб, достонга яна бир қаҳрамон, ўз ўрнида яна бир тугун Ибн Салом эпизодини қўшадилар. Навоийнинг достонида Ибн Салом айти Лайлининг отаси орзу қилган инсон бўлганлиги учун Лайлини сўраб борганида ижобий жавоб олади. Фузулийнинг достонида ҳам Ибн Саломнинг достон воқеаларига кириб келиши шундай кечади. Икки достонда ҳам Мажнунлар руҳияти шу қадар тўлишадики, энди кимгадир тўкилишни истайди. Фақат бу кимдир, Аллоҳдан ўзгаси бўлиши мумкин эмас эди. Чунки кишилиқ жамияти жунунликдан мутлоқ бегона эди. Навоий ҳам, Фузулий ҳам достонда Мажнунга худди жон киргизгандай бўлади. Боиси Мажнунлар тинмай ривожланади, ўсади. Ижодкорлар эса унга керакли озукани бериб турса бас! Энди Муножотга навбат етди. Бу шундай беморликки, дард нолиш эмас, шукроналик беради. Ҳар кимга ҳам насиб этмайдиган бу оғриқлар Мажнунларга лаззат бахш этарди. Бемор ўзи табибининг қошига даво истаб эмас, дард истаб боради. Икки моҳир ижодкор достоннинг айнан шу жойида Каъба зиёратини тасвирини қўшадилар. Лекин Навоийда Ибн Салом билан боғлиқ тасвир Мажнуннинг Каъба зиёратига боришидан олдин содир бўлган бўлса, Фузулийда Каъба зиёратига борганидан кейин тасвирланади.



Мажнунлар тимсолида Навоий ва Фузулийлар руҳан ҳаж қилиб, Аллоҳга нола қилган бўлсалар, не ажаб?!

*Демонки, мени тарабга хос эт,*

*Ёхуд ғами ишқдин халос эт!*

*Дерменки, манга бу ўтни ҳар дам,*

*Афзун қилу, қилма заррае кам!*

Энди Мажнун тилидан Фузулий ноласига қулоқ тутсак:

*Sal könlümә dәrdi-eşqdән qәm,*

*Hәр lәhzәvü hәр zәmanü hәр dәм!*

*Eşq içrә müdam şövqüm artır,*

*Şövq ilә hәmişә zövqüm artır!*

Мазмуни: Сендан менга шодликлар бер, деб сўрамайман. Ёки ишқ ғамидан халос эт ҳам демайман. Фақат бир нарсани истайман, менинг қалбимдаги ишқ ўтини яна ҳам оловлантирки, зарра кам бўлмасин. Ҳар лаҳза қалбимга ишқнинг дард-у ғамини солгин. Ишқ ичра мудом шавқ ва завқимни орттиргин.

Навоийнинг достонида Мажнуннинг атрофидаги воқеалар янада кизгин тус ола бошлайди. Албатта, бу Мажнун руҳиятига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Навфалнинг Лайли қабиласига очган уруши Мажнун қалбини кўпроқ азоблар, Лайлига тегишли ҳар бир нарсга учун жон фидо қилишга ундарди. Навоий бу азобни тушунган ҳолда достонга Мажнунни боши берк кўчадан олиб чиқиш учун туш мотивини киритади. Мажнун тушида Лайлининг отаси ўз қизини ўлдирмоқчи бўлаётганини кўради. Ва Навфалдан зудлик билан бу урушга барҳам беришини сўрайди. Буни қарангки, Мажнуннинг соф фитратига ўзидан-да ортиқ ишонган Навфал ўша куниёқ урушни бас қилиб ортига қайтиб кетади. Аммо Мажнунни яна бир азоб кутиб

турарди. Лайлининг қабиласи бошқа ерга кўчиб кетади. Ва Мажнун бу ҳолдан қаттиқ изтиробга тушади.

Шу ўринда Навоийнинг яна бир сири ошкор бўладики, Мажнун воқеалар давомида бир қанча тўсиқлардан ўтиб, энди унинг мукофотланишига ишора қилади. Яъни, дostonнинг айнан шу воқеалар тасвирида Мажнуннинг Лайли қабиласи ўрнида хароб ҳолдаги бир итга дардини айтиши дostonнинг кулминацияларидан бири бўлган, деб айта оламиз.

Навоий бадиий маҳоратининг сири шунда эдики, биринчидан, Мажнун руҳий қуввати билан кутилган мақомга етишди. Унинг Аллоҳ олдидаги даражаси яна ортади. Иккинчидан, итнинг хароблиги каби Мажнуннинг ҳам, балки Навоийнинг ҳам ботини хароб аҳволда эди. Албатта, Аллоҳ ўз йўлида жабр чекканларни севади, зулм кўрганларни эса мағфират қилгувчидир. Кўрамизки, Мажнуннинг бу аҳволига Навоий сўфийликни ҳам сингдириб юборади. Яъни Мажнун фақат Лайлига бўлган ишқи билан кифояланмайди, бу ишқ уни ўстириб, шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат поғоналаридан кўтарилиши учун замин бўлади. Ҳар икки дostonда ҳам Навфални Мажнунга яқин қилган нарса бир вақтлар у ҳам айнан шу поғоналарнинг бирига етишгани ва охиригача боролмай армонда қолганидир.

*Бошимдаки юз яра нишони,*

*Ҳар бир-бирингизнинг ошённи.*

*...Қасдингиз агар наҳиф итдур,*

*Бу хаста доғи заиф итдур.*

Ҳар икки дostonда Навфал тимсоли бир хил тасвирланади. Фузулийнинг дostonида эса Навфал Лайли қабиласи устидан ғолиб келгач, Лайлининг отаси ундан афв қилишини сўрайди ва Навфал ортига қайтиб кетади. Фузулий дostonга Мажнуннинг тушини кўшмайди.

Дoston воқеалари тугунига Зайд образи яна бир ечим бўлиб кириб келади. Навоий Зайдни дostonга бошқача вазиятда киритади. Яъни Зайд

Лайли қабиласига қилинган урушдан ҳам жисман, ҳам моддий жабр кўрган киши сифатида гавдаланади. Мажнун билан йўлда учрашиб қолган Зайд Мажнундаги айбдорлик ҳисси сабаб ундан кўп тортиқлар олади.

Фузулий эса дoston таркибига янги қаҳрамонларни қўшиб бораверади. Бу билан ижодкор Низомий ва Навоийдан ўзгачаликка эришади ва шу қаҳрамонлар, воқеалар орқали ўз сўзи ва ҳолатидан дарак беради. Фузулий Мажнун ва Зайднинг учрашувидан аввал дostonга бир хўжайин ва унинг кули билан боғлиқ сахнани киритади. Мажнун хўжайиндан кулини озод қилиб, ўрнига ўзини занжирбанд қилишини сўрайди. Ва дoston воқеалари ривожланишда давом этади. Мажнун занжирга дардини айтади. Фузулий қаҳрамонларининг турли нарсалар ва унсурлар билан кечган суҳбатини дoston таркибига эринмай қўшиб боради ва ўқувчи воқеалар билан танишар экан, қаҳрамонларнинг ўз тилидан руҳиятини очиб берганига гувоҳ бўлади. Фузулий бу билан янада оригиналликка интилади. Навоий қаҳрамонларини турли вазиятлардан аниқ бир воқеа орқали олиб чиқса, Фузулий кўп ҳолларда ҳаракатни қаҳрамонларнинг ўзига юклайди. Масалан, Навоийнинг дostonида Мажнунни отаси бир неча марта занжирга солади. Фузулий эса бу ишни айнан Мажнуннинг ўз қўли орқали амалга оширади.

Фузулий воқеаларни ҳар бир тафсилотигача таҳлил қилади. Дoston давомида Мажнун Лайлининг олдига занжирбанд ҳолда боради. Бундан хабар топган Лайли ишқ ва аламга тўла бир ғазал ўқийди:

*Yar rəhm etdi məgər naləvü əfğanimizə*

*Ki, qədəm basdı bu gün külbeyi-əhzanimizə?*

*Əşk baranı məgər qıldı əsər kim, nəgah*

*Bitdi bir şaxi-gülü-tazə gülüstanimizə?*

*Bizə ah atəşinin yandığı ondan bilinir*

*Ki, çirağ eylədi rövşən şəbi-hicranimizə.*

Мазмуни: Бизнинг нолаларимизга ёрнинг раҳми келиб, бу кун кулбамизга қадам ранжида қилди. Ишқнинг бўрони озор берган бўлса-да, лекин бир тоза гул гулзоримиз шоҳига айланди. Оҳимиз оташининг шуъласи чироқ мисол ҳижрон тунини равшан қилди.

Шунга ўхшаш тасвир Навоийда ҳам учрайди. Мажнун Лайли қабиласининг чўпони ёрдамида бир қўй терисини ёпиниб, Лайлининг олдига боради.

Навоий достонда инсоний туйғуларни ҳам мукаммал тарзда очиб беради. Қаҳрамонлар фақат ўзини ўйламайди. Ўз дардлари билан ўралашиб қолмай, атрофидагиларнинг дардига шерик бўлишга интилади. Навоий ва Фузулий Лайли ва Мажнуннинг ўлимини бир хил тасвирлар экан, жисм йўқликка юз тутиши мумкин, аммо руҳ боқий дунё неъматларидан лаззатланмоқ учун тараддудланади, деган хулосага келади.

Фузулийнинг достонида Мажнуннинг отаси Лайлининг уйига совчиликка боради, Навоий достонида эса Мажнуннинг отаси Лайлининг уйига совчиликка бориш тасвири учрамайди, аммо Фузулий Навоийдан фарқли ўлароқ, достонга Мажнуннинг уйланиш саҳнасини қўшмайди.

Навоий достонида Мажнун ва Зайд йўлда учрашиб қоладилар ва Мажнун Зайдга кўп инъомлар беради. Кейин эса Лайли қабиласи ўрнига бориб, бир итга дардини айтади. Бу тасвирлар Фузулий достонида учрамайди.

Навоий достонда Мажнуннинг ҳам отаси, ҳам онасининг вафоти ҳақида гапиради. Фузулий эса фақат Мажнун отасининг ўлими ҳақида гапиради.

Навоийнинг достонида Мажнуннинг отаси, Навфал ва Лайлининг энагаси фаол тасвирланса, Фузулийнинг достонида эса, Лайлининг онаси, Зайд ва Мажнун фаол тасвирланади.

Навоий сюжет чизигидаги тугунларни ечиш мақсадида достонга Мажнуннинг туши ва хушдан кетиш мотивларини киритади. Фузулий эса фақат хушдан кетиш мотиви билан чекланади. Достонга Мажнун эмас, Зайднинг тушини киритади.

Навоийнинг достонида Лайлининг Ибн Салом учун мотам тутиши, отасининг уйига кетиши, Ибн Саломнинг ўлимини баҳона қилиб, Мажнун учун йиғлаши каби тасвирлар учрамайди. Бу тасвирлар орқали Фузулий аёл кишининг ички дунёсини ҳам очиб беришга интилади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар иккала дostonда ҳам сюжетнинг хроникали ва концентрик турлари, “йўл” хронотопидан унумли фойдаланилади. Дostonда бу турларнинг қўлланилган ўринлари воқеаларнинг ривожланишига, ижодкорларнинг бадиий маҳоратига қараб бўй кўрсатади. Дostonлардаги сюжет чизиқларининг бир-биридан фарқланиши муаллифлар томонидан илгари сурилаётган ғоя, бош қаҳрамонлар тасвири, адабий мотивлар ва руҳият баёни каби қатор ҳодисалар билан алоқадорки, уларга тадқиқотнинг кейинги бобида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Биринчи бобда кўзда тутилган масалаларни тадқиқ қилиш асносида куйидаги хулосаларга келинди:

1. “Лайли ва Мажнун” қиссаларининг келиб чиқиши араб халқлари орасида тарқалган афсонага бориб тақалади. Шундан сўнг бу қисса форс, турк ва бошқа халқлар адабиётида кенг ёйилади. Туркий адабиётида биринчи бўлиб Гулшаҳрий бу қиссани қаламга олди. У “Мантиқ-ут-тайр” дostonига Лайли ва Мажнун ҳақидаги ҳикоятни киритиб, туркий китобхонларни ушбу афсонадан баҳраманд қилди. Ундан сўнг Ошиқ Пошо бу ишни давом эттириб, “Ғарибнома” дostonи таркибида “Лайли ва Мажнун” қиссасидан сўз юритди. Бу афсонани биринчи бўлиб мустақил дoston сифатида 1476-79 йилларда Эдирнели Шоҳидий қаламга олди, лекин унинг бу дostonи ўз даврида шуҳрат қозонмади. 1484 йилда ўзбек тилида (қарлуқ лаҳжасида) Алишер Навоий, 1537 йилда эса озарбайжон тилида (ўғуз лаҳжасида) Фузулий ушбу мавзуда дoston яратдилар.

2. Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonлари яратилган вақт бир-биридан унчалик узоқ бўлмаса-да, ҳар икки

достон сюжет ва композицияси, таркибий тузилиши, ижодкорлар услуби ва ёндашув мезонлари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

3. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони 38 боб, 3623 байтдан иборат бўлиб, маснавий шаклида ёзилган. Навоий мазкур мавзуда туркий тилда илк марта достон ёзаётганлиги учун “Лайли ва Мажнун”да хамсанависликнинг шакл билан боғлиқ барча шартларига қатъий амал қилган. Чунки хамсанавислик шартларидан бир оз бўлса-да чекиниш туркий тилда “Хамса” яратиш бўлмади, деган хулосага олиш келиши мумкин эди.

4. Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” достони эса 113 боб, 3098 байтдан иборат бўлиб, Навоий достонидан фарқли равишда насрий дебочага эга. Дебоча форсий тилда ёзилган. Достон таркибига маснавийдан ташқари, рубоий, ғазал, соқийнома, мураббаъ, қасида каби жанрлар ҳам киритилган бўлиб, улар достоннинг таъсирчанлигини ошириб, муаллиф ғоявий ниятини очиқ беришга хизмат қилган.

5. Ҳар иккала достонда бобларга сарлавҳалар қўйилган, улар бадий шакл жиҳатидан бир-биридан фарқланадилар. Агар Навоий достонида ҳар бир бобда сажъ ва бароати истехлол санъати етакчилик қилса, Фузулий сарлавҳалари нисбатан қисқалиги билан ажралиб туради. Уларни “бу” кўрсатиш олмоши билан бошлаш ва “-дир” боғламаси билан якунлаш шоирнинг ўзига хос услубини намоён қилади.

6. Навоий ва Фузулий достонларида маснавий шакли учун Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф (“мафъулу мафоилун фоилун”) вазни қўлланилган. Фузулий достонидаги бошқа назм шакллари достоннинг асосий вазнидан ташқарида – *рамал*, *музориъ*, *ҳазажнинг* турли вазнларида яратилган.

7. Навоий достонида муқаддима 9 бобни, Фузулий достонида эса 12 бобни ўз ичига олади. Фузулий “Лайли ва Мажнун”и бешлик таркибидаги эмас, балки алоҳида мустақил достон бўлганлиги учун унда 2 та ҳамд, 3 та муножот борлигини кузатиш мумкин. Шу жиҳатдан у Навоий “Ҳайрат ул-аброр”идаги муқаддимага ўхшаб кетади. Бу эса Фузулий Навоий “Хамса”си

таркибидаги бошқа дostonлар билан ҳам таниш бўлган деган хулосага асос бўлади.

8. Фузулий ўз дostonида Алишер Навоий дostonларидан таъсирланиш билан бирга Низомийнинг издоши сифатида ҳам намоён бўлади. “Лайли ва Мажнун” дебочаси ва илк бобнинг форсий тилда битилганлиги, муқаддимавий бобларнинг аксарияти таркибида Низомий номи ва байтларининг келтирилиши озарбайжон шоирининг улуғ салафи йўлидан борганлигини кўрсатади. Тадқиқотларимиз натижасида Фузулий Навоийнинг дostonини кўргани, ундан озиқлангани, лекин намуна сифатида қабул қилмаганини айтиш мумкин.

## II БОБ. “ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН” ДОСТОНЛАРИНИНГ ОБРАЗЛАР ТИЗИМИ

### 2.1§. Мажнун образи талқинида руҳий тасвир ва адабий мотивларнинг ўрни

Бадиий адабиётда бадиий образ характери чуккур ва тўлиқ очиб беришда руҳий тасвир муҳим ўрин тутди. “Ёзувчи персонаж руҳиятини бевосита ёки билвосита тасвирлаб бериши мумкин. Персонаж ўй-кечинмалари, ҳис-туйғуларининг «ички монолог», «онг оқими» тарзида ёки муаллиф тилидан (ўзиники бўлмаган муаллиф гапи) баён қилиниши психологик тасвирнинг бевосита шакли ҳисобланади. Асардаги персонаж руҳиятининг унинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, юз-кўз ифодалари (мимикаси), ундаги физиологик ўзгаришларни кўрсатиш орқали очиб берилиши эса билвосита психологик тасвирдир”<sup>43</sup>. Эпик асарлар, хусусан, достонларда бу икки шакл бир-бирини тўлдирди ва ижодкор муайян бадиий образ руҳиятини тасвирлашда уларнинг ҳар иккисидан ҳам фойдаланавради.

Аслини олганда, руҳият тасвири кескин зиддиятлар асосида намоён бўлади. Руҳий тасвирнинг бу хусусияти узоқ даврлар мобайнида шаклланган ва классик тасвирнинг асл моҳиятини ташкил этади. Мажнун руҳиятининг туб моҳияти комил ишқ, вафо, садоқат ва чин муҳаббатнинг ҳеч бир тўсиқ олдида бош эгмай доимо ғолиб келишида намоён бўлади. Бу кураш қаҳрамонлари эса руҳан бир-бирларига зид характер соҳиблари. Улар ўртасидаги қарама-қаршилиқлар кескин курашлар ва кучли руҳий изтироблардан иборат. Достонлардаги Мажнун образи эса ана шу кескин ва муросасиз тўқнашувлар, руҳий кечинмалар марказида шаклланади, камолга етади. Н.Г.Чернишевскийнинг фикрича, психологик таҳлил хилма-хил бўлиши мумкин ва бир муаллиф асар давомида қаҳрамонларнинг характер қирраларини очиб беришга ҳаракат қилса, бошқаси – характернинг

---

<sup>43</sup> Адабиётшунослик луғати. Қуронов Д. ва бошқалар. – Т.: АКАДЕМНАШР, 2010. – Б. 50.



шаклланишида жамият ва турмушнинг таъсирини кўрсатиб беради; учинчиси – хатти-ҳаракатларнинг ҳис-туйғулар билан алоқадорлигини ва тўртинчиси – эҳтирослар таҳлилин тасвирлайди<sup>44</sup>.

Алишер Навоий достонининг ўзигача бўлган “Лайли ва Мажнун” достонларидан фарқи шундаки, у афсонани шунчаки афсона қилиб сўзламайди. Унга ишқдан руҳ ва жон бахш этмоқни ният қилади. Турк элига манзур бўлмоқлигини истаб, ривоятни туркийда сўзлайди. Аллоҳга бўлган муҳаббат ҳақида ҳикоя қилишни хоҳлайди. Қаламни шариат ва тариқат чегарасидан четга чиқармай, сўзларнинг эгнига маърифат либосини кийгизиб, маъно гавҳарига ҳақиқатни жойлаб тақдим қилади. Ишқ водийси, унинг даҳшат-у офатларидан мурод шуки, қалбида Аллоҳга бўлган ишқи бор инсонга бу дунё синовдир.

Навоий Мажнун образига шунчалик қаттиқ муҳаббат кўядики, бу образга кейинчалик “Садди Искандарий” достонида (XXXIII ва LXVI бобларда), “Лисонут-тайр” достонининг (CXXXI, CLXVIII ва CLXXIII бобларида) ҳикоятларида, умри давомида ёзган ғазалларида ҳам мурожаат этади. Мажнун тимсолида комил инсонни мадҳ этади. Алишер Навоийнинг ижод психологияси билан яқиндан танишиш Мажнун аслида Навоийнинг ўзи, деган хулосага олиб келади. Шоир ғазалларидан бирида шундай деб ёзган эди:

*Қилсангиз тасвир Лайло хуснин ул ойдек сизинг,*

*Лек Мажнунни Навоий бирла монанд айлангиз*<sup>45</sup>.

“Мажнун образи, шубҳасиз, Навоийни Фарҳод образини идеал ошиқ сифатида яратишга бевосита илҳомлантирган. “Фарҳод ва Ширин” достонида Мажнун номи кўп тилга олингани бежиз эмас”. Мажнун тимсолида Фарҳоднинг маъшуқа борлиги ҳам даволай олмайдиган ишқ соғинчини, маҳбубини кўриб ҳушини йўқотиш, ишқ телбалиги, саҳрода ёлғизлик, соғинчига ҳамдард бўлиб, уни ўраб турган ёввойи ҳайвонлар билан дўстлик,

<sup>44</sup> Чернышевский Н.Г. Собрание сочинений в пяти томах. Том 3. Литературная критика. – М.: Правда, 1974. ([http://az.lib.ru/c/chernyshevskij\\_n\\_g/text\\_0240.shtml](http://az.lib.ru/c/chernyshevskij_n_g/text_0240.shtml)).

<sup>45</sup> Алишер Навоий. Фаройиб ус-сиғар. МАТ. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1988. 3-ж. – Б.188.

ўз жонига қасд қилиш, ўз севганини кўриб хушини йўқотиш, маъшуқанинг борлиги ҳам даволай олмайдиган ишқ соғинчини тасаввур қилади”<sup>46</sup>.

Алишер Навоий дoston воқеалари ичида яшайди. Қахрамон дардини ўзидан ўтказиб баён этади. Навоий дostonнинг баъзи жойида Мажнун, баъзи жойида ота-она, баъзи жойида ҳақиқий ошиқ киёфасида намоён бўлади. Шу маънода унинг дostonида психологик тасвирнинг бевосита шакли устунлик қилади. Фузулий эса дostonнинг аксарият ўринларида учинчи одам бўлиб хикоя қилади. Дoston воқеалари тасвирида асосан кузатувчи сифатида иштирок этади.

Алишер Навоий Мажнунга етказмоқчи бўлган хабарларни асосан туш орқали ёки халқнинг оғзидан етказди. Фузулий эса буни ёрдамчи персонаж – Зайд орқали етказишни маъкул кўради.

Алишер Навоий Мажнунни тасвирлар экан, унинг ҳолатини баён этиш билан руҳий камолотини, ишқдаги даражасини белгилаб беради. “Навоий талқинидаги Мажнун ишқи фақат битта йўл – ишқнигина тан оладиган, бошқа ҳар қандай қонуниятлардан юз ўгирадиган феноменал образдир”<sup>47</sup>.

Фузулий эса Мажнунга Зайдни доимий ҳамроҳ қилиб кўйиб, унинг Мажнуни бу оламдан бутунлай узилмаган, дунё аҳли билан муросада яшаётган, нафсни енгиш орқали камолотга эришишни мақсад қилган ошиқ эканлигини таъкидламоқчи бўлади. Бошқача айтганда, Навоийнинг Мажнуни мажзуби солиқ бўлса, Фузулий Мажнуни солиқи мажзуб ошиқдир.

Икки дostonдаги Мажнунларнинг ота-онага муносабати масаласи қахрамонлар характери ва руҳиятини очишда муҳим аҳамият касб этади. Навоий Мажнуннинг отасини тасвирлар экан, гўё ўзини такрорлагандек бўлади. Маълумки, Алишер Навоийнинг “Муншаот” асарида шоирнинг ўз яқинларига ёзган бир қанча мактублари бор. Улар орасида шоирнинг асранди ўғли Шоҳқулига битган мактуби алоҳида аҳамият касб этади. Мактубда Навоий ёмон йўлларга кириб кетган ўғлига қуйидагича насиҳат қилади:

---

<sup>46</sup> Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. Наука. Ленинград.:1979. С-181

<sup>47</sup> Жўракулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси. – Т.: ТУРОН-ИҚБОЛ, 2017. – Б. 156.

*“Эй нафс ҳавосига гирифторм ўлгон,  
Шайтон ишига ишинг намудор ўлгон,  
Ҳам зуҳд ила иззатқа сазовор ўлгон,  
Ҳам фисқ ила олам элига хор ўлгон.*

Эй саргаштаи худрой, ва эй бахти баргаштаи бесарупой, ул вақтдин бериким, мазаллат туфроғидин рўзғоринг чехрасин супурдим ва меҳнат дашти саргардонлиғидин паришон хилқатингни йиғиштурдум. Агарчи кичик эрдинг, аммо андоқ эрмаски, хотирингдин маҳв бўлмиш бўлғай ва агарчи тифл эрдинг, андоқ эрмаски, замирингдин унутулмиш бўлғай!”<sup>48</sup>

Алишер Навоийнинг ҳаётида содир бўлган ушбу воқеа билан танишиб, Навоий Мажнуннинг отаси кўнглидан ўтказган туйғуларни ўзи ҳам яшаб ўтган, деб айта оламиз. Бу эса, Мажнун ва отасининг суҳбати, балки бутун дostonдаги воқеалар афсона эмас, муқаддас туйғулар устига қурилганидан далолат беради. Демак, биз дoston давомида Навоийни нафақат Мажнун тимсолида, балки маълум маънода унинг отаси тимсолида ҳам тасаввур қилишимиз мумкин.

Алишер Навоий дostonда Мажнуннинг отаси тасвирига алоҳида эътибор беради. Ота сиймоси талқинида Навоийнинг даврга хос кўплаб ижтимоий-ахлоқий муаммолари ҳақидаги қарашлар ҳам намоён бўлади. Навоий дostonида Мажнуннинг отаси ўғлига берган насиҳатлар ҳаётий ва фалсафий характерга эга бўлиб, уларда шоир катта аҳамият берган қаҳрамоннинг маънавий фазилатлари акс этиши характерлидир<sup>49</sup>.

Алишер Навоий Мажнунга фақат отасининг тилидан насиҳат этса, Фузулий дoston таркибига Мажнунга отасининг ҳам, онасининг ҳам насиҳатини киритади:

*K’ey bülbüli-bustani-bidad!  
Hali-dilini mənə bəyan et,*

<sup>48</sup> Alisher Navoiyning mashhur uch maktubi. kh-davron.uz. 04.05.2018

<sup>49</sup> Назруллаева С. Тема «Лейли и Меджнун» в истории литературы народов Советского Востока. – Тошкент: Фан, 1983; Б-106

*Əsrari-nihanini əyan et.*  
*Kim aldı əlindən ixtiyarın?*  
*Kim eylədi tirə ruzigarın?*  
*...Dəryadə isə sənə dūri-kam,*  
*Sən sōylə, mən eyləyim sərəncam.*  
*Zūlmətdə isə şəm 'i-məqsud,*  
*Rövşən qilū məndən istə movcud.*

Мазмуни: Кел эй, бўстонни одат қилган булбул, аҳволингни менга баён эт, сир-асрорингни аён эт. Сенинг ихтиёрингни ким олди, рўзигорингни ким қаро, ғам-ғуссали қилди? Сен қай ниятда кезарсанки, қандай талабинг бор, бу нола-ю зорингни сабаби нима? Агар дарёдан дур тиласанг уни муҳайё қилайин. Агар зулматда шаъм изласанг мен сени равшан қилай?

Алишер Навоий достонида Мажнун отаси билан дардлашиб, ота-онасига берган азоблари учун пушаймон эканлигини билдириб, бўйнига ип солиб, “Сизнинг итингиз бўлай” деб отасининг қўлига тизгинини тутса, Фузулий достонида Мажнуннинг отаси уни “Лайли бизнинг уйимизга меҳмон бўлиб келган. У сени кутаяпти”, деб базўр олиб кетади.

Фузулийнинг достонида Мажнуннинг отаси Мажнунга нисбатан ниҳоятда юмшоқлик ва ҳалимлик билан муносабатда бўлишига қарамай, Мажнун ўз отасига нисбатан итоатсизлик қилади. Алишер Навоийнинг Мажнуни эса руҳий ҳолати энг чўққига чиққан тақдирда ҳам ҳеч қачон ота-онасининг юзига тик боқмайди. Навоийнинг фалсафаси шундаки, Мажнун нафақат комил ишқ соҳиби, балки мукаммал одоб эгаси ҳамдир.

Фузулий дostonда Мажнуннинг таърифини кўп ва хўп келтирса-да, аммо баъзи ўринларда Мажнуннинг ишқи Ҳаққа эмас, балки бандага нисбатан қаратилганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, Мажнуннинг Лайлига ёзган мактубида ёки Лайлининг ўлганини эшитиб, хушдан кетишида бунга гувоҳ бўлишимиз мумкин:

*Bir nadirə şərn' idin şəbəfruz,*  
*Düşdù sənə zövqi-eşqdən suz,*

*Bir neçə zaman əgərçi yandın,  
Suzi-dilə dözmədin, usandın.  
Bidarlığa gətirmədim tab,  
Şəhla güzün oldu maili-xab.  
Həmrahım idin bu yolda, ey mah!  
Həmrahi qoyub gedərmə hamrah?*

Фузулийда Мажнун ёзган мактубни ўқиб, яна шундай хулосага келиш мумкинки, (Алишер Навоий Аллоҳнинг тажаллисини Лайли тимсолида кўради) Мажнун Лайлига шахс сифатида мурожаат этади. Ундан гина қилади, уни таърифлашда ҳам инсонни мадҳ этгувчи сифатларни келтиради:

*Aya kimə bivəfa deyərlər?  
Kimin işini xəta deyərlər?  
Yaxşımıdır eyləmək yaman ad  
Kim, qılmaya kimsə xeyr ilə yad?  
Son gərçi tutub xilafı-adət,  
Bir özgəyə bağladın iradət.  
...Peyvəndini qeyr ilə eşitdim,  
Billah ki, bəsi təaccüb etdim.  
...Nə böylə edib, ne öylə, ey gul,  
Yaxşımıdır eyləmək təğafül?!  
Ey canım içində cana düşmən!  
Hər necə ki, düşmənəm sənə mən.*

Мазмуни: Бевафо деб кимларни айтарлар, кимнинг ишини хато дерлар? Ёмон от чиқарган яхшими, бундай кишини яхшилик билан ёд этадиларми? ...Сен одатингга қарши иш қилиб, ўзга билан ришта боғламоқ бўлибсан... Мен бу боғланиш ҳақида эшитиб таажжубландим... Ошиғингнинг қандай ўйда эканлигини билиб билмасликка олишинг яхши ишми? Сен жонимнинг ичидасан-у, жонимга душмансан.

Фузулийнинг достонида Мажнун Лайлининг қабиласига қилинган урушдан сўнг саҳрога чиқиб кетади. Саҳрода бир пирни кўради. Пир қўлидаги

занжирига бир қулни боғлаб келаётган эди. Мажнуннинг истаги билан қулни занжирдан озод қилиб, ўрнига Мажнунни боғлайди. Мажнун Пирнинг қўлида занжирланган ҳолатда Лайлининг қабиласига кириб боради:

*Məcnun dedi: “Səhv edibsən, ey pır!*

*Divanələrə gərək bu zəncir.*

*Gəl hacətimi mənim rəva qıl,*

*Bənd eylə məni, bunu rəha qıl!”*

Мазмуни: Мажнун деди: Эй пир, хато қилибсан! Бу занжир девоналарга керак. Кел, менинг хожатимни чиқариб, шу занжирга боғлагин.

Мажозий маънода Мажнуннинг жисмидаги занжир аслида унинг саркаш нафсини жиловлашга, руҳига азоб бериш орқали, қалбини поклашга қаратилган эди.

Фузулий Мажнуннинг руҳий ҳолатини янада аниқ ифода этиш учун унинг занжир, шаъм, ой, сабо каби нарса-буюм ва табиат ҳодисалари билан суҳбатини келтиради. Бу билан қахрамон руҳияти, характери янада равшанроқ очила боради. Масалан, Мажнуннинг занжирга дарди-ҳол этгани билан боғлиқ байтларга назар ташласак:

*Ol silsiləyə olub həməvaz,*

*Ağlardı ki, “Ey, mənimlə həmrəz!*

*Sən gənci-bələyə əjdəhasan,*

*Sərriştəyi-möhnətü bəlasan.*

*Şərhi-qəmə var min dəhanin,*

*Təprəndikçə çıxar fəğanın!*

*Başdan-əyağə dəlik-dəlik tən,*

*Könlündəki razi etdi rövşən.*

*Ey muntəziri-nəzareyi-yar,*

*Nəzzareyi-yarə min gözün var!”*

Мазкур байтларда нидо санъати етакчилик қилади. Мажнун занжирга ўзининг ҳамроз сирдоши сифатида мурожаат қилар экан, уни бало хазинасининг аждаҳоси, машаққатларнинг сарриштаси деб атайди. Ошиқнинг

унга мурожаатида занжирнинг халқалари гўё Мажнун қалбидаги сирларни ўзида акс эттиргандек, бу халқалар ёрга назар солишда ошиқ учун кўз вазифасини ўтайди.

Алишер Навоий Мажнунни туғма ишқ соҳиби қилиб тасвирлайди. Унинг Аллоҳдан ўзга дарди ҳам, соғинчи ҳам қолмаган. Навоий Мажнунни – фоний дунё ташвишларидан холи инсон. Соф комиллик намунаси. Фузулий эса дoston давомида Мажнунни машаққатларда тоблантириб, пишириб боради ва натижада дoston сўнггида Мажнун руҳ кишисига айланади.

Алишер Навоийнинг дostonлари ҳақида сўз кетганда, кўпчилик адабиётшунослар “Навоий халқ оғзаки ижодидан, айниқса, халқ дostonларидан хабардор бўлганми?”, деган масала устида бош қотирадилар. Уларнинг айримлари “Хамса”нинг асосида айнан халқ дostonлари ётади дейишса, яна бир туркум олимлар бунинг аксини айтишади. Навоий дostonнинг сўнгги бобида “Лайли ва Мажнун”нинг халқ ижодиёти заминида пайдо бўлгани, унинг тилдан тилга ўтиб ҳикоя қилиб келинганига ишора қилади:

*Мазмунига бўлди руҳ майли,  
Афсона эди анинг туфайли.  
Лекин чу рақамга келди мазмун,  
Афсона анга либоси мавзун.  
...Сомиъ неча бўлса дардпарвард.  
Афсонада ҳам керакдурур дард.  
Мен туркча бошлабон ривоят,  
Қилдим бу фасонани ҳикоят.*

Бизнингча, бу ўринда Навоий икки нарсага алоҳида эътибор қаратади: асарнинг қобиғи ва мағзи ҳамда дostonнинг тили масаласига. “Навоий дostonи ўз илдизи билангина эмас, балки сюжет ва композиция, услуб ва усул жиҳатдан ҳам халқ ижодиётига яқин туради. Унинг образлари ҳам кўп халқ қиссалари ва ривоятларидаги образларга ўхшаб кетади. Бу биринчи навбатда, дostonнинг бош қаҳрамони Мажнун образига

тааллуқлидир»<sup>50</sup>. “Садди Искандарий”да “Мажнун ҳикоятим, қиш кунининг узун қоронғу туни Лайли зулфининг мушкин исин эл ел карвонидин истишмом қилиб, гом урар эрдиким, бахт машшотаси ул сарриштаи муродин илгига берди” (XXXIII боб), “Мажнун ҳикоятим, фироқ тоғи оғирлиғидин ўзни тоғдин ташламоқ тилади ва Лайли номаси илик тутуб ва қосиди камарин тутуб ташламоққа қўймади” (LXVI боб) ҳикоялари бор. Бу ҳар икки ҳикоя ҳам “Эшиттимки...” сўзи билан бошланади, бу ҳам уларнинг халққа, халқ ижодиётига тааллуқлиги эканига бир далилдир.

“...Навоийга қадар “Лайли ва Мажнун”, бир томондан, халқ ривоят ва қиссаларида, иккинчи томондан, ёзма адабиётда қайта-қайта ишланиб, катта йўл кечган ва маълум анъаналарни вужудга келтирган (Навоийга қадар туркий тилда Гулшаҳрий (“Мантукут-тайр” достонида), Ошиқ Пошо (“Ғарибнома” достонида) Лайли ва Мажнун ҳақида шеърӣ ҳикоя битишган, Шоҳидӣ “Гулшани ушшоқ” номи билан дoston яратган. Аммо бу асарлар, у қадар шуҳрат қозонмаган ва Навоийга маълум бўлмаган) Навоий китоблардан ўрин олган ҳикоятлар билан ҳам, ўз салафлари дostonлари билан ҳам яқиндан таниш бўлган. Шу билан бирга халқ оғзида, ровийлар ҳикоятида айтилиб юрган афсона ва ривоятлар ҳам кўп бўлиб, Навоий улардан хабардор бўлган”<sup>51</sup>

Мажнун образининг халқ оғзаки ижодига хос айрим мотивлар асосидаги қиёсий таҳлили муҳим хулосаларга олиб келади. Зеро, “Алишер Навоий ижодида қўлланилган фольклорга хос юксак халқчиллик ва миллий ғоя, образ, мотив ва жанрларни ўрганиш орқали буюк мутафаккир шоирнинг ўзига хос индивидуал услубий маҳорат қирраларини чуқур англаш мумкин”<sup>52</sup>. Дастлаб туғилиш мотивига тўхталиб ўтсак. Маълумки, “Алпомиш” ва “Гўрўғли” туркуми дostonларида қаҳрамон – алпнинг туғилиши илоҳий хусусият касб этади. Илоҳий туғилиш фольклордаги етакчи мотивлардан бири

<sup>50</sup> Маллаев Н. Сўз санъатининг гултожи.-Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 160

<sup>51</sup> Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т.:1974. Б-158

<sup>52</sup>Ражабова М. Алишер Навоий ижодида фольклор жанр, мотив ва образлар стилизацияси. Филол.фан докт. (DsC) дисс. – Т., 2021. – Б. 105.



бўлиб, бир неча босқичлардан иборат. Биринчиси: алп – қаҳрамон туғилишидан олдин ота-онасининг фарзандсизлиги ҳолати. Бу ҳолат, энг аввало, рамзий маънога эга<sup>53</sup>.

Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида Қайсинг туғилиши билан боғлиқ бобда унинг отаси араб элида ҳукмронлик қилиши, ниҳоятда бадавлат ва саховатли эканлиги, лекин фарзанди йўқлиги ҳақида сўз боради:

*Ким, барри Арабда комроне,  
Бор эрди Арабқа ҳукмроне.  
...Оту теvasи ҳисоб ила жўп,  
Қўю қўзиси ҳисобдин кўп.  
...Моли кўпу, умри сустпайванд,  
Фарзандга эрди орзуманд.*

Отаси Тангрига кўп тазарруъ қилгач, ниҳоят Худо унга бир фарзанд ато этади:

*Чун Тенгрига қилди кўп тазарруъ,  
Топти некин айлади таваққуъ.*

“Узоқ кутилган фарзандга фольклор асарларида тинимсиз ибодату риёзат, холис назр-ниёз орқали эришилади. Навоий ҳам ҳар икки дoston сюжети ёки ошиқ йўлининг бошланма мотиви сифатида фарзандсизликни танлайди”<sup>54</sup>.

Фузулий Мажнуннинг дунёга келиш тасвирини қуйидагича келтиради:

*Əmvalı cətii-cinsdən çox,  
Əmma bu cəhanda varisi yox.  
Gər qılsa onu tələf həvadis,  
Yox bir xələfi ki, varis.  
...Bir gecə açıldı babi-rəhmət,  
Buldu əsəri-dua icabət.  
Məqsud şəm 'i münəvvər oldu,*

<sup>53</sup> Jabbor Eshonqul. Tushning boshqa motivlar bilan qiyosiy tahlili. Saviya.uz. 10.10.2017 yil

<sup>54</sup> Жўракулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси. – Т.: ТУРОН-ИҚБОЛ, 2017. – Б. 124.

*Sənduqi-əməl dūr ilə doldu.*

Мазмуни: У кишининг ҳаддан ортиқ мол-давлати бор эди-ю, аммо фарзандсиз эди. Бир кеча унинг қилган дуолари ижобат бўлди. Мақсад шаъми мунаввар бўлиб, амал сандиғи дур билан тўлди.

Кўринадики, ҳар икки достонда ҳам бош қаҳрамонлар узоқ кутилган фарзанд. Уларнинг туғилишида Тангрининг иноятию, оталар дуосининг ижобати бор.

Қаҳрамонлар исмининг ўзгариши билан боғлиқ мотивлар достонларда алоҳида аҳамият касб этади. Достонларда қаҳрамонлар исми ва уларнинг ўзгариши ҳам аҳамиятлидир. Улар вояга етгач, илмда ҳам, хунарда ҳам ўз замонасининг яғонаси бўлиб (Мажнун), не-не алпларга насиб қилмаган қаҳрамонликлар кўрсатиб (Алпомиш), халқ томонидан “Алпомиш” ва “Мажнун” деб ном оладилар.

“Алпомиш” достонидан: “...Шунда Ҳақимбек етти ёшига кирган. Алпинбий бобосидан қолган ўн тўрт ботмон биричдан бўлган парли ёйи бор эди. Ана шунда Ҳақимбек шул ўн торт ботмон ёйни қўлига ушлаб, етти яшар бола кўтариб тортди, тортиб қўйиб юборди. Ёйнинг ўқи яшиндай бўлиб кетди. Асқар тоғининг катта чўққиларини юлиб ўтди, овозаси оламга кетди. Буни эшитган душманлар: “Бу бола зўр бўпти, назар топибди, буларга ҳеч ким баробар бўлолмайди, етти яшар бола шундай ишни қилами?” деб хафа бўлиб ётди. Дўстларнинг вақти хуш бўлиб юрди. Шунда барча халойиқлар йиғилиб келиб айтди: “Дунёдан бир кам тўқсон алп ўтди, алпларнинг бошлиғи Рустами Достон эди, охири бу Алпомиш алп бўлсин. Тўқсон алпнинг бири бўлиб санага ўтди”-деди. Етти ёшида Алпомиш от қўйилди”<sup>55</sup>.

“Тасаввуф таълимотига кўра, гулистон дарвешнинг руҳияти, уни Ҳақ ишқи эгаллаб олади ва у бетоқатланиб хушини йўқотади. Шу тарзда мажзуби солиқ (Ҳақдан жазба етган, устози ҳам, пири ҳам ишқ бўлган, мақомларни эгалламасдан туриб ҳол мартабасига эришган ошиқ)нинг саргузаштлари

---

<sup>55</sup> Алпомиш. Достон. – Т.:Шарқ НМК, 1998. – Б. 17-18.

бошланади. Қайс шу тариқа Лайлини ҳар кўрганида ҳушидан кетади. Халқ орасида “Мажнун” лақаби билан овоза бўлади”<sup>56</sup>. У ўз исми, қабиласи номини унутади, атрофдагилар уни “Мажнун” деб атай бошлайдилар.

Навоий бу ҳолатни шундай тасвирлайди:

*Ул бўлуб отин билуридин ёт,  
Мундин догиким, не нимадур от.  
Ўз отию қавму хайли оти,  
Йўқ ёдида гайри Лайли оти.  
“Лайли, Лайли” дебон чекиб ун,  
Эл деб: “Мажнундур, ушбу Мажнун”.*

Фузулий Мажнуннинг “халқ орасида расво бўлиш” жараёни тасвирига қисқача тўхталса-да, унинг Қайсдан Мажнунга ўтиш ҳолатига шундай изоҳ беради:

*Söz müxtəsər: ol əsiri-sevda  
Bir növ ilə oldu xəlqə rüsva.  
Kim, Qeys ikən, oldu adı Məcnun,  
Əhvalını etdi qəm digərgun.*

Мазмуни: Сўзнинг қисқаси: у ишқ савдосига асир бўлиб, халқ ичида расво бўлди. Ғам аҳволини ҳароб этиб, Қайс энди “Мажнун” номини олди.

Озарбайжон шоири Мажнуннинг бу жараёндаги руҳий ҳолатини боблар сўнггида унинг тилидан ғазал ва мураббаъ каби шеърий шаклларни келтириши китобхон мазкур жанрлар орқали Мажнун руҳиятига ошно қилади.

Навоийнинг достони Мажнун руҳиятидаги чақинлар, жисмидаги титроқлар, зуваласидаги ўт ва оловга бағишлангандир. У ўт шундай ўтки, нафсининг ҳар бир толасини қисирлатиб чайнайди, у шундай оловки, тафтидан жисмда ҳарорат ошиб, ақл ва тафаккур тобланади, куйиб-куйиб чиқиндилардан тозаланган қалб Ҳақнинг ёди билан жилваланади. Ошиқлик ақлу-ҳушдан бегоналиқдир. Навоий Мажнун руҳиятида кечаётган қийноқлар,

<sup>56</sup> Sh. Sirojiddinov, D. Yusupova, O.Davlatov. Navoiyshunoslik.Tamaddun. T.:2018. Б-124

оғриқларни шу қадар кучли бўёқлар ёрдамида чизадики, беихтиёр бу изтироб китобхон руҳиятига кўчади.

Умуман олганда, Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулий халқ оғзаки ижодидан, халқ дostonларидан нафақат хабардор бўлишган, балки ўз асарларида улардаги мотивлар, тасвирлар, воқеалардан фойдаланишган ҳам. Бу эса ижодкорлар яратган асарлар халқ орасида кенг тарқалиб, улар асосида оғзаки ижод намуналари пайдо бўлиши учун замин яратган бўлса, ажаб эмас.

Мажнун руҳиятини очиб берувчи адабий мотивлардан бири бу хушдан кетиш мотивидир. “Хушдан кетиш кўпроқ сўфийларга хос руҳий-психологик кечинма. Айниқса, улар Аллоҳ ёдида ўта жазавага берилганда, бутун руҳий куч-қувватини ишга солганда хушдан кетиш, ўзини унутиб кўйиш даражасига бориб етадилар. Навоий Мажнун образида сўфийликнинг ана шу ҳолатини кўз олдимизда гавдалантиради. Бундан ташқари, айна шу ҳолда Ёр жамолини кўнгил кўзгусида ҳис этиш ҳайратидан хушдан кетиш содир бўлади. Бу ҳайрат мақомига етган солиқ руҳиятидир”<sup>57</sup>. Лайли ва Қайс илк марта гулшанда учрашган пайтларида Қайс хушини йўқотади. Навоий ҳаёт баҳори, яъни Лайлининг жамоли бир ниҳолни хазон қилди, деб ёзади:

*Шод ўлди жамолидин дабистон*

*Андоқки баҳордин гулистон.*

*Лекин бу баҳори зиндагони*

*Бир нахлни айлади хазони.*

Тез орада Лайли ва Мажнун бир-бирларисиз туролмасликлари аён бўлади. Лекин Қайс Лайлига рўбарў келган вақтда тоқат қилолмайди, унинг рухсорига боқа олмай хушдан кетади. Шу тариқа Навоий Мажнун образи орқали Ҳақнинг висолига етишиш йўлини сўфиёна акслантиради. Иброҳим Ғафуров ўзининг “Ишқ шиддатининг поғоналари” мақоласида Мажнуннинг хушдан кетиш ҳолатига қуйидагича изоҳ беради: “Хушдан кетиш-фавқулодда руҳий ҳолат. У фақат жуда қаттиқ кечинмаларга берилгандагина, одам дилида

---

<sup>57</sup> Комилов Н. Ҳизр чашмаси. Ишқ оташининг самандари. МАЪНАВИЯТ. Т.: 2005. Б-81

мубталоликнинг ўчмас олови бўлгандагина рўй берса керак. Навоий достонида Қайс, агар эътибор қиладиган бўлсангиз, беш маротаба хушдан кетиб қолади. Унинг ҳар бир хушдан кетиши Лайли қаршисида содир бўлади.”<sup>58</sup> Олимнинг ушбу фикрларини Н.Комилов ҳам ёқлаб, дoston воқелиги давомида Мажнуннинг беш маротаба хушдан кетган деган фикрларига қўшилади.

Асар таҳлили эса дostonда Мажнуннинг беш маротаба эмас, балки саккиз маротаба хушдан кетгани лавҳаси тавсирланганини кўрсатади. Фақат баъзи бир ўринларда Мажнуннинг хушсиз ҳолатдаги тасвири воқеалар ичига сингдириб юборилганидан адабиётларда бу борада турли фикрлар мавжуд.

Навоий достонида Қайснинг илк маротаба хушдан кетиши дostonнинг XII бобида Қайс Лайлини илк учратган вақтида рўй беради:

*Чун бўйла неча хуруш қилди,*

*Заъф эттию тарки ҳуш қилди.*

Қайс иккинчи маротаба дostonнинг XIII бобида айрилиқ азобидан хуноби ошиб, гулзорда гул билан, булбул билан роз айтишиб, дард навҳасининг зўрлигидан хушидан айрилади:

*Туфроғ ила ер уза ҳам оғуш,*

*Айлаб гами ишқ зорати ҳуш.*

Учинчи маротаба дostonнинг XIV бобида Мажнун Лайли қабиласининг итини кўриб, унга дардини дoston қилади. Лайлининг қабиласи томон йўл олар экан, йиқила-тура қабиллага етган чоғда жони оғзига келиб, хушидан кетади.

*Чун ҳайға йиқила-қўна ети,*

*Жон оғзига ети, ҳуши кетти.*

Тўртинчи маротаба, дostonнинг XIV бобининг давомида, Лайли билан учрашган чоғида, икки ошиқ ҳам бир оғиз сўз дейишга мажоли қолмай хушдан кетади:

---

<sup>58</sup> . Ғафуров И. Ўтмз йил изхори. Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти .Т.: 1987 й . Б-6

*Ким, ўтларида жаҳон ёрушти,  
Хирманларига бу шуъла тушти.  
Эмдики кул ўлди хирмани ҳуш,  
Беҳуш йиқилди икки мадҳуш.*

Бешинчи маротаба, достоннинг XX боби Мажнун ота-онаси билан бирга Каъба зиёратига борган чоғда, дардли йиғисинининг зўридан, яна ақл ва ҳушдан жудо бўлади:

*Ул ҳам чу тугатти навҳаи дард  
Бўлди яна ақлу ҳушидин фард.*

Олтинчи маротаба достоннинг XXIX бобида Мажнун Лайли қабиласининг чўпонини учратиб, унга дардини баён этади ва бир кўй терисини ёпиниб, Лайли қабиласига боради. Лайлини кўриб беҳуш йиқилади:

*Кўй ичра йиқилди зору бедил,  
Кўйдекки қилурлар они бисмил.*

Еттинчи маротаба достоннинг XXXII бобида Мажнун Нажд тоғига бош олиб кетиб, у ердан Лайлининг уйидан кўз узмай, айрилиқ азобидан жон саҳифасига нома битаркан, ҳушидан кетади:

*Жон саҳфаси узра нома ёзиб,  
Ҳар лафз ёзарда кўнгли озиб.*

Саккизинчи маротаба достоннинг XXXIII бобида ота-онасининг қабри бошида аза тутиб йиғлайди, руҳининг титроқлари шу қадар кўкка ўрлайдики, охир-оқибат ҳушсиз ерга йиқилади. Шу қадар ҳушини йўқотадики, худди бир нафас ота-онасига етишгандек бўлади:

*То заъф қилиб яна димоғи, зўвқ ила  
Паст ўлди ер узра жисми доғи.  
Ўздин яна ул масоба кетти  
Ким, кўйи ато-аноға ети.*

Фузулий достонида Мажнун уч маротаба ҳушдан кетади. Бу биринчи марта мактабда, Лайли билан учрашганда, рўй беради. Достоннинг худди шу ўрнида шоир Мажнуннинг руҳий ҳолатини ўзгача усулда тасвирлайди:

*Qeys onu gürüb həlak oldu,  
Min şövq ilə dərdnak oldu.  
Ol nadirə həm ki, Qeysi gördü,  
Min zövq bulub, özün itirdi.*

Мазмуни: Қайс Лайлини кўриб дард чекканидан ақл-хушидан айрилди. У замона нодири эса Қайсни кўрди-ю завқланганидан ўзини йўқотди.

Иккинчи маротаба Лайли ва Мажнун бирга хушдан кетади. Мажнуннинг кўнгил дарди Лайли кўнглига ҳам ғулув солган ва икки ишқ соҳиби бир ўтда ёнмоқда эдилар:

*Məcnunda qərar tutmayib huş,  
Dəryayi-təhəyyür eylədi cuş.  
Bir dəm baxa bümədi ol ayə,  
Döşəndi yer üzrə misli-sayə.  
Leyli həm itirdi ixtiyarın,  
Bir dəm görə bilmədi nigarın,  
Heyranlığı ol məqamə yetdi  
Kim, düşdü ayaqdan, usu getdi.*

Мазмуни: Мажнунга хаёлот дарёси ғавғо солиб, у хушидан айрилди. У Лайлига бир лаҳза ҳам боқиб тура олмай, мисоли соя каби ерга йиқилди. Лайли ҳам ихтиёрини йўқотиб, Мажнунга назар ташлай олмади.

Учинчи маротаба эса Мажнун Лайлининг вафот этганини эшитиб хушдан кетади:

*Az qaldı ki, naləsilə dildar  
Ol xabi-əcəldən ola bidar.  
Bir ləhzə bülənd olub xüruşi  
Düşdü yerə, getdi əqlü huşi.*

Мазмуни: Лайлининг ноласи шу даражага етдики, гўё уйқу ичра ажал билан юзлашгандек бўлди. Фарёдининг зўрлигидан хушидан айрилиб йиқилди.

Фузулий достонида воқеалар давомида Лайли ҳам бир маротаба хушдан кетади. Лайли хушидан айрилиб, яна хушига келганда, Лайлининг олдига бир нур тушади ва Буроқ (Пайғамбаримиз с.а.в.ни Меърожга олиб чиққан отнинг номи) ҳамроҳлигида Мажнуннинг олдига боради (айтиш мумкинки, бу ўринда Лайли – ошиқ, Мажнун – маъшук). Фузулий бу билан Меърож туни воқеаларига ишора қилади:

*Nagah, gedərđi, oldu bihuş,  
Mütləq Özün eylədi fəramuş.  
Bihuşluğunda düşdü ol nur,  
Həmrahi olan gürühdən dur.*

Мазмуни: Кетиб борар экан ногоҳ хушини йўқотди. Унинг беҳушлигида олдига бир нур тушди.

Демак, кузатиладики, Фузулийда хушдан кетиш мотиви жазба етиши билан боғлиқ эмас, бошқача айтганда, сўфиёна асосга эга эмас. У Навоий Мажнунидан фарқли ўлароқ, Лайлининг сиймосини ҳар гал кўрганида, хушдан кетавермайди, Каъбани зиёрат этганида ҳам хушини йўқотмайди. Бу ҳолатлар Фузулийнинг Мажнуни илоҳий мазҳар эмас, балки Яратганнинг яратиғи бўлган Лайлига муҳаббат қўйган ошиқ эканлигини кўрсатади.

Мажнун руҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи мотивлардан яна бири туш мотивидир. Туш ва унинг бадий талқини билан боғлиқ масалалар фольклоршунос олим Ж. Эшонқулов тадқиқотларида анча кенг тадқиқ қилинган. “Ҳаётда бўлгани каби бадий матндаги тушлар, биринчи галда, хабар беради. Ушбу хабарлар айнан ҳаётий тушлардан бадий асар таркибида икки хил, тимсол ва рамзларга йўғрилган ҳамда очиқ ахборот тарзида намоён бўлади. Лекин ҳар қандай асар, биринчи навбатда, эртак ва дostonларимиздаги тушлар асардаги воқеликка чамбарчас боғлиқ бўлгани учун бадийлик касб этади. Шунинг учун очиқ ахборот шаклида келган тушлар ҳам рамзийликдан



холи эмас. Бу рамзийлик эса, юқорида қайд этганимиздек, асарнинг яхлит мазмуни, ғоявий-бадий йўналиши асосида юзага чиқади”<sup>59</sup> .

Тушнинг асоси, аввало, Қуръони Каримдаги Юсуф (а.с) сурасига бориб тақалади. Ундан кейин Пайғамбаримиз (с.а.в) дан келган бир нечта ҳадиси шарифлар ҳам тушнинг илоҳий бир мужда эканлигига далолатдир.

Муқаддас китобимиз Қуръони Каримнинг Юсуф сураси 4-оятда Аллоҳ шундай марҳамат қилади: “Эсланг, Юсуф отасига деган эди: “Эй ота, мен тушимда ўн бир юлдузни, яна кўёшни ва ойни кўрибман. Ҳаммалари менга сажда қилишаётган эмиш”. ” Ёки, шу суранинг 6-оятда “Шунингдек, (яъни, сенга шундай улуг туш кўришни насиб этган каби) Парвардигоринг сени (пайғамбарлик учун) танлар ва сенга барча тушларнинг таъбирини билдирур ҳамда худди илгари аждодларинг Иброҳим ва Ишоққа комил қилиб бергани каби, сенга ва Яъқубнинг (бошқа) фарзандларига ҳам, Ўзининг (пайғамбарлик) неъматини комил қилиб берур”<sup>60</sup> .

“Саҳиҳ ал-Бухорий” китобидан ўрин олган 6990-ҳадисда шундай дейилади: Расулуллоҳ (с.а.в) айтдилар: “(Мендан кейин) нубувват (пайғамбарлик) йўқ. Лекин башоратчилар бўлади. Саҳобалар сўрадилар: “Мубошар нима?”. У зот: “Солиҳ тушлардир” дедилар.

Ёки Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг айтишича, Расулуллоҳ (с.а.в) бетоб бўлиб қолганларида саҳобалар ҳузурларига келиб: “Сиз бизга яхши ишлардан хабар берар эдингиз, энди эса, Аллоҳ ўзи сизни асрасин, ажал келиб қолса, бизга ким хабар беради? Дин ишида қаердан хабар топамиз?”, дедилар. Расулуллоҳ с.а.в: “Вафотимдан кейин ваҳий келиши тўхтайдими, лекин башорат тўхтамайдими”, дедилар. “Башорат нима?”, деб сўрашди. Расулуллоҳ (с.а.в): “Башорат солиҳ одамнинг туш кўриши ёки у ҳақда бошқа одамнинг туш кўриши”<sup>61</sup> , дедилар.

<sup>59</sup> Eshonqul J. Ertak va dostonlardagi tush bilan bog'liq ramzlar talqini (Maqola) SAVIYA.UZ.20/10/2017

<sup>60</sup> Qur'oni Karim. O'zbekcha izohli tarjima. Tarjima va izohlar muallifi A.Mansur. Cho'lpon. Toshkent.

<sup>61</sup> Sahih al Buxoriy kitobiga sharh sifatida yozilgan Fathu-l- qodir asarining Muboshorat bobi

Ушбу маълумотларнинг барчаси тушнинг илоҳий моҳият касб этиши, келажакдан башорат қилувчи ҳодиса эканлигини асолайди. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида ҳам туш мотиви муҳим аҳамият касб этиб, қаҳрамонларнинг тақдири ёки келажак ҳаёти ҳақида маълумот беради. Навоий дoston таркибига Мажнуннинг туш кўриш мотивини киритар экан, тушни шунчаки хабар эмас, балки турли рамзлар воситасида ўқувчига тақдим этади. Достонда Мажнуннинг икки марта туш кўриши келтирилган. Ҳар иккала ҳолатда ҳам унинг туши аниқ ҳодиса – ҳалокатдан дарак беради ва икки ҳолатда ҳам у сархуш (ёрнинг ишқи билан) бўлади.

Достоннинг XXIII бобида Мажнун Лайлини туш кўради. Унда Лайли отаси қабила аҳли билан келишиб, уни ўлдирмоқчи эканлигини, лекин бундан Лайли изтиробда эмас, аксинча бахтиёрлигини, чунки Мажнуннинг ишқи йўлида қурбон бўлиш унинг бош мақсади эканлигини айтади:

*Дедиким: “Аё рафиқи жони,  
Йўқ-йўқки, аниси жовидони,  
Ишқингда отам яроқ қилмиш,  
Эл ҳам бори иттифоқ қилмиш  
Ким, қатлима тонгла айлаб оҳанг,  
Қоним била ерни айлағай ранг...  
Ишқингда манга бу эрди мақсуд  
Ким, кўрсам ўзумни анда нобуд.*

Достон сюжетиға эътибор қаратсак, дарҳақиқат, Лайлининг отаси урушда енгилганини сезгач, қабила оқсоқоллари билан маслаҳатлашиб, қизини ўлдиришға қасд қилади. Демак, бу хабар Мажнунға туш орқали аён бўляпти. “Туш давомида Мажнун бир сўз демайди. Бу ҳам ўзига хос мазмунға эға. Тушдаги воқеалар устидан туш кўрувчи ҳоким эмас. У ана шу воқеаларда иштирок этмоғи ёки кузатмоғиға мумкин. Шоир тасвиридаги ҳаққонийликни кучайтириш, мавжуд реал шароитдан чекинмаслик мақсадида тушда Мажнунға ҳаракат бермаган. Мажнун ҳатто Лайлининг сўзларига

жавоб ҳам бермайди”<sup>62</sup>. Кўринадикки, тушда Мажнун бевосита воқелик таркибида иштирок этмайди, у фақат сомеъ сифатида Лайлининг сўзларини тинглайди ва содир бўлиши мумкин бўлган ҳалокатдан хабар топади. Мажнун телбаларча оҳ чекиб, Навфалнинг хузурига югуради ва ундан жангни тўхтатишни илтимос қилади.

Достоннинг XXXIII бобида Мажнун ёрининг дардида Нажд тоғига бош олиб чиқиб кетади. Ёлғиз фарзандининг бу аҳволидан абгор бўлган ота-онаси бу ёруғ дунёни тарк этадилар. Мажнунга бу машъум хабар тушида маълум бўлади:

*Бир кун ошибон ичида қайғу,  
Келди нафасе кўзига уйқу.  
Чун кўзлари бўлди роҳатомез,  
Кўргузди хаёли суратангиз.  
Ким, икки кабутари ягона,  
Бир уйда чиқордилар жавона.  
Ошуфта бўлуб димоғу ройи,  
Бўлмиш эди муддате ҳавойи.  
Ато-анодин тамом узулди,  
Саҳройи хиял аро қўшулди.  
...Юқоридин инди икки бургут,  
Қилдилар ики ҳамомани қут.  
Чун воқиа кўргучи кўз очди,  
Кўздин қонлиғ сиришк сочти.*

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қиладилар: “Расулуллоҳ (с.а.в) айтадилар: Тушлар уч хил бўлади:

1.Солиҳ тушлар. Аллоҳдан севинч башорати. Пайғамбарларнинг туши башорат. Мўминларни туши қиёматгача башорат. Киши покиза ётиб туш кўрса, бу Аллоҳдан яхшиликка ишорадир.

---

<sup>62</sup> Қаюмов А. Ишқ водийси чечаклари. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т.:1985. Б-52.

2.Ўзига ўзи гапирган нарсасини туш кўриш. Куни билан қилган ишларини туш кўриш.

3.Маҳзун тушлар – ҳолум туш. Бу туш шайтондандир.”

Мажнуннинг туши солиҳ инсонлар туши, покиза мўминлар туши эди. Навоий икки ўринда ҳам унинг ғам пайтида бир муддат кўзига уйқу келганлигини ва туш кўрганлигини айтади. Имом Ғаззолийнинг фикрига кўра, башорат берувчи тушларга сабаб – инсонга уйқу вақтида ғайб оламининг тажаллий этишидир. У тушда ҳиссиётга бўйсунди, ўнгида эса уни кўпроқ ақл бошқаради<sup>63</sup>. Шу маънода Мажнуннинг тушида сўфий кишиларга хос ғайб оламининг тажаллийси намоён бўлади, у туш орқали ғайб олами сирларидан баҳраманд бўлади. “Далидан тўғри хабар” деганларидек, Мажнуннинг ота-онаси ўлиmidан тушида хабар топиши ва тушининг ўнг келишида ҳам унинг авлиёлик – Оллоҳ дўсти даражасига кўтарила бошлаганини далиллайди”<sup>64</sup>.

Психоанализнинг асосчиси Зигмунд Фрейд ва унинг издоши Эрих Фроммнинг таъкидига кўра, тушда инсоннинг руҳияти ва истак-майллари баъзан ҳайвонлар воситасида баён қилиниши мумкин<sup>65</sup>. Мажнун тушида ота-отасининг ўлими ҳақидаги хабардан қушлар воситасида хабардор бўлади. Тушида қараса, икки каптар бир уйда бола очган. Каптар боласининг қанотлари ўсгач, у паришонхотир ва ҳавоий бўлиб қолади. Ота-онасидан тамом ажралиб, саҳродаги жониворларга қўшилади. Ота-онаси уни қайтариш учун ҳавога парвоз этадилар, лекин каптар бола ўз уйига қайтмайди. Ота-она ноумид бўлиб қайтаётганларида, йўлда балoга учраб қоладилар. Юқоридан икки бургут учиб келиб, бу икки каптарни ҳалок қилади. Кўринадикки, Мажнунга тушида ота-онаси – икки каптар, ўзи каптар боласи, ота-онанинг ҳалокати эса бургут воситасида намоён бўляпти.

<sup>63</sup> Абу Ҳомид Ғаззолий. Ихёу улумиддин. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б.

<sup>64</sup> Ражабова М. Алишер Навоий ижодида фольклор жанр, мотив ва образлар стилизацияси. Филол.фан докт. (DsC) дисс. – Т., 2021. – Б. 166.

<sup>65</sup> Фрейд З. Сон и сновидения. – М.: Олимп, 1997. – С. 101; Фромм Э. Душа человека. – М.: Республика, 1992. – С. 285-288.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Мажнун икки ўринда ҳам ғамдан зада бўлган пайтида туш кўради. У биринчи марта туш кўрганида, ёр қабиласининг мағлуб бўлишидан хавотирда эди, ғами шу билан боғлиқ эди. Иккинчисидан эса у ота-онасига муносиб фарзанд бўла олмаганлигидан қайғуда бўлган вақтида туш кўради. Навоий унинг ишқ дардига дучор бўлган бўлса-да, одоб-ахлоқда, ота-онага ҳурматда ҳар доим тавозеъни қўлдан бой бермаганлигини, аввал Худо, сўнг ота-онасининг розилиги унинг аъмолига айланганини айтади:

*Мажнунки футувват аҳли эрди,*

*Эҳсону мурувват аҳли эрди.*

*Ҳуш ўлса димоғи ичра сокин,*

*Тарки адаб эрмас эрди мумкин.*

*Одоби ҳидоят аҳли янглиғ,*

*Ойини валоят аҳли янглиғ.*

*Андоқки тилаб Худо ризосин,*

*Андин сўнг ато-ано ризосин.*

“Бу сўзлар отаси Мажнунни Навфалнинг қизига уйлантиришга кўндириши воқеаси муносабати билан айтилган. Отаси: “Мендан тиласанг ризо қабул эт, не шаръ этар иқтизо қабул эт”, яъни ота розилигига эришмоқчи, шариат тақозоси бўйича иш тутмоқчи бўлсанг, таклифимни қабул эт, дейди. Ҳазрат Навоий талқинича, ўз хоҳишига зид бўлса ҳам, бу таклифни қабул этиши Мажнуннинг футувват аҳлидан, эҳсону мурувват аҳлидан экани сабаблидир. Зеро, футувват соҳибби яхшилиқни, саховату марҳаматни қалбига яқин одамларгагина кўрсатмайди. Футувват барчага эзгуликни раво кўрмоқ, нафсига, кўнгил истагига қарши бориб бўлса ҳам, одам танламай, ҳатто душманга ҳам Ҳақ таоло йўлида ёрдам кўрсата билмоқдир”<sup>66</sup>.

Фузулий достонида Мажнуннинг туш кўриши билан боғлиқ мотив мавжуд эмас. Мажнунга воқеа-ҳодисалар туш орқали эмас, балки Зайд, сайёҳ орқали билдирилади. Аммо достонда Зайднинг туш лавҳаси бор. Зайд Лайли

---

<sup>66</sup> Jabborov N. Maoniy ahlining sohibqironi. Adabiyot. Toshkent.: 2021. B -98

ва Мажнуннинг вафотидан кейин уларни тушида кўради. Улар гулзорда хурсандчиликда, ёрнинг висолдан баҳраманд бўлиб юрардилар. Бу билан Фузулий икки ошиқ абадий висолга етди деган хулосани келтиради:

*Ol munisù mùşfiqù mùvafiq  
Bir gecə qəribi-sübhi-sadiq,  
Bimar tənində qalmayıb tab,  
Qılmışdı məzara yastanıb xab;  
Xab içrə göründü ol nizarə  
Bir bağdə iki mahparə.*

Мазмуни: У мушфиқ бир кеча танида қувват қолмай, ошиқларнинг қабри бошида уйкуга кетди. Уйку ичра бир туш кўрди. Тушида у икки ошиқ боғда сайр қилиб юрар эди.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonларида Мажнун образи талқинида руҳий тасвир муҳим аҳамият касб этиб, Навоий дostonида унинг бевосита шакли устуворлик қилса, Фузулий “Лайли ва Мажнун”ида унинг билвосита шакли етакчилик қилади. Ҳар икки дostonда халқ оғзаки ижодига хос айрим мотивлар, шунингдек, адабий мотивлар алоҳида ўрин тутди. Туғилиш, исм кўйиш, ҳушдан кетиш, туш кўриш билан боғлиқ мотивлар орқали Мажнун руҳиятига хос хусусиятлар очилиб боради. Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonида Мажнун 8 марта ҳушидан кетса, Фузулий дostonи қаҳрамони уч маротаба ҳушдан кетади. Навоий дostonида бу мотив тасаввуф фалсафаси билан чамбарчас боғлиқ, Фузулий эса бу ҳолатга муайян маъно юкламайди, уни сюжет таркибидаги бир воқелик тарзида баён этади. Навоийнинг Мажнуни мажзуби солиқ тимсоли бўлса, Фузулий Мажнуни воқеалар жараёнида товланиб борувчи солиқи мажзуб тимсолидир.

## 2.2-§. Достонларда Лайли ва унга ёндош образлар ўртасидаги поэтик муштараклик

Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” достонлари компаративистикасида эпик тасвир ва эпик усул жихатдан қиёслаш муҳим натижалар беради. “Эпик усулнинг ўзига хослиги шундаки, бунда ҳаёт воқеа-ҳодисалари, одамлар бевосита кўрсатилади”<sup>67</sup>. Эпик тасвир ўз ичига портрет ва характерни ҳам қамраб олади. Портрет инсоннинг ташқи қиёфасини, бўй–бастини, юз тузилиши ва хусусиятларини бадиий тасвир воситасида ўқувчи кўз ўнгида яққол намоён этади, бу орқали қаҳрамон ҳақидаги тасаввур тиниқлашади. Ўз навбатида, портрет статик ва динамик турларга ажралади. Бадиий асарда портретнинг статик ва динамик турлари хусусиятига қараб, ижодкорнинг қаҳрамон портретини яратишдаги маҳоратига баҳо бериш мумкин. Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулий достонда қаҳрамонлар портретини яратишда бу икки турдан унумли фойдаланадилар. Достон давомийлигида вазият, ҳолатдан келиб чиқиб бирин-кетин қўшимча персонажларни қўшиб борадилар. Бош ва ёндош образларни ўқувчига таништирар экан, ҳар бир ижодкор ўз ёндашув усулидан фойдаланади. Масалан, Навоий достоннинг бошланмасида Мажнун образини оловга, азоб-укубатга, унинг камолотини ишққа боғлаб тасвирлайди. Бу каби тасвирлар достонга шунчаки, ўқувчига қаҳрамонни таништириш учун киритилиб қолмайди, балки қаҳрамон тақдирини чизиб ҳам беради. Ёки Лайли гўзаллигини муфассал тасвирлаган шоир унинг исми билан бирга тақдирини ҳам ишқ водийсидаги қаро тун каби шиддат ва шарафга боғлаб тасвирлайди. Алишер Навоий ёндош образларни достон таркибига киритишда ўзгача бир усулдан фойдаланади. Қаҳрамонни шунчаки таништирмай, уларнинг достондаги ўрни ва вазифасига қараб, турли воқеалар билан боғлаган ҳолда ўқувчига таништириб боради. (Масалан, Навфални ов тасвири орқали, энагани ўз вазифаси орқали).

---

<sup>67</sup> Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. Тошкент: O'zbekiston, 2001

Муҳаммад Фузулий эса Лайли ва Мажнун образини тасвирлашда Навоий йўлидан борса-да, дoston таркибига киритаётган ҳар бир ёндош образни воқелик таркибига сингдириб эмас, балки бироз эркинрок тасвирлайди. Икки ижодкор ҳам дostonларида портретнинг статик туридан унумли фойдаланадилар. Динамик портрет тури ҳаракат давомида бериб бориловчи персонаж ташқи кўринишига хос айрим деталлар орқали очиб берилишини эътиборга олиб, портретнинг бу тури ҳар икки дostonда кенг қўлланилганлигига гувоҳ бўламиз. Яъни дoston қаҳармонларининг руҳий ва жисмоний ҳолати, воқеалар давомида ўсиб боровчи камолотини тасвирлашда ҳар икки дostonда портретнинг бу туридан унумли фойдаланилади.

Ўзининг ранг-баранглиги, тасвирларни бадиий жиҳатдан сайқаллаб, гўзал тарзда ифода этиши билан ажралиб турадиган Алишер Навоий ижодида, хусусан, буюк адибнинг “Лайли ва Мажнун” дostonида портрет ва характер эпик тасвирни ифодалашда муҳим ўрин тутди. Ижодкорнинг тасвир услуби ўзига хос. Шоир мазкур дostonида портрет ва характерни шундай ёритиб берганки, асар қаҳрамонлари ўқувчи тасаввурида ўзининг индивидуал хусусиятлари билан яққол намоён бўлади. Алишер Навоий Лайли ва унга ёндош аёл қаҳрамонлар зоҳирий ва ботиний гўзаллигини юксак бадиий дид ва маҳорат билан тасвирлагани бунинг исботидир. Диссертацияда Лайли портрети тасвири муаллифлар ва Мажнунларнинг берган таърифлари орқали таҳлилга тортилди.

Ҳазрат Навоий “Лайли ва Мажнун” дostonининг XI бобида Лайли портретини истиора (“мужгон сафи”), ташбеҳ (Йўқ сояки, тўрт саф чекиб занг), сифатлаш (Мажмуи либоси сурмаиранг) каби бадиий санъатлар орқали тасвирлайди. Лайлининг киприклари саф тортиб турган қора либосли лашкарларга қиёсланади:

*Мужгон сафининг қаро балоси,*

*Кўзлар уза соянинг қароси.*

*Йўқ сояки, тўрт саф чекиб занг,*

*Мажмуи либоси сурмаиранг.*



*Очқунча юмуб кўз ул синаҳтиз,  
Бир бирига тегиб қилурға хунрез.  
Дема бу синаҳни хайли ҳинду,  
Чин дашти кийикларига мунду.*

Муҳаммад Фузулий эса достонининг “*Bu, bûnyadi-binayi-bələdir və mükəddimeyi-ələmi-ibtıladır*” бобида Лайли хуснининг таърифини қуйидагича келтиради:

*Əbrusi xəti bəlayi üşşaq,  
Həm cüft lətafət içrə, həm taq.  
Hər kipriyi bir xədəngi-xunriz,  
Peykani-xədəngi qəmzeyi tiz.*

Мазмуни: Унинг камон қошлари ошиқлар учун балодир. Унинг ҳар бир киприги қон тўқувчи камон ўқларидек. Ҳар боқишда у камон ўқлари пайконидан шиддат ила узилади.

Лайлининг отаси қизини ниҳоятда севганидан, унинг камолотга эришишини истаганидан ўз қабиласида Лайлига мактаб очиб берди. У мактабга Қайс ҳам келди. Аммо у вақтда Лайли бетоб бўлиб ётган бўлади. Маълумки, бетобликда киши хуснида ўзгаришлар бўлади. Навоий Лайли хуснига таъриф берар экан, истмадан Лайлининг вужуди ёниб, унинг тафтидан хусни қизил гул мисол товланарди, дейди:

*Лайли демай, ул бути паризод,  
Бир ориза бирла эрди ношод.  
Табъида қуёш киби ҳарорат,  
Айшига солиб эрди марорат.*

Лайли жисмидаги олов фақатгина бетоблик сабабли эмас эди. Унинг қалбига тушган ишқ чўғи руҳини поклаб, туйғуларини тобламоқда эди. Ишқ шиддатининг юқорилиги Лайли хуснига хуснга қўшарди. “Лайлининг хуш исли, оқ ва сарғиш тусли гул (жасмин) сингари жисмини иситма оташи гулга ўхшатиб қўйган. Бу гулдан таралган тер қиз ётган уйни гулобхонага айлантирган. Иситма ўти бу нафис пардаларга ўралган ғунчадан зарра –

зарратоб пайдо этмоқда. Мижозиди ҳарорат камайгудек бўлса, титратма кучаяди. Оқ терак тонг шамолида силкинганидек қизнинг шамшод қомаги бу титроқда қалтирайди”<sup>68</sup>.

Фузулий достоннинг “Бу, бунъади-бинъади-беләдир вә мӯқәддимаи-әләми-ибтиладир” бобиди Лайлининг пешонасидан оққан терни Чин дарёсига менгзайди:

*Daryayi-bala sabini-paki,  
Çin cünbüşü mövci-səhmnaqi.  
Çeşmi-siyəhinə sürmədən ar,  
Hindusinə sürmə həm giriftar.*

Мазмуни: Санамнинг пешонасидан оққан тер, Чин дарёси мавжлангани каби даҳшатлидир. Кўзларига сурма тортилган. Аммо сурма ҳам унинг қаро холига асир бўлган. Фузулий ушбу байтда истиора (ҳиндусина), ташбиҳ (Çin cünbüşü mövci-səhmnaqi), сифатлаш (Çeşmi-siyəhinə sürmədən ar) каби бадий санъатлардан унумли фойдаланади.

Икки ижодкор Лайли тасвирини Мажнун образидан биров фарқли тасвирлайди. Лайли характери ижимоий фаол, ҳар қандай масалада атрофидагиларнинг фикрига таянадиган образ. Лайлининг ишқда ва илмда эришган мақоми хаёлот махсули эмас, балки ҳар бир интилган кишига насиб қиладиган сийловдир. Ижодкорлар томонидан Лайли образи халқона тасвирланар экан, бу унсур Мажнун образини реал чиқиши учун ҳам хизмат қилади.

“Лайли ташқи қиёфаси билан ҳам, маънавий дунёси ва хулқ атвори билан ҳам ниҳоятда гўзал қиз. У ғайрат билан ўқийди, билим олади, фазилатига фазилат қўшилиб боради. Лайли фазилатлари билан муҳити савиясидан юқори кўтарилади. Севги унинг маънавий дунёсини янада бойитади, тўлдиради”<sup>69</sup>.

<sup>68</sup> Қаюмов А. Ишқ водийси чечаклари. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т.:1985. Б-19

<sup>69</sup> Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Т.:1974

*Лаълида йигиб захираи жон,  
Оғзи суйи анда шираи жон.  
Жон топибон улки ўпса они,  
Мундин дебон оби зиндагони.  
Ҳам жон келиб икки лаъли майгун,  
Ҳам тавқи зақан келиб анга нун.*

Ҳар икки иждокор Лайли портретини чизишда индивидуал ёндашадилар. Масалан, Навоий Лайлининг лабларини жон баҳш этгувчи деб атаб, унинг лаъл каби қизил лаблари остида жойлашган иягини эса “нун” ҳарфига қиёсласа, Фузулий Лайли таърифини келтирар экан, унинг лаъли лабини япроқларига шабнам қўнган гулга ўхшатади. “Агар Навоийда қизнинг қора ўрим сочлари зулматга ўхшар бўлса, Фузулийда Лайли сочининг торлари уни ўраб, кишанлаб, азоб-уқубатларга маҳкум этган занжирларга қиёсланади. Навоий қаҳрамонининг қора киприклари шунчалик узунки, ундан кўзларига соя тушади, Фузулий эса Лайлининг узун ва қаттиқ киприкларини қон тўкаётган найзаларга қиёслайди”<sup>70</sup>. Муҳаммад Фузулий юқоридаги бобнинг давомида Лайлининг таърифини қуйидагича келтиради:

*Rūxsarinə rəngi-ḡazadən nəng,  
Hərgiz ona ḡazə verməmiş rəng.  
Göz mərdüməkindən olsa xali,  
Go 'z mərdüməki olurdu xali.  
Lə 'lū dūri göstərirdi hərdəm,  
Övraqi-gül içrə iḡdi-şəbnəm.*

Мазмуни: Унинг уятдан қизарган юзи худди упа-элик сургандек. Гулбарглари ичида шабнам марварид доналари каби сочилганидек, унинг лабларидан ҳам шундай дурлар сочилади.

Лайлининг гўзаллиги кўрган кўзни қамаштиради, дилни яйратади. Боиси унинг яратилиши ишқ, асли ишқдир. Лайли ўзи мансуб бўлган оламнинг энг

---

<sup>70</sup>Назруллаева С. Тема «Лейли и Меджнун» в истории литературы народов Советского Востока. – Тошкент: Фан, 1983. Б-77.

нодир ва дилбар наъмунасидир. У ҳар томонлама мукамаллик тимсоли. Навоий ва Фузулий Лайли образини бадий ва маънавий бой образ сифатида тасвирлаш орқали, исломда аёл кишининг эъзозланиши ва юқори мартабага кўтарилганлигига ҳам ишора қиладилар.

“Навоий ўз асарларидаги аёл қаҳрамонларни тасвирлаганда, киши шоирнинг аёл гўзаллигини қанчалар юксак тутганлиги, бу гўзалликни нақадар назокат ва илҳомли ҳарорат билан куйлаганига қайта-қайта шоҳид бўлади. Бу гўзаллик тавсифи шоирнинг бой ва нафис қалби, ўта назокатли бадий диди ва маҳорати ҳамда гўзалликни ғоят чуқур идрок этувчи латиф табиатидан далолат беради.<sup>71</sup>”

Алишер Навоий Лайлининг нафақат жисми, балки исми ҳам ниҳоятда гўзал эканлигини таъкидлайди:

*Йўқ икки сочи тунига зоят,  
Яъни ики лайли бениҳоят.  
Андин бўлиб оти жилваорой,  
Андоқки Бароту қадр аро ой.*

Навоий бу ўринда Лайлининг исмини ажойиб бир тарзда (барот (хижрий йил ҳисобида саккизинчи ой бўлган шаъбоннинг ўртаси, байрам куни) ва қадр (рамазон ойининг “Лайлат ул-қадр” деб аталадиган 27-муқаддас туни) каби мўжизавий кечалари билан қиёслаган ҳолда сифатлайди. Унинг ҳуснини барот ва қадр кечасида жилваланиб турган ойга менгзаб, ўрилган икки қаро сочини қоронғу тунга ўхшатади.

Кимки бу гўзалнинг исмини айтишни истаса, Лайли исмидан бошқа сўз унинг оғзини ширин қилмас эди. Лайли ҳусни билан бирга унинг маънавий дунёси ҳам нақадар гўзал, бокира ва соф вужуд эканлигини англаймиз.

Ҳазрат Навоий Лайли портретини чизишда ҳар бир деталга алоҳида эътибор қаратади. Лайлининг узун, қора қошлари унинг юзига ўт ёқар экан, бу ўтнинг тутуни унинг кўзларида қорайиб, сурмага айланган эди:

---

<sup>71</sup> Қаюмов А. Ишқ водийси чечаклари. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т.:1985. Т.:1985. Б-16

*Айлаб юз ўтин ёқарга таъжил,  
Гузурт ўти юзда ҳар тараф нил.  
Ўтдин гул очиб бу гулистонга,  
Ул гул била ўт солиб жаҳонга.  
Ул лаъл ўтидин жаҳонга куймак,  
Йўқ, йўқ, не жаҳонки, жонга куймак.  
Ўтлуғ ики кўзи сурмаолуд  
Ул ўтга дағи бу сурмадин дуд.*

Фузулий ҳам Лайлининг пок қалби, ширинсухан такаллуфини куйидагича тасвир этади:

*Lə 'lu dūri gòstərirdi hərdəm,  
Ōvraqi-gül içrə iqdi-şəbnəm.  
Əbvabi-təkəllüm etsə məftuh,  
Əmvatə verərди müjdeyi-ruh.*

Мазмуни: Гул барглари ичида шабнам марварид доналари каби сочилганидек, унинг лабларидан ҳам шундай дурлар сочилади. У китоб ўқиса, унинг сўзларидан ҳатто ўликларга жон киради.

Ижодкорлар Лайлининг ботини ва зоҳирини тасвирлашда ўзига хос йўлдан бордилар. Навоий Лайли таърифини келтиришда муфассал тасвир ва таҳлилга эришса, Фузулий бу ўринда лўндаликни лозим топади.

*Əndami lətifeyi-ilahi,  
Dəryayi-lətafət içrə mahi.  
Şəhbaz baxışlı ahu gözlü,  
Şirin hərəkətli, şəhs sözlü.  
Rahù rəvişi müdam qəmzə,  
Başdan-ayağa tətat qəmzə.*

Мазмуни: Унинг қомати келишган. У латофат дарёсининг ойдир. У парининг кўзлари оху, боқишлари эса лочинназардир. Ҳаракатлари қанчалик назокатли бўлса, сўзлари ҳам шу қадар ширин. Ул пари бошдан оёғигача ноз, ишва, ҳар бир қадами ғамза.

Энди Лайли портрети тасвирини ҳар иккала дostonда Мажнунларнинг Лайлига берган таърифи асосида кўриб чиқсак.

Маълумки, маъшуканинг жамолини унинг ошиғидек ҳеч бир шоир ёки ёзувчи таърифлай олмайди. Ошиқ қалбига ширин озор бергувчи ёрнинг васли унинг орзусига айланади. Ёрнинг қадами теккан тупроқ ошиқнинг кўзларига олтиндек бўлиб кўринади. Ёр томонидан келган ҳар бир мужда ошиқ учун жаннатдан келган хабардек ҳаяжонли ва қувончлидир. Ҳазрат Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун” достонининг XIII бобида Мажнун тилидан Лайлининг таърифини келтирар экан, Мажнуннинг қайғулари, туйғуларини ўз қалбидан ўтказиб ёзади:

*Дебким: Гар эмас қади равони,*

*Лекин қадидин эрур нишони.*

*Ким: Ёр аёғи этмиш эркин,*

*Туфроғини сурма этмиш эркин.*

*Ким, жилва қилурда ул суманбу,*

*Аксини топиб эди экин сув.*

“Эпосда иждокор оддий ҳикоячи сифатида воқелик ортида яширинган бўлади. Бирок бу эпосда бадий кечинма бўлмайди, дегани эмас. Агар лирикада шахс ва унинг ҳис-туйғуларидан воқеликка қараб борилса, эпосда воқеликдан шахсга қараб борилади”<sup>72</sup>. Олим айтганидек, айнан эпосда воқеликдан шахсга қараб борилиши эпик усулдир. Демак, Мажнуннинг туғилиши, Лайли билан учрашиши, жунунлик уни турли жисмоний ва маънавий оғриқларга дучор этиши каби тасвирлар бизни воқелик сўнггида Мажзуби соликка айланган, камолотга эришган етук Мажнун сари олиб боради. Бу воқеалардан кўзланган мақсад Мажнунни Навоийнинг орзусидаги баркамол шахсга айлантириш эди. Муҳаммад Фузулий эса Мажнун образига Навоийдек катта талаб қўймайди, кўп вазифа юкламайди. Навоийда воқелар Мажнун образи, характери, руҳиятини очиш учун бирлашса, Фузулий

---

<sup>72</sup> Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. Т.:2004,81

Мажнунни эркин ҳаракатлантиради. Навоий Мажнуннинг тақдирини ҳақдан деб билади, Фузулий эса ўқувчига Мажнун ҳаёти давомида учраган кийинчиликларга қисман ўзи ҳам айбдор деган хулосани беради. Эпосда ижодкорнинг кечинмалари концепцияси устувор бўлади. Бу кечинмалар, мулоҳазалар маълум бир қаҳрамонлар (хоҳ бош қаҳрамон бўлсин, хоҳ ёндош образлар) орқали очиб борилади.

Масалан, Навоий Лайли образи, унинг муҳаббатини ҳам илоҳий, ҳам халққа яқин қилиб тасвирлайди. Фузулий ҳам Лайлини тасвирлашда айни шу йўлдан боради.

Ўқувчида ижодкорларнинг Лайли образини тасвирлашдан мақсади нима эди, деган ҳақли савол пайдо бўлиши мумкин. Навоий ва Фузулий Мажнуннинг (балки ўзининг) Аллоҳга бўлган муҳаббатини ифодалашда Лайлидан етакчи восита сифатида фойдаланади. Мажнун Лайли жамолида Аллоҳнинг тажаллисини кўради. Бу эса Навоийнинг дostonдан кўзлаган асосий мақсадларидан бири эди.

Адабиётшунос олим Б.Саримсоқов бадий асарда ифода этилган воқеалар ижодкор ҳис-туйғуларига таъсир этиб, образ туғилишига сабаб бўлиши эпик усулнинг натижасидир, деган фикрларни келтиради.<sup>73</sup>

Алишер Навоий сўфийлик, комиллик каби туйғулари натижаси ўлароқ, Мажнун образини яратди. Мажнун тасвирини мукаммал очиб бериш учун эса Лайли образи туғилди. Тўғри, Навоийдан аввал ҳам Лайли ва Мажнун тимсоли кўп яратилди, аммо Навоий бу образларга бутунлай бошқа маъно юклади. Образларни бадийят жиҳатдан бойитди ҳам. Фузулий эса ўз йўлидан бориб, образлар замирига халқчилликни сингдириб юборди.

Алишер Навоий Лайли образини тасвирлаш давомида унинг хатти-ҳаракатлари, характери бевосита дoston воқеаларига таъсир этишига ишора қилади. Биз буни, Лайли характеридаги босиқлик, итоаткорлик уни Ибн Салом воқеасига юзлаштирганидан билиб оламиз. Бунинг натижасида Лайли ва

---

<sup>73</sup> Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. Т.:2004,82

Мажнун орасида тушунмовчиликлар пайдо бўлади. Ёки Лайли характерида шаклланган кўрқув, андиша уни ўз мухаббати йўлида кўрашишига йўл кўймайди. Бунинг натижасида Навфал Лайли қабиласига юриш бошлаб, кўпчиликка зарар келтиради.

Ушбу воқеалар Муҳаммад Фузулийнинг достонида ҳам худди шу тарзда баён этилади. Фузулий Лайли образини яратишда Навоий йўлидан боради. Лайли характерида итоат ва босиқликни, андишани сингдириб юборади. Кўриниб турибдики, дoston воқеалари маълум маънода Лайли характери натижасида ҳаракатланади. Бу эса дoston воқеалари изчиллигини таъминлаб беради.

Ҳазрат Навоий “Лайли ва Мажнун” достонининг XXVII бобида Мажнуннинг Лайлига кўз қорачиғи ва киприги қалами билан жон саҳифасида битган юрак нолалари шарҳини келтиради. Бу бобда Мажнуннинг ошиқлик дарди баёни Лайлининг хусни таърифи билан уйғунликда куйидагича тасвирланади:

*Эй кишвари хусн подшоҳи,  
Хусн аҳли бу кишваринг сипоҳи.  
Эй нозу карашма боғида вард,  
Не вард, баҳори нозпарвард.  
Эй лутф жаҳонининг баҳори,  
Юзинг бубаҳор лолазори.  
Бўлгонда саҳар эли гулафшон,  
Зулфингниму айламас паришон?*

Мажнун Лайлига битган мактубида унинг хусн аҳлининг султони эканлигини, унинг ноз-карашмалари ҳатто гулларда йўқлигини айтади. Мажнун ўзининг руҳий аҳволини ҳам мисралар мазмунига юклайди ва жон иплари Лайлининг сочларига тутшиб, паришон ҳолда эканлигини айтади:

*Машиота қилурда вусмани пок,  
Қошингниму айламас гиреҳнок?  
Сармаст кўзингки эрди бемор,*



*Соғ ўлмоғи бўлдимۇ паридор?*

*Рухсоринг ўтида ҳоли ҳинду,*

*Ўзидек улусни куйдурурму?*

Кўзларингнинг беморлиги кетдимикин, деб Мажнун Лайлининг ҳолидан хавотирга тушади. Машшота (пардозчи хотин) ўсма қўйганда, қошларингни қайрилма қилмасмикан? Сенинг хумор кўзларинг бемор эди, энди соғ ва равшан бўлиб кетдимикан? Рухсоринг ўтида қора холинг элни ҳам ўзидек куйдирадими?

Жаҳон эли ўзини сенинг қадди-қоматингга гирифтор этармикан? Ноз уйқусидан уйғониб, юз ноз ила элга сўзлармикансан? Сенинг ишқингда мендек хас каби, балки ундан ҳам қадри паст киши топилмас.

*Қаддинг қилибон ҳавойи рафтор,*

*Айларму жаҳон элин гирифтор?*

*Ноз уйқусидин очармусен кўз,*

*Юз ноз ила элга дермусен сўз?*

*Кўйингдаки йўқ менинг кибихас,*

*Хасдиндаги қадри чин давопас.*

Муҳаммад Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида воқеалар ривожи бироз бошқача кечади. Мажнуннинг Лайлига ошиқлиги ошқор бўлгач, Лайлининг отаси уларни учраштирмасликка уринади. Кундан кун ишқи ортган, жунунлик ўз домига янада чуқурроқ тортиб бораётган Мажнун қалбида ловуллаб турган ишқ алангасига сув сепмоқ мақсадида Лайлини кўришга уринади. У ўзини кўрликка солиб, Лайлининг остонасига тиланчи қиёфасида боради. Бу Мажнун эканлигини англаган Лайли унга садақа бермоқ учун остонага чиқади. Шу онда Мажнун Лайлини қуйидагича таърифлайди:

*“K’ey xali-siyahi göz savadı,*

*Can arizusn, könlül muradı!*

*Gər bağlı isə gözüm rəvadır;*

*Sərçəşmeyi-lecseyi-bələdir.*

*...Şahim, nəzər et məni-gədəyə,*

*Biganəlik etmə aşınayə!  
Can bağına qəm nihalı dikdin,  
Tən mülkünə dərd tōxmū əkdin!”*

Мазмуни: Эй, кўзлари қора, қора холли санам. Сен менинг жоним орзуси, кўнглим мақсадисан. Бу мақсадга етишмоқ йўлида кўзларим саросар кезгувчидир. Сенинг кўзларинг эса менинг жонимни олгувчи гирдобдир. Сен шоҳсан, мен гадога бир назар ташла. Мен сенга ошноман, сен менга бегоналик этма. Сен менинг жон боғларимга ғам, андуҳ ниҳолини экдинг. Танимга эса дард (Ишқ) тухумини қададинг.

Фузулий шахсий қарашларини Мажнуннинг кечинмаларига сингдириб юборади. Бу борада Фузулий ўзига хос бир йўлдан бориб, дoston воқеаларини ҳаётийлик принципи асосига қуради. Шоирнинг дostonи билан танишар эканмиз, дostonнинг таркибига қўшилган жанрлар (ғазал, мураббаъ, рубой) орқали ҳам бунга эришганига гувоҳ бўламиз.

Фузулий дoston воқеалари ва қаҳрамонларини тасвирлашда ўзи яшаб турган муҳитдан узоқлашмайди. Қаҳрамонларга ористикча вазифа юкламайди. Уларнинг муносабатини жим кузатиб турмай, унга ўз қарашлари орқали баҳо бериб кетади (асосан қўшимча жанрлар орқали). Бу эса Фузулийнинг дoston яратишда салафлардан ўрнак олган ҳолда ўз мустақил йўлидан кетганидан далолат беради.

Адабиётшуносликда характер портрет тушунчаси билан уйғун равишда намоён бўлади, яъни портрет инсоннинг ташқи қиёфасини кўрсатиб берса, характер ички оламга хос жиҳатларни ёритишда хизмат қилади.

Назарий манбаларда “Характер– муайян давр ва муҳит кишиларига хос энг муҳим умумий хусусиятлар билан алоҳида шахсга хос индивидуал хусусиятларни ўзида уйғун мужассам этган инсон образи”<sup>74</sup>, дея таърифланса, Т.Бобоев характер моҳиятини аниқлайдиган икки асосий жиҳатни ажратиб кўрсатади: 1) шахс ирода йўналишини кўрсатувчи хусусият; 2) хулқ-атвори

---

<sup>74</sup> Адабиёт назарияси. I,II том.Тошкент, Фан, 1988.

белгилайдиган индивидуал руҳий белгилар (мардлик, кўрқоқлик, инсофлилик, инсофсизлик, ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, ишёқмаслик, дангасалик) кабилардир.

Тадқиқотимиз давомида шунга гувоҳ бўламизки, дoston қахрамонларининг ҳаммаси ҳам характер даражасига кўтарила олмайди. Ҳар икки дostonда ҳам Мажнун, Лайли, Навфал ва оталар тимсоли мукамал характер тимсоли сифатида гавдаланади. Масалан, Навоийнинг дostonида Мажнун қанчалик жунунлик домига тушмасин бир зум бўлса-да, ота-онасига бўлган хурматини ёддан чиқармайди. Бу ҳол Фузулийда бошқача, Мажнун отаси ва онасига нисбатан биров шафқатсиз тасвирланади. Ёки Лайлига ҳам мукамал ишқ берилган эса-да, у отаси ва одамлардан андиша қилиб ўз ишқини маълум бир чегарада тутиб туради. Навоий ота тимсолини яратишда унинг қаҳрини ҳам, меҳрини ҳам жонлантиради. Қаҳрли бўлган вақти авом каби илоҳий ишқдан бебаҳра бўлган вақти бўлса, фарзандига меҳр ва шафқат кўрсатган вақтида эса ишқ дардидан баҳраманд бўлган киши тимсолида келади. Навфал тимсоли ҳам ишқ дардини ҳис этиши билан характер даражасига кўтарилади. Бу каби тасвирлар орқали дostonлардаги характернинг умумий ва хусусий хусусиятлари кўзга ташланади.

Инсон характерининг шаклланишида ўзи яшаётган муҳит, тарбия топаётган макон ва таълим олаётган масканнинг ўрни муҳимдир. Кучли руҳий таъсир, характердаги курашувчанлик, зиддиятлар қаршисида кескин қарорлар қабул қилиш айнан турли характер қирраларида намоён бўлади. Хусусан, Лайли характерининг шаклланишида ҳам мактаб, оила, айниқса, отаси ва онасининг ўрни беқиёс.

Ҳазрат Навоий “Лайли ва Мажнун” дostonининг XI бобида Лайлининг отаси қизини жудаям севишини айтади. У мактабда аъло баҳоларга ўқийди. Кўнгли пок ва ниҳоятда гўзал эканлигидан устози ҳам уни бошқа болаларга қараганда кўпроқ севади.

Навоий она тимсолини яратар экан, унинг табиатига аёлдаги бор эзгу туйғуларни кўшиб тасвирлайди. Лайлининг онаси ниҳоятда меҳрибон,

кизининг дардига хайрихоҳ аёл. Навоий уни кўп гапиртирмайди. Эридан ўтиб бирор ортиқча сўз айтмайди. Лекин Навоий унинг хатти-ҳаракатларига, вазминлигига аёл донолиги, оқилалигини сингдириб юборади.

“Навоий, Фузулий ва Андалибда она образи янада пухтароқ ёзилган. Навоий ва Фузулий уни давр ва муҳит қурбони, камдан кам ва тортинчоқлик билан норозилик билдиришга қарор қилган жабрдийда сифатида тасвирлайди<sup>75</sup>”.

Навоийнинг достонида Лайли билан онаси орасидаги суҳбат Лайлининг ўлими олдидан кечади. Лайли ўлими олдидан онасига агар ўлимидан Мажнун хабар топиб келса, унинг олдига киритишини сўрайди. Лайли онасига умри хазон бўлганлигини, ўлимидан сўнг кўп кўз ёш тўкмаслигини, Мажнунга ҳам меҳр беришини илтимос қилади:

*Сарвумга ажиб сурат ўлди*  
*Ким, тарки чаман зарурат ўлди.*  
*Ҳар ҳолила кетмагим етибдур,*  
*Бу боғда бўлмогим кетибдур.*  
*Бу дамки эрур маҳалли падруд,*  
*Қиссамни яширмогимда йўқ суд.*  
*...Юмди тугатиб аносига сўз,*  
*Ҳам сўздину ҳам аносидин кўз.*  
*Жонин Мажнун сўзида берди,*  
*Ҳаргиз Лайли дегил йўқ эрди.*

Муҳаммад Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида ҳам Лайли ва Мажнун бир мактабда битта устоз қўлида таҳсил олади. Улар орасидаги муҳаббатдан хабар топган Лайлининг онаси қизига мактабни ташлашни айтади.

Худди шу ўринда Лайли характерининг муҳим қирраларидан бири, яъни ўз ишқини пинҳон сақлаши сабаби онасининг панд-насихати таъсирида

---

<sup>75</sup> Нарзуллаева С. Тема «Лейли и Меджнун» в истории литератур народов советского востока.Т.: «ФАН» 1983.Б-116

эканлиги ойдинлашади. Навоийнинг достонида эса Лайли ва онасининг бу каби суҳбати келтирилмайди. Бу билан Навоий Лайли ҳам Мажнун каби илоҳий тарбият соҳиби эканлигига яна бир бор ишора қилади:

*Neylərsən əgər atan eşitsə?  
Qəhr ilə sənə siyasət etsa?  
Minbə'd gəl eylə tərki-məktəb,  
Bil əbcədini həmin cədü əb.  
Etmə qələm ilə məşqdən yad,  
Suzən tutu nəqş eylə bürtyad.*

Мазмуни: Сенинг бу ишларингни отанг эшитиб, сенга қаҳр қилса нима қиласан?! Кел, мактабга бормагин-у саводингни уйда чиқаргин.

Лайли-гўзал қиз. Шу билан бирга гўзал хулқ соҳиби ҳамдир. Унинг характерида билим олишга қизиқиш, интилиш бор. Мактабни ҳам чин кўнгилдан севади.

“Қизини фидойилик билан севадиган онанинг ёрқин қиёфаси Фузулий томонидан яратилган. Лайлининг онаси сезгир ва тушунадиган аёл бўлиб, у қизининг мактабга боришни бошлаган пайтданоқ хатти-ҳаракатидан, сўзларидан, одамларнинг гап-сўзларидан Қайсга бўлган иштиёқини аллақачон тахмин қила бошлаган. Оила ва қизнинг шаънига ғамхўрлик қилиб, она уни огоҳлантиради. Ушбу таҳрирлар катта таассурот қолдиради. Она тимсолида шоир ўзининг ор-номус, қадр-қиммат, фидойилик ғояларини мужассам этган”<sup>76</sup>.

Қиз боланинг тарбиясида, айниқса, онанинг ўрни беқиёс. Она қизи учун дўст, насиҳатгўй, устоз. Шунинг билан бирга ота ва қиз орасидаги кўприк, тўғри йўл кўрсатгувчи йўлбошчидир. Фузулий она тимсолини ҳаққоний, реал тасвирлайди. Лайлининг характери шаклланишида онасининг ўрни каттадир. Онаси Лайлига кўп бора насиҳатлар қилади. Баъзан бироз қаттиқ гапирди. Баъзан отасидан ҳадиксираб сўзлайди. Лекин нима бўлганда ҳам боласи учун

---

<sup>76</sup> Нарзуллаева С. Тема «Лейли и Меджнун» в истории литератур народов советского востока.Т.: «ФАН» 1983. Б-114

жони ачийди, юраги пора бўлади. Фузулий дostonга она тимсолини шунчаки киритмайди. Унинг зиммасига вазифа юклайди. Она образи замирида замон, макон, мухут тасвирини гавдалантиради. Фузулий Лайли характери тасвирини она образи воситасида яққол очиб беради. Муҳаммад Фузулийнинг дostonида Лайли ва онасининг суҳбати Алишер Навоийнинг дostonига нисбатан вазият жихатидан фарқ қилади:

*Nəuçün özüñə ziyan edirsən?  
Yaxşı adını yaman edirsən?  
Nəuçün sənə tə'nə edə bədgü?  
Namusuna layiq işmidir bu?  
Nazik bədən ilə bərgi-gülsən,  
Əmma nə deyim ikən yünülsən!*

Мазмуни: Нечун ўзингга зиён этиб, яхши отингни ёмонга чиқарасан? Нимага сенинг отингга номуносиб таъналар бўляпти? Бу иш сенинг номусингга тўғри келадими? Сен шунчалик соҳибжамол бўлсанг ҳам жуда соддасан.

Муҳаммад Фузулийнинг дostonида Лайли ҳам атрофидаги ҳодисаларга бефарқ эмас. Ўзининг туйғулари ўлчовини билади. Онасининг танбеҳига муносабатини қуйидагича билдиради:

*Dersən məşuqù eşqù aşiq,  
Mən sadəzəmir tifi-sadiq;  
Bilmən nədir ol bədisə məzmun?  
Söylə, necə olmayım digərgün?  
Eşqin qılmazdı kimsə yadın,  
Ha səndən eşitdim indi adın.*

Мазмуни: Мен бола бўлсам, сен эса менга маъшук, ишқ, ошиқлик ҳақида гапирасан. Билмадим бу сўзларингнинг мазмуни қандай? Сўйла, нимага хафа бўлмайин? Менга ҳеч ким ишқини изҳор қилмади. Биринчи бўлиб унинг исмини сендан эшитдим.

Лайли характерининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган қаҳрамон, албатта, отасидир. Икки дostonда ҳам ота тимсоли улуғвор, вазмин киёфада тасвирланади, натижада Лайлининг ҳам, онасининг ҳам ҳаракатлари, ҳолат ва характерларида итоаткорлик шаклланади.

Мажнун ишқ йўлида жунунлик мақомига эришмасдан аввал заковатли, гўзал фазилатли, билимли йигит эди. Лайлининг отаси ҳам унга ҳавас қиларди. Бир жунун ўзининг қизига ошиқ эканлигини билиб, Мажнунга муносабати бутунлай ўзгаради. Дилга ниш санчгувчи сўзлар билан Мажнуннинг отасига мактуб ёзиб, элчиларни ҳам ҳақоратлаб жўнатади. Отасининг табиатидаги бу қайсарлик ва қаттиққўллик Лайлини яна ҳам итоаткор бўлишга мажбур этади. Унинг қаҳри қаҳратонидан Мажнун отасининг кўнглига зиён этади. Бу муждани эшитган Мажнуннинг ҳоли нолон, устухони вайрон бўлади:

*Билмангму шукуҳу савлатимни,  
Аъро баро молу шавкатимни?  
Ҳам ўғлунга, ҳам санга билурмен  
Ким, ҳар не қилай десам қилурмен.  
Сўнгра санга доғи қаҳр сургум,  
Хайлингни бу даштдин итиргум!*

Муҳаммад Фузулийнинг дostonида ҳам Лайлининг отаси худди шундай характер соҳиби. У ҳам Мажнун қизига ошиқ эканлигини билгач, Мажнуннинг оиласига нисбатан ҳақорат, Лайлига нисбатан адолатсизлик қилади.

Аслида, икки дostonда ҳам Лайлининг отаси қизининг бахти, камолоти учун қайғуради. Ота учун бу табиий ҳол. Бироқ Лайли ва Мажнуннинг ишқи отаси ўйлаганданда қудратлироқ эди. Фузулий дostonида эса Лайлининг онаси: “сен ёш боласан, ишқни қайдан биласан?”, дейди. Лайли билан Мажнуннинг ишқи ҳам, камолоти ҳам оталари ўйлаган туйғулардан анча юксақда.

Характер киши бошига тушган ҳодисалар, ҳаётида рўй берган ўзгаришлар натижасида ўзини намоён этади. Доимо зиддиятлар қуршовида бўлган кишининг характерида ҳаёт тўсиқларига учрамаган (енгил ҳаёт

кечирган), истаклари сўзсиз бажо этилган инсон характериға нисбатан курашувчанлик, ирода, матонат кучли бўлади. Инсон ҳаддан ортиқ кувонганида ёки ҳаддан ортиқ ғамға ботганида унинг характери, шубҳасиз, ўз аслича намоён бўлади. Бошиға ишқ савдоси тушганида эса ҳам шодланади, ҳам зорланади. Аммо энг муҳими, унинг характери мутлақ гўзал ва нафис хислатлар билан бойийди. Аслида, Лайлида ор-номус юксак даражада. Ниҳоятда одобли ва ахлоқи гўзал. Аммо у ишқ домиға тушди-ю ўзидан айрилди. Ақл-хушидан жудо бўлди. Ишқ уни шу ҳолға солди. Йўқ, балки Лайли ўзини энди топди. У дунёға нима сабабдан келганлигини англади. Ишқ уни юксакларға кўтарди ва руҳини поклади. Энди унга ишқ йўлида чекилган ҳар қандай азоб фақат лаззат бахш этади.

Алишер Навоий достоннинг XIV бобида Лайлининг ҳолатини кўйидагича тасвирлайди:

*Мажмуи қабила уйқу масти,*

*Илло буки, ишқ пойбасти.*

*Беишиқ улусқа ком уйқу,*

*Иш қаҳлигадур ҳаром уйқу.*

Ишқ соҳиблари ўзга олам инсонлари. Чин ишққа етишган ошиқлар эса Аллоҳнинг суйган бандаларидир. Ишқ дардига гирифтор бўлганлар тунларни бедор ўтказди. Сабаби, уйқу улар учун ҳаром. Эл кўзидаги уйқу эса ишқсизликдандир.

Ишқ аҳлининг муродлари висол. Ошиқ маъшукнинг висолиға етгунича турли тўсиқларни бошдан кечиради. Минг турфа ҳолатға тушади. Шундагина ишқи боқий бўлади. Аммо ишқ домиға тушдимиз, энди унинг қонида жунунлик кайфияти кезади.

Мусулмон шарқ оилаларида фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади. Айниқса, қиз боланинг тарбияси билан пухта шуғулланилади. Ёшлиқданок унинг шууриға уят, андиша, номус каби тушунчалар сингдирилади. Ишқ домиға тушган қиз ўт ичра ёнса ҳам, бировға



сездирмаслиги, ҳатто севганидан ҳам сир сақлаши лозим. Аммо Ҳақ ишқига сазовор бўлмоқлик – олий саодат.

Икки дostonда ҳам Лайли ишқ-у ошиқликдан ўзини йўқотар даражага етади. Ишқини сир сақлайди. Бироқ руҳиятидаги жунунлик уни турли ҳолатларга солади.

Лайли боғда гулларнинг орасида худди гул каби кезиб юрарди. Гуллар у билан сирлашмоқ истарди. Аммо Лайлининг кўзига уларнинг гўзаллиги кўринмайди. Бу ҳолат Лайлининг кўнглини пора қилар эди. Хусусан, Ҳазрат Навоийда бу тасвирлар қуйидагича чизилади:

*Ул вақтким ул бути дилоро,  
Гулшан сари бўлди маҳфилоро.  
Бог ичра кезарди ҳар тараф тез,  
Гулларанга очти ишқи хунрез.  
Ким, рози очилди ҳар биридин,  
Балқон иси келди ҳарбиридин.  
Яъники сугурди тиги бебок,  
Кўнгли аро солди чок уза чок.*

Ҳазрат Навоий табиат тасвирини қаҳрамон таърифи, ҳолатига уйғун тарзда қўллаган бўлса, Фузулий Лайлини характерининг яна бир қиррасини табиат ва нарса-буюмлар билан суҳбати орқали очиб беради. Масалан, Лайлининг чироғ билан суҳбати:

*Olmam olur-olmaz ilə dāmsaz,  
Başım kəsilirsə söyləməñ raz.  
Derdim sənə söyləyəm qəmi-dil,  
Səndə dəxi tab yox, nə hasil?  
Doymaz cigərim bu şərhi-razə,  
Ahım gətirər səni gūdazə.  
Bir yarə bu dərdi eylədim faş,  
Olmadı mənə bu yolda yoldaş.*

Мазмуни: Гар бошим кесилса ҳам рост сўзлайман. Сенга дил дардимни сўзлашимдан нима фойда, чунки сен жавоб бера олмайсан-ку? Қанча дард чексам ҳам бу дардга тўймайман. Мен бир ёрга дардимни айтган эдим. Аммо у менга бу йўлда сирдош бўлмади.

Лайлининг ой билан суҳбати:

*Qil şö'leyi-ahimə nəzarə*  
*Gər var isə rəhmin, eylə çarə!*  
*Seyr eylə fəzayi-hər diyari,*  
*Gəz cümleyi-dəştü kuhsari.*  
*Gör qandadır ol mənim pənahim*  
*Şahim, mahim, ümidgahim!*  
*Hali-dilim ona ərz eylə,*  
*Billah, necə gördün isə söylə!*

Мазмуни: Агар заррача раҳминг бўлса, менинг ҳолимга назар солгин. Фалакни кезиб, менинг паноҳим қаерда эканлигини билиб бергин. Уни кўришинг билан менинг дарди-ҳолимни унга билдиргин.

Ошиқ учун, табиийки, севган инсонидан хабар бўлмаса, унинг хаёлида мен эмас, ўзга экан, деган фикр уйғонади. Лайли ҳам сирдошлари билан сўзлашар экан, ҳар суҳбатида сири очилиб, суҳбатдоши билан янада яқинлашиб бораверади. Шу аснода суҳбатлари ҳам бир-биридан кескин фарқ қилади. Сабо билан бўлган суҳбатида “ёрга менинг ҳолимни етказ” деб зорланади. Севганидан гина қилади:

*El qafil ikən bu macəradən,*  
*Sultanə sənə yetir gedadən.*  
*Gör munisü qəmgüsan kimdir,*  
*Bizdən ki usandı, yarı kimdir?*  
*Könlü kimin ilədir təsəlli,*  
*Yadına gəlirmi hiç Leyli?*

Мазмуни: Бу ишқ можаросидан эл хабарсиз экан, сен бориб гадодан унинг султониға ҳамд-у сано етказгин. Қарагинки, ғамдан адо бўлган аслида

кимдир, биздан тоняпти экан, бошқа ёри кимдир? Унинг кўнгли ким билан тасалли топади, Лайли унинг ёдига келадими?

Лайлининг абр (булут) билан бўлган суҳбати эса юқоридаги суҳбатлардан кескин фарқ қилади:

*Ey abr, mənə dəmi vəfa qıl,  
Düşdüş sənə hacətim, rəva qıl!  
... Mən bilməz idim, belə imiş eşq,  
Bir dərdli macəra imiş eşq.  
Derdin ki: “Bəla yolunda fərdəm,  
Eşq içrə sənə şərki-dərdəm.  
Saldın məni-xəstəyi bu halə,”  
Dərdə məni eylədin həvalə!*

Мазмуни: Эй булут, менинг сенга эҳтиёжим бор, сен менга вафо қилгин. Мен ишқнинг бу қадар бало эканлигини, бир дардли можаро эканлигини билмаган эдим. Мени бу хаста ҳолга солиб, мени дард ихтиёрига топшириб кўйдинг.

Кундан-кун Лайлининг дарди ортиб боради. Унинг ҳолати жунунликнинг энг юқори чўққисига етади. Бир вақтлар барчадан яширган сирини оламга фош этади.

Лайли ишқ домига гирифтор бўлди. Унинг дили ва танаси ҳаракатдан тўхтади. Девордаги суратга айланди. Лайлини ҳажр дарди хаста қилди. Аммо бировга оғиз очиб ҳолини айта олмади. Аҳволи шу даражага бориб етдики, у дўст билан душманнинг фарқини билмай қолди. Боиси, у бу йўлда ақлидан, сабридан, дилидан айрилди.

Лайли тўрт нарса билан суҳбат қуради. Суҳбатдан суҳбатга ўтгач, бу дард яна-да орта боради. Ва суҳбатлари давомида аввалгидан-да кўпроқ нажот тилайди.

Биринчи суҳбатда чирокқа дардини айтади. Аммо чирокдан садо чикмайди. Лайли ҳам ишқ оловининг парвонасидир. Шам ва парвона каби у

хам дардини ошкор этса-ю, бироқ уни бир кимса тушунмаса, унда ишқини ошкор этгандан не фойда?!

Иккинчи суҳбатда ой билан сўзлашади. Ишқдан хароб бўлган ҳолини ёрига етказишини айтади. Фалакни кезиб ёрининг аҳволидан хабар беришини сўрайди. Суҳбат давомида ишқ дарди ва озори ортиб боради.

Учинчи суҳбат сабо билан кечади. Ҳолини ёрига етказишини айтади. Лайли бир барг эдики, хазон бўлди. У ишқ озорига чидаши учун Аллоҳдан ўзига сабр сўрайди.

Бу суҳбатлар маъно жиҳатдан бир-биридан кескин фарқ қилмайди. Лайлининг характери ва ҳолатини аниқ очиб бериш мақсадида суҳбатлар бир-бирини тўлдириб боради. Лайлининг дарди, ишқдаги озори суҳбатдан-суҳбатга ўсиб, характерининг энг нозик қирралари очилишида калит вазифасини ўтайди.

Ҳазрат Навоий Лайлининг тилидан унинг характери тавсифини куйидагича келтиради:

*Ким, бағрига хор тиктим экан,  
Не кўкка бошимни чектим эркин.  
Ким, ишқ элига қоттинг они,  
У сарсар ила ушоттинг они.  
Ишқ они ушоткач ошқора,  
Ҳижрон қўлига бериб катора.*

Унинг ишқи шу даражага бориб етдики, ҳатто ота-онасини ҳам унутди. Дўстларининг ўйин-кулгусига парвоси йўқ. Алишер Навоий Лайли характерини турли ҳолатлар орқали тасвирлашга ҳаракат қилади. Яъни мураккаб вазиятларда Лайлининг ўзини тута олиши, гап-сўзлари, ҳатти-ҳаракатлари орқали моҳирона очиб берилади.

Лайли тақдирига битилмиш ишқ унинг камолоти учун хизмат қилади. Лайлини том маънода мукаммал аёл даражасига кўтаради. Шунинг учун ҳам унинг кечинмалари соф инсоний туйғулар устига қурилади. Лайли қалбига бу дардли ишқ юққанидан нолимайди, балки ўзини шундай улуғ сийловга

мушарраф бўлганлигидан фахрланади. Бу фахрланиш дostonда унинг кизлик, маъшукалик вазифаларини адо этишида яққол кўзга ташланади.

Лайли тарбияли, босиқ, отасининг сўзидан чикмайдиган киз. Унинг характери тинч оқаётган сув мисоли сокин. Аммо бу сокинлик шиддат билан ўрин алмашса, бутунлай ўзга қиёфа намоён бўлади. Масалан, Ибн Саломнинг вафотидан кейин Лайлининг қочиб кетиши. Лайлининг характерида бу қадар бўйсунмаслик бўлишига сабаб ишқдир.

Лайлининг характери қанчалар бетакрор бўлмасин, уни шакллантирган асосий унсурлар Мажнуннинг ишқи эди. Мажнуннинг характерини эса ишқнинг ўзи туғма тарбиялаган эди.

Алишер Навоий Лайлининг сирдоши, ёрдамчиси сифатида дoston қахрамонлари таркибига Лайлининг энагасини ҳам киритади. Энага Лайли ва Мажнунга ҳамоҳанг. Лайлининг барча сиридан хабардор. Лайли ва Мажнун ишқига харидор, содда, самимий аёл. Лайли унга ишонади. Лайли ундан оиласида бўлаётган ишларни, яъни Ибн Салом билан боғлиқ вазиятни сўрайди. У жуда ҳолдан толганлигини, озроқ дам олиши учун хонаси эшигида соқчилик қилишини илтимос қилади:

*Лекин эрур ушбу илтимосим,*

*Бир дам тутсанг эшик дапосим.*

*Доя кўзига қўюб илкени,*

*Чиқти даги боғлади эшикни.*

*“Турманг, – деди, – унга яқин ул бу –*

*Ким, кирмиш ул ой кўзига уйқу”.*

Бир лаҳзагина эл менинг олдимга кирмаса-ю, мен ўз дардларимни тортсам. Доя қўлини кўз устига қўйиб, таъзим қилиб чиқди-да, эшикни занжирлади. У одамларга: “Уй яқинига келманг, ой кўзига уйқу келди”, деди. Лайли уйни кишилардан холи кўриб, ёқасини чок-чок этиб, фарёд кўтарди.

Алишер Навоий дostonда Лайли ва энагаси ўртасидаги яқинликни шу тарзда ифода этади. Аммо Фузулий дoston таркибига энага образини киритмайди. Балки, Лайли билан онасининг суҳбатини дostonнинг кўп ўрнида

келтирадики, бу орқали она қизининг характери шаклланишида муҳим рол ўйнашига ишора қилади.

Шунга ўхшаш тасвир Фузулийда ҳам келади. Ибн Саломнинг ўлимидан сўнг Лайли гўё эри учун аза очгандек бўлиб, пинҳон ҳолда Мажнун учун йиғлайди. Достонларда Лайлиларнинг бошига тушган бу каби синовлар уларнинг характери ва руҳиятида туб бурилиш ясаш учун хизмат қилади. Энди уларнинг руҳиятида қатъият ва эркинлик бўй кўрсатди.

Ҳар икки достонда ҳам Лайли кишилардан ҳоли, ҳеч ким билан мулоқот қилмаган ҳолда ўз дарди билан оввора бўлади. Ўзини жамиятдан яккалаб, йўлида учраган тўсиқларни вазминлик билан енгиб ўтишга ҳаракат қилади. Бу эса қаҳрамон руҳияти ва характерини очибгина қолмай, унинг мукамаллашганидан ҳам далолат беради.

Юқоридаги қиёслардан келиб чиқиб, иккинчи боб бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Навоий Мажнун образига шунчалик қаттиқ муҳаббат қўядики, Мажнун образини кейинчалик “Садди Искандарий” (XXXIII ва LXVI бобларда), “Лисонут-тайр” (CXXXI, CLXVIII ВА CLXXIII бобларда) достонларида ҳам муҳаббат билан тасвирлайди. Шунингдек, шоир лирикаси ҳам бу образ талқинидан айро эмас. Алишер Навоий Мажнун тимсолида комил инсонни мадҳ этади. Шоирнинг ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишар эканмиз, Мажнун аслида Навоийнинг ўзи деган хулосага келамиз.

2. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида Мажнун 8 марта ҳушидан кетса, Фузулий достони қаҳрамони уч маротаба ҳушдан кетади. Навоий достонида бу мотив тасаввуф фалсафаси билан чамбарчас боғлиқ, Фузулий эса бу ҳолатга муайян маъно юкламайди, уни сюжет таркибидаги бир воқелик тарзида баён этади.

3. Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулий достонларининг асоси халқ оғзаки ижодига бориб тақалади. Мажнунларнинг ота-онаси томонидан узок қутилган фарзанд эканлиги, уларнинг алоҳида қобилият билан дунёга келиши,

исмларининг ўзгариши “Алпомиш” достонининг сюжети билан муштараклик касб этади.

4. Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун” таркибига Мажнуннинг туш мотивини киритар экан, тушни шунчаки хабар эмас, балки турли рамзлар воситасида ўқувчига тақдим этади. Мажнун достон давомийлигида икки мартаба туш кўради, унинг туши аниқ ҳодиса-халокатдан дарак беради ва икки ҳолатда ҳам у сархуш (ёрнинг ишқи билан маст) бўлади.

5. Фузулийнинг достонида Мажнун бирор марта ҳам туш кўрмайди. Мажнунга воқеа-ҳодисалар туш орқали эмас, балки Зайд, сайёҳ орқали билдирилади. Аммо достонда Зайднинг туш лавҳаси бор.

6. Алишер Навоий Лайли характериға хослар нуқтаи назаридан ёндашган бўлса, Фузулий Лайлини оммаға яқин услубда тасвирлашға ҳаракат қилган. Алишер Навоий асарида Лайли характери кўпроқ Мажнун билан ёзишган мактубларида, ўз-ўзи билан суҳбатида акс этган бўлса, Фузулий достонида Лайли характери онаси билан суҳбатида, табиат ва ундаги ашёлар билан мулоқотида намоён бўлади.

7. Лайли руҳияти тасвири икки достонда бир-бириға мутаносиб экани кузатилади. Ушбу тасвир ҳар иккала достонда психологик омиллар орқали очиб берилган. Фақат Алишер Навоий достонида Ибн Салом билан Лайли никоҳи воқеасидан кейин образ руҳиятида кескин ўзгариш сезилади. Бобданбобға ўтган сайин Лайлидаги ишқ тобора кучайиб, мукаммаллашиб боради.

### III БОБ. ДОСТОНЛАРДА БАДИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

#### 3.1-§. Мактуб ва ғазаллар – дostonлар бaдииятининг ажралмас бирлиги сифатида

Чинакам бадиий асар, энг аввало, ижодий-рухий фаолият ҳосиласи сифатида сўз санъатининг шакл ва мазмун уйғунлигида яратилган намунасидир. Асар мазмунига мос шакл яратиш ҳар доим жуда мураккаб ва кўпинча узоқ давом этадиган жараён бўлиб, ёзувчидан катта ижодий кучни, фаол бадиий тасаввурни ва юксак бадиий маҳоратни талаб қилади<sup>77</sup>. Айниқса, бадиий маҳорат ижодкорнинг индивидуаллигини, тахайюл ва тафаккур даражасини, бадиий адабиёт майдонида яшовчанлик даражасини белгилаб берувчи омилдир.

Шу маънода Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonлари бадиий жиҳатдан юксак асарлар бўлиб, хамсананавислик тарихида ўзига хос бетакрор ўринга эга. Агар Навоий ўз дostonида анъанавий маснавий шакли воситасида ижодий-эстетик ва бадиий ниятини акс эттирган бўлса, Фузулий маснавий шаклига кўшимча тарзда мумтоз лирик жанрлар воситасида Лайли ва Мажнун қиссасини туркий тилда янги поғонага кўтарди.

Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonининг бадиий хусусиятлари, дostonдаги хронотоп поэтикаси билан боғлиқ масалалар адабиётшуносликда муайян тарзда тадқиқ этилган<sup>78</sup>. Биз бу ўринда дostonлар композициясида муҳим ўрин тутувчи ва муаллифларнинг ижод концепциясини белгилаб берувчи айрим жиҳатларга тўхталиб ўтамиз.

Ҳар икки дostonдаги Лайли ва Мажнунларнинг бир-бирига ёзган мактублари дoston воқеалари ривожини таъминлаб бериш билан бирга

<sup>77</sup>Поспелов Г.Н. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 1978. – С. 67.

<sup>78</sup> Бу ҳақда қаранг: Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т., 1963; Аҳмедов Т. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonи. – Т.: Фан, 1970; Жўракулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси. – Т.: ТУРОН-ИҚБОЛ, 2017.



ижодкорларнинг бадий маҳоратларини кўрсатиб берувчи муҳим мезон ҳисобланади.

Маълумки, нома адабий жанр сифатида ўзбек ва форс мумтоз адабиётларида яратилган, реал ёки ҳаёлий тўқима шахсга асосан шеъринг мактуб тарзида ёзилган бадий асар тури. Фахриддин Гургоний (11-аср), Авҳадий (1274-1338), Хожа Имод Кирмоний (14-аср)лар форс адабиётида нома жанрига асос солиб, уни ривожлантирганлар. Ўзбек мумтоз адабиётида нома жанрининг пайдо бўлиши Хоразмий номи билан боғлиқ. Унинг “Муҳаббатнома” асари (1353-54)дан охиқнинг ўз ёрига йўллаган 11 та мактуби ўрин олган. Кейинчалик Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”си таъсирида яратилган Хўжандийнинг “Латофатнома”, Сайид Аҳмаднинг “Таашшуқнома”, Юсуф Амирийнинг “Даҳнома” асарларида ҳам нома жанри анъаналарига риоя қилинган бўлиб, уларнинг барчаси бир хил вазнда, маснавий шаклида ёзилган.

Дастлаб ҳар икки дostonдаги Мажнунларнинг Лайлиларга битган мактубларини қиёсий жиҳатдан таҳлил қиламиз. Мактублар ижодкорлар танлаган ва дoston воқеалари ривожига олиб борувчи энг мақбул йўлдир, чунки айнан шу йўл орқали охиқ-маъшуқларнинг том маънодаги ўзаро мулоқоти намоён бўлади. Алишер Навоий дostonининг XXVII бобида Мажнуннинг Лайлига ёзган мактуби келтирилган. Мажнун ўз мактубини Тангрининг номи билан бошлайди. Унинг қудрати, улуғлигини мадҳ этади:

*Ул Тенгри оти била бу нома  
Ким, ишқ элидин кўтарди хома.  
Фардики, йўқ аввал ибтидоси  
Ҳаййики, йўқ охир интиҳоси.  
Тог балчиги узра жола ургон,  
Кум туфроғи узра мола ургон.  
Ҳар кимники айлабон парирўй,  
Таън айлаган анга одату хўй.  
Ҳажр эмгокини қатиг яратқон,*

*Ғам шарбатини ачиг яратқон.*

Тўққиз байтдан иборат бу ҳамда Навоий Мажнун тилидан Тангрини улуғлар экан, феълнинг сифатдош шакли воситасида (жола урғон, яратқон, айлаган, қилғон...) унга таъриф беради, ишқнинг машаққатларидан ёзғиради, ошиқнинг иши мудом изтироб, маъшуқ эса бераҳм ва жафокор эканлигига урғу қаратади. Натижада, Яратганга берилган таъриф сифатлаш санъати воситасида ошиқликнинг азалий шеvasини акс эттиради.

Достонга мактубларнинг киритилиши тасодифий бўлмай, муайян ижодий-эстетик функцияга эга. Гап шундаки, достондаги воқеалар давомида Лайли билан Мажнун бемалол гаплаша олмайдилар. Бир-бирларига кўзлари тушганда, тилларига сўз келмайди. Мажнун Лайли жамолига тоқат қилолмай, хушини йўқотаверади. Шу сабабли улар мактуб орқали хотиржам мулоқот қиладилар ва икки ошиқ тафаккуридаги тугунлар шу мактублардаги жавоблар орқали ечилади. Натижада, воқелик сўнгида икки ошиқнинг бир-биридан гинаси қолмайди, шубҳа-гумонлар барҳам топади.

Мажнун мактуб давомида ўз дардини баён этар экан, ўз ишқидан мамнун бўлади. Қанча ситам етказса-да, Лайлидан нолимайди. Балки, Лайлининг тимсолида Ҳақнинг жамолини кўриб, унга тобора шайдо бўлиб бораверади:

*...Мендинки ичим гамингда қондур,*

*Сангаки гаминг танимда жондур.*

*...Не ҳаддим ила дуо дегаймен,*

*Юз мадҳ била сано дегаймен?*

Мактубда Мажнун Навфал воқеасига изоҳ беради. Лайли уни ноҳақ айблаганидан гина қилади:

*Ким: “Тортиб иков сипоҳи хунрез,*

*Хайлим сари тиг чектингиз тез”.*

*Аллоҳ-Аллоҳ, бу не балодур,*

*Ким риштани дерки аждаҳодур.*

*Пашиа киму пиллик хаёли,*

*Ё мўрға шерлик мажоли.*

Мактуб орқали Мажнун Лайлига Ибн Салом воқеасини ҳам эслатиб ўтади:

*Навфал сўзиким қилиб эдинг забт,  
Мендин эмас эрди воқеъи ул хабт.  
Ул ишқу жунундин ўлди ҳодис,  
Сен ишқ била жунунга боис.  
Ўйланмак ишики нисбат этдинг,  
Бизга ўз ишингни тухмат этдинг.*

Муҳаммад Фузулий достоннинг “*Bu, Məsnundan Leyliyə bir nameyi itabamizdir və peyg‘ami-şikayətəngizdir*” бобида Мажнуннинг Лайлига ёзган мактубини келтиради. Фузулий достонида Мажнун Зайд орқали Лайлининг Ибн Саломга турмушга чиқаётган хабарини эшитиб, Лайлига мактуб ёзади. Мазкур мактуб ҳам Аллоҳга ҳамд айтиш билан бошланади. Навоий достонидаги Мажнуннинг мактубидан фарқли ўлароқ, унда ҳамд хажман кичик, 3 байтдан иборат. Шунингдек, унда фақат Аллоҳнинг улуғлиги мадҳ этилади, ишқ билан боғлиқ изтироблар баён этилмайди:

*"Dibaçeyi-namə nami-Mə'bud,  
Qəyüümü qədimü həyüü mövcud.  
Ol perdəkəşi-hicabi-əsrar  
Kim, aləmi yoxdan eylədi var.  
Gün güzgüsün eyləyən mücəllə,  
Dün türrəsin eyləyən mütərrə...*

Мактуб матни тўғридан тўғри Мажнун изҳорлари билан давом этмайди, ўртада боғловчи кўприк сифатида муаллиф гапидан фойдаланилади:

*Çün bir neçə həmd toxmun əkdi,  
Dərdi-dilini bəyanə çəkdi.*

Навоийда Мажнун не ҳол юз бермасин, Лайлини ҳеч бўлмаса, ишқи билан асрашга, уни тушунишга урунади. Фузулий достонида эса Мажнун Лайлига кўп таъна қилади, уни жафокорликда, ишқига вафо қилмасликда айблайди:

*Ey əhdə vəfası olmayan yar,  
Əğyarimə gül olan, mənə xar!  
Noldu sənə nəqzi-əhd qıldın?  
Sındırmağa əhdi cəhd qıldın.  
...Mütləq güzər eyləməm oldu,  
Məndən xəbər eyləməm oldu?  
...Zahirdə mənimlə olasan yar,  
Batində tutasan özgə dildar.*

Мазмуни: Эй ахду-вафоси ёлғон ёр! Сен душманга гул тутиб, менга тиканни раво кўрдинг. Сенга нима бўлдики, ахдингни бузмоққа қарор қилибсан? Мендан хабар олмайдиган бўлдинг. Зоҳирингда ўзингни менга ёрдек тутасан-у, аммо ботинингда мақсадинг ўзга ёр билан бўлиш...

Шу тариқа мактуб Мажнун тилидан Лайлига қарата айтилган таъна-дашномлар, гина-кудурат оҳангида давом этади.

Мактуб сўнгида Мажнун тилидан бир мураббаъ ҳам келтирилган. Мураббаъ 7 банддан иборат бўлиб, унда Мажнун ўз номасида баён этганларини мантиқий давом эттиради:

*Ləhzə-ləhzə müddəilər pəndini guş eylədin,  
Qanə-qanə qeyr camī-şövqümi nuş eylədin,  
Verə-vərə əhdü peymanı fəramuş eylədin,  
Qanı, ey zalım, bizimlə əhdü peyman etdigin!?*

Мазмуни: Ҳар лаҳза рақибларнинг пандига қулоқ тутдинг, ёт жомлардан шавқ билан симириб қондинг. Бизнинг қилган аҳдларимизни ёдингдан чиқардинг. Қани, эй золим биз билан аҳд-у паймон этганинг.

Мақтаъда Фузулий ғоят усталик билан ўз таҳаллусини келтириб, гўё Мажнун тилидан Лайлига қарата “Бу айрилиқда аҳволимиз Фузулийникидан ҳам абгорроқ” демоқчи бўлади:

*...Və'deyi-vəsl ilə aldın səbrimiz, aramız,  
Olmadı bir gün vüsalından müyəssər kamımız,*

*Keçdi hicr ilə, Füzulidən betər əyyamımız,  
Qanı, ey zalım, bizimlə əhdü peyman etdigin!?*

Мазмуни: Висолни ваъда қилиб бизни сабр ва оромимизни ўғирладинг. Оғзимиз бир кун бўлса ҳам висолингга муяссар бўлмади. Кунларимиз Фузулий айёмидан ҳам баттар хижронда ўтаяпти.

Мураббаъ вазн нуқтаи назаридан дostonнинг умумий ритмидан фарк қилади. У рамал баҳрининг рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган. Бу ўлчов Мажнун тилидан айtilган шикоят ва таъна-дашномларни ифодалаш учун мос келганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Боб сўнгида мураббаъдан кейин “Тэмамийи-сўхэн” келади. Унда Мажнуннинг хатини Зайд Лайлига етказгани, Лайли хатнинг мазмунини билиб, жавоб ёзишга киришгани ҳақида баён қилинади.

Алишер Навоий дostonнинг XXVI бобида Лайлининг Мажнунга битган мактубини келтиради. Мазкур мактуб Лайлининг руҳий ҳолатини очиш ва ижодкор бадий маҳоратини кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга. Лайлининг мактуби ҳам Аллоҳ ҳамди билан бошланади. Мажнун мактубидаги ҳамддан фарк қилиб, унда параллелизмлар муҳим ўрин тутаяди. Яъни ошиққа нисбатан булбул, парвона ташбеҳлари қўлланилган байтларда маъшуқага параллель равишда гул, шамъ сифатлари берилади. Агар Мажнун мактуби ишқ эли тилидан қалам кўтартирган Тангри номи билан бошланган бўлса, Лайлининг мактуби кўнгилга ишқдан нур берган Тангри номи билан ибтидо топади:

*Ул Тенгри оти била бу манишур  
Ким, берди кўнгулга ишқдин нур...  
... Булбулники қилди зору гамнок,  
Гул кўнглагини ҳам айлади чок.  
Парвона гудозу сўзи андин,  
Ўт шамъга доғи рўзи андин».*

Мактуб билан танишар эканмиз, унда аёл қалбининг нозик титроқлари, ҳадиклари, беозор таъналари-ю покиза ишқининг гувоҳи бўламиз. Лайли дилидагини тилига чиқариб, ўз туйғуларини баён қилиб бўлгач, кўнгли

бўшаганидан бироз енгил тортади-ю, дарҳол ёрнинг кўнглини ранжитмадиммикин, деган хавотирга тушади:

*Эй ишқ ўтида хасим, нечуксен,  
Эй бедилу бекасим, нечуксен?  
...Сенсизки гамим даме кам эрмас,  
Сендин гар эмас кўп, оз ҳам эрмас.*

“Лайли дардкашлик билан Қайсдан ҳол-у аҳвол сўрайди. Лайлининг ўз севгилисига қилаётган мурожаати Қайсга меҳру шафқат билан тўлиб тошган. Аини замонда қиз Қайсдек муносиб ошиқнинг унга бўлган муҳаббати билан ифтихор қилади. Лайли Қайснинг айрилиқда чекаётган азобларини тўла ҳис этади, унинг жароҳатларига ўзининг шафқат ва ҳамдардлиги билан, бу чин севгидаги садоқати ва вафодорлиги билан малҳам қўймоққа интилади. Лайли Қайснинг ўзиники эканини қайта-қайта такрорлайди. Лайлининг ўз Қайсига қарата айтаётган юрак сўзлари қиз муҳаббатининг кучи, унинг бу севгидаги битмас-туганмас садоқатининг изҳори эди”<sup>79</sup>.

Лайли ўз мактуби орқали Мажнуннинг шундай ҳазин ҳолатини аниқ тасаввур қилади. Унга ҳамдард бўлади. Ошиғи учун куюнади. Лайлининг мактуби шундай соф ва самимий туйғулар устига қурилганки, мисраларда қизнинг кўнгли нақадар пок, эзгуликларга бой эканлигига гувоҳ бўламиз:

*Эй ҳажрим ўтида гар бўлуб кул,  
Ҳар шуъла лўрунубон анга гул!  
Эй хори гамимни жонга урғон,  
Гулбонгин анинг жаҳонга урғон!  
...Бўлсун санга бахт ёру ёвар,  
Биллаҳ, манга тушмади бу бовар.*

Навоий Лайлининг мактуби орқали аёл кишининг нозик туйғулари, кечинмаларини баён қилиш баробарида Лайлининг характери ва руҳий ҳолатини очиб беради. Лайлининг мактуби нидо санъатининг етакчилиқ

---

<sup>79</sup> Қаюмов А. Ишқ водийсининг чечаклари. – Т: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 1985. – Б. 55.

қилиши билан характерланади. Навоий достонидаги ҳар икки мактуб достоннинг умумий поэтик қонун-қоидалари (вазн, қофияланиш тизими)га мослаштирилган нома жанрининг бетакрор намуналаридир.

Муҳаммад Фузулийнинг достонида эса Лайлининг мактуби Мажнун мактубига жавобдир. У шундай сарлавҳага эга: “*Bu, Leylinin Məcnuna Peyğami-Cavabidir Və Üzrü İtabidir*”. Навоий достонидан фарқ қилиб, Фузулийда илк мактуб Мажнун томонидан битилган эди. Лайлининг мактуби ҳам Аллоҳ улуғланган мисралар билан бошланади. Мажнуннинг мактубидан фарқ қилиб, унда муаллиф иштирок этмайди, ҳамдан сўнг дарҳол мактуб матни бошланади.

*Me'mari-binayi-əqdü peyvənd,  
Vəhhabi-ətayi-malü fərzənd.  
İzhari-vüçud edən ədəmdən,  
İcadi-hüdüd edən qidəmdən,  
Məşşateyi-şahidi-zəmanə,  
Sultani-bülənd asitanə,  
Bu naməki, bir figardəndir,  
Yə'ni məni biqəradəndir,  
Bir sahibi-izzü e'tibarə,  
Yə'ni Məcnuni-dilfigarə.*

Лайли Мажнуннинг олдида ўзини айбдор ҳис этиб, ундан узр сўрайди. Ўзини бозорда гавҳар каби сотилаётгандек ҳис этади. Агар ихтиёрим ўзимда бўлганида , бу гавҳарга сендан ўзга харидор бўлмас эди, - дейди:

*Hər tə'nə ki, eyləsən rəvadır,  
Səndən xəsiləm, üzüm qaradır.  
Ya atavü ana eylərəm yad?  
Ya söhbəti-həmnişinü həmzad.*

Мактубда Фузулий Лайлининг ҳолатини тасвирлар экан, қалбидаги дарди сабаб унинг на ота-она насихати, на дўстларининг ўйин-кулгусига эътибори йўқлигини, дунё хурсандчиликлари кўнглига сиғмаслигини реал,

дунёвий манзара орқали чизиб беради ва мактуб сабаб Мажнун кўнгил қўйган маъшуқа илоҳий мазҳар эмас, дунёвий гўзал эканлигига гувоҳ бўламиз.

Фузулий ўз ижодий анъанасига содиқ қолган ҳолда мактуб сўнггида Лайли тилидан бир мураббаъ келтиради. Мураббаъда Лайлининг характери, руҳий аҳволи янада ёрқин жумлалар орқали очиб берилади:

*Təbibī-eşqə çün izhar qıldım dərđi-pünhanı,  
Məni-bimarə mütləq olmadı bir səhhət imkanı,  
Əzəldən var mīn dərđim ki, yoxdur hiç dərmanı,  
Bu yetməzmi ki, bir dərđ artırırsan dərđimə sən həm?*

Мазмуни: Сир сақлаган дардимни ишқ табибига изҳор қилдим. Мендек беморга бу дарддан тузалмоқ имкони бўлмади. Менинг бу дардим эски, унинг ҳеч дармони йўқ. Менга шунинг ўзи етмасмиди, сен ҳам дардимга дард қўшасан?

Мазкур мураббаъ ҳам 7 банддан иборат. Мажнун тилидан айtilган мураббаъдан фарқли ўлароқ, у аруз тизимининг сокин вазнларидан бўлмиш *Ҳазажи мусаммани солим* вазнида битилган. Бу ўлчов Лайлининг руҳий ҳолатини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Мураббаъ охирида келтирилган “Тамоми суҳан” (сўз якуни)да Фузулий Лайли мактубинининг Зайд орқали Мажнунга етиб боргани ҳақида ҳикоя қилади.

Кўринадики, Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonларида келтирилган мактублар ҳар икки ижодкорнинг бадий маҳоратини ўзида намойиш этиш билан бирга қаҳрамонлар характерини очишда ҳам ўзига хос аҳамият касб этади.

Аввалроқ таъкидлаганимиздек, Фузулий дoston таркибида келтирган ҳар бир лирик жанрга алоҳида маъно юклайди. Улардан қаҳрамонлар руҳияти, характерини очишда, дoston воқеаларининг ривожини, туйғулар баёнини келтиришда моҳирлик билан фойдаланади, натижада, ушбу жанрлар китобхон учун дoston бобларининг моҳиятини англашда очқич бўлиб хизмат қилади. Айниқса, дoston таркибига киритилган ғазаллар қаҳрамоннинг ҳис-туйғулари, руҳияти, фикр ифодавийлиги ва воқеаларнинг жонли чиқишига катта таъсир



килади. Ғазалларнинг хажми турлича. Улар боблар якунида келтирилган бўлса-да, асосий матнни тўлдириш, китобхонга қахрамонлар руҳиятини сингдиришда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, достоннинг “*Bu, Məsnuna anası pənd verdigidir və bustani-mələmətdən xari-nəbamət dərdigidir*” бобига илова қилинган ғазал 14 байтдан иборат бўлиб, қуйидаги матлаъ билан бошланади:

*Can vermə qəmi-eşqə ki, eşq afəti-candır,  
Eşq afəti-can olduğu məşhuri-cahandır!*

Унда Фузулий ишқ дардига мубтало бўлган кишига ғам ҳамроҳ бўлишини, ишқ оғир юк эканлигини, киши кўнгил бермиш ҳар бир гўзал унинг жонига қасд қилгувчи қора илондек эканлигини айтиб, ишқдан эҳтиёт бўлишни сўрайди. Шоирнинг фикрига кўра, ишқ дардига учраган кишининг бағри қондир. Агар сенга Фузулий “гўзалларда вафо бор”, деб айтса, ишонма. Чунки шоирнинг сўзи ёлғондир:

*Gər dersə Füzuli ld: "Gözəllərdə vəfa var",  
Aldanma ki, şair sözü, əlbəttə, yalandır.*

Фузулийнинг бу ғазалида дунёвий ишқ ва унинг инсонни ғамнок қилиши ҳақида гап кетади. Шоир бу билан дунёвий ишқ ўткинчи, сени манзилга етказгувчи ишқ эса Аллоҳга бўлган муҳаббатингдир демоқчи.

Ушбу фикрлар ғазалда шоҳбайт даражасига кўтарилади

*Eşq içrə əzab olduğun ondan bilirəm kim,  
Hər kimsə ki, aşıqdir, işi ahü fəğandır!*

Достон давомида Фузулий жуда кўп ўринларда дунёнинг ўткинчилигидан шикоят қилиб, гуноҳларининг авф этилишини сўраб ўкинади. Ўз фикрларини достон қахрамонлари тилидан баён этади. Юқоридаги ғазал ҳам Мажнуннинг онаси ўғлининг ишқидан хабар топиб, унга насиҳат қилгани ҳақидаги бобнинг мантиқий давоми бўлиб, бу билан Фузулий гўё бобда кўтарилган масалани хулосалайди.

Ғазалда мумтоз қофиянинг ридфи аслийли мурдаф тури қўлланилган: жондир, жаҳондир, зиёндир, илондир, ёмондир, фиғондир, қондир, ёлғондир.

Равийдан олдин келган чўзиқ “о” унлисига хос ритмик оҳанг ошиқ изтиробларини баён қилишда шоирга қўл келган. Ғазал шу ритмга мос келувчи Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф (мафъувлу-мафоййлу-мафоййлу-фаувлун) вазнида битилган. Фузулий ғазалда тадриж, ташбих, қайтариш каби шеърий санъат турларидан моҳирлик билан фойдаланади.

Мажнуннинг тилидан айтилган ғазал эса “Bu, Məsnuni-biçarənin Kə'bəuə üz urduğudur və münacatla sevdasi artdığıdır” бобига илова сифатида киритилган бўлиб, 16 байтдан иборат. Қуйидаги матлаъ билан бошланади:

*Ya Rəb, bəlayi-eşq ilə qıl aşına məni!*

*Bir dəm bəlayi-eşqdən etmə cüda məni!*

Мазмуни: Ё Раб, мени ишқ балосига ошно қилгин ва ундан айирмагин. Мендан иноятингни аяма, ишқ бобида бундан кўп балоларга мубтало қилсанг ҳам розиман.

Маълумки, мазкур бобда Мажнуннинг отаси ўғлининг дардига даво истаб, уни Каъба зиёратига олиб боргани тасвирланган. Муножот йўсинида битилган ушбу ғазалда Мажнун Аллоҳдан уни сўнгги нафасигача ишқ балосига гирифтор қилишини, зеро, у ишқ балосини истар экан, бу бало уни иташини сўрар экан, нигорининг хуснини яна-да зиёда қилишини ва ўзини унга кучлироқ ошно қилишини ўтинади. Ғазалда ошно, жудо, мубтало, бало, бевафо, мубтало, фано, сабо каби оҳангдош сўзлар муқайяд қофиянинг очиқ бўғинли турини ҳосил қилган ва натижада ушбу қофия ва ғазалдаги радиф унинг шеърий ўлчовини ҳам белгилаб берган. Ғазалнинг вазни Музорейи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф бўлиб, рукнлари мафъувлу-фоилоту-мафоййлу-фоилундир. Ғазалда қўлланилган тадриж, ташбих, нидо, тазод каби бадий санъатлар Мажнуннинг Каъбадаги руҳий ҳолатини очиб беришга хизмат қилган.

Достоннинг “Bu, Leylinin əbr ilə izhari-niyazidir və eşq babında kəşfi-razidir” бобига илова тарзида Лайлининг тилидан бир ғазал келтирилган. У қуйидаги матлаъ билан бошланади:

*Eşq daminə giriftar olalı zar olubam,*

*Nə bəladır ki, ona böylə giriftar olubam?*

Ғазал “олубам” (ўлибман) радифли бўлиб, 14 байтдан иборат. Унда шоир Лайлининг тилидан шундай дейди: Ишқ савдоси бошимга тушганидан бери бу балога берилиб кеттим. Тилим гапиришдан, вужудим ҳаракатдан тўхтади. Қувватим йўқ, ҳеч кимга дардимни тушунтириб беролмайман. Ғам уйининг деворига айландим. Ёрнинг ҳажри билан хаста бўлдим. Ҳаракатларим сабаб шундай бир ҳолга келдимки, ёрга душман, душманга ёр бўлдим. Эй гул, энди сенга ошиқман, демайман. Зеро, сенга бўлган севгимни ифодалайман деб хор бўлдим. Бу йўлда ақлим, сабрим, тилим ва динимдан айрилдим. Юким ниҳоятда оғир...

Фузулий аёл кишининг руҳий ҳолатини шундай маҳорат билан очиб берадики, гўё бу мисралар аёл шоира томонидан ёзилгандек тасаввур уйғотади. Ғазалдан шундай хулоса келиб чиқади: Лайли ишқ ортидан девонага айланди. Энди унга Мажнун ишқидан бўлак неъмат керакмас. Жони, руҳи бу дарддан қанчалик изтироб чекмасин, ундан қийноқ эмас, лаззат топади.

Ғазалдаги

*Həzərim tə'nədən ol qayətə yetmişdir kim,*

*Yarə əğyar olub, əğyarım ilə yar olubam.*

байти шоҳбайт даражасига кўтарила олган. Ғазал *Рамали мусаммани махбуни маҳзүф* вазнида ёзилган. Рукнлари фоилотун-фаилотун-фаилотун-фаилун афойилларидан иборат. Ғазални дostonдаги бошқа ғазаллардан ажратиб турувчи жиҳатлардан бири унда *таиҳис* санъатининг етакчилики қилишидир.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий ва Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonларида келтирилган ошиқ-маъшукларнинг мактублари ижодкорлар бадий маҳоратини кўрсатувчи омиллардан бўлиб, улар композицион қурилиши, дostonда келтирилган ўрни, бадий функцияси жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Агар Навоий дostonида аввал Лайлининг мактуби келтирилиб, унда аёл қалбининг нозик товланишлари Мажнунга қарата айtilган гинаомуз сатрларда акс этирилган ва Навоийнинг

Мажнуни ушбу нозикликка фақат садоқат ва назокат билан жавоб қайтарган бўлса, Фузулий достонида аввал Мажнун Лайлига мактуб ёзиб, уни бевафоликда айблагани, Лайли эса Навоийнинг Мажнуни каби йўл тутиб, унга назокат билан жавоб мактуби битганига гувоҳ бўламиз. Навоий достонида учрамайдиган, Озарбайжон шоирининг ўзига хос ижод позициясини намоён қиладиган ғазал ва мураббаълар эса қаҳрамонлар руҳий ҳолати ва воқеалар ривожига мутаносиб равишда битилганки, улар орқали китобхон ошиқ-маъшуқларнинг изтиробларига шерик бўлади, уларнинг туйғуларини ўз қалбига кўчиради, бошқача айтганда, асар қаҳрамонлари билан бирга яшай бошлайди. Ғазал ва мураббаъларда ҳар бир воқелик ва қаҳрамонлар руҳиятига мос равишда турли шеърӣ ўлчовлар ва қофиялардан фойдаланганлиги ижодкор бадиий маҳоратини кўрсатувчи яна бир омилдир.

### **3.2. Табиат тасвири ва руҳият муносабати**

Бадиий адабиётда табиат тасвири адабий воқеликнинг ажралмас бирлиги сифатида муҳим аҳамиятга эга. Аксарият ҳолларда қаҳрамон руҳияти табиат тасвири билан уйғун ҳолда тасвирланади. Бу ижодкорлар томонидан ўйлаб топилган нарса эмас, балки объектив амал қилувчи қонуниятдир. “Бунда жой тасвири (ундаги «ранг»лар) персонаж руҳияти билан уйғунлик касб этиши ҳам, унга контрастли фон бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин; қаҳрамон руҳиятидан ўтказиб берилган пейзаж эса унинг айни дамдаги ҳолатини тасвирлаш воситаси (мас., «Ўткан кунлар»даги ҳайдалган Отабек кўзи билан кўрилган тол) бўла олади<sup>80</sup>”. Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун” достонида табиатнинг уч фасли: баҳор, ёз, куздан рамзий фон сифатида фойдаланар экан, сюжет воқеаларини шу уч фасл хусусиятларига мослашга интилади. Масалан, бош қаҳрамонларнинг гулшандаги илк учрашувини тасвирлашда баҳор фаслига хос кўтаринки ва ёрқин тасвирлардан

---

<sup>80</sup> Қаюмов А. Ишқ водийсининг чечаклари. – Т: Фафур Гулом номидаги НМИУ, 1985. – Б. 55.

фойдаланади. Атроф чаманзор, воқеалар ривожига эса боғда, гулзорларда акс этади. Тасвир кўзни қамаштирувчи, кўнгилни яйратувчи бўёқлар орқали акс эттирилади. Айниқса, яшил рангга алоҳида урғу берилади:

*Меҳр истади чун ҳамал фароғи,  
Дашт узра бутар қўзи қулоғи.*

*Гул шамъи ҳавойи гулшан айлар,  
Гулшанни фуруғи равшан айлар.*

*Тўти бўлурига чарх этар завқ,  
Ким қавси қузаҳни айлағай тавқ.*

*Гар тўти ўлурга қилмас оҳанг,  
Айлар нега ерни тўтағи ранг.*

*Ё тўти ўлуб сипеҳри хазро,  
Бўлур анга жўжа фарши забро.*

Ёки достоннинг XII бобида шоир бошқа болаларга қўшилиб сайр қилиб юрган Лайли ва Мажнунни тасвирлайди. Уларнинг қалбига ишқ ҳаяжон ва оғриқ солган бўлса-да, бу изтироб ул икки ошиққа висол ваъда қилар ва роҳат бағишларди:

*Бог эрди васиу, халқ-сойир,  
Ашжор гулуси элга сотир.  
Гулбун чаманининг иттисоли.  
Ишқ аҳлига пардаи висоли.*

Достоннинг 25-бобида эса Мажнуннинг Лайлидан айрилиб, жазирама саҳрода тентираб юргани билан боғлиқ воқеалар ёз фаслига хос тасвирлар асосида баён қилинади:

*Ким, етти чу ул даманга Мажнун  
Ким, сайр этиб эрди меҳри гардун.*

*Кун туш эдию тамуз фасли,  
Жавзо била меҳр тоб васли.*

*Кун гарм бўлуб ҳалок жонга,  
Лайли киби ўт солиб жаҳонга.*

*Ҳар елки эсиб ҳароратомез,  
Мажнун дамидек жароҳатангез.*

*Тинмай югуруб қуюн тагидин,  
Қум узра аёғи куймагидин.*

Достоннинг аини шу бобида Мажнун руҳияти юксак камолот чўққисига эришади. Унинг жунуни ортиб, ўзини ишқнинг қўлига топшириб қўяди. Энди у аросатдан қутулади ва батамом Ҳақ ишқига эришади:

*Хуршед ҳароратидин анжум,  
Ер сояси остида бўлуб гум.*

*Кўк табъига чун ҳарорат ошиб,  
Жисмига шафақдин ўт тудошиб...*

Достонда табиат тасвири қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини ифода этиш воситаси сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Агар қаҳрамонларнинг кайфияти кўтаринки бўлса, боғлар, гулзорлар, гуллар, булбуллар тасвири баҳор фасли билан уйғун ҳолда жонлантирилади. Мободо, қаҳрамон чигал вазиятда бўлса, машаққатлари ортиб, руҳий тушкунликка тушиб қолса, бу хилдаги вазиятлар куз фасли, дарахтларнинг сарғайиши, табиатнинг ночор аҳволдаги кўриниши, саҳро тасвири билан ифодаланади.

Адабиётшунос У.Жўракулов достондаги хронотоп поэтикасини тадқиқ қилар экан, саҳро масаласига алоҳида эътибор қаратади. Унинг фикрича,

“сахро ва ошиқ ўртасида узвий бир муносабат бор. Булар: ёлғизлик, заъфаронлик, ҳарорат, чексизлик ва улуғворликдир. Навоий ошиқ ва саҳрони ягона хронотоп доирасида тасвирлар экан, бу икки табиат ҳодисаси аро ташқи гармонияни алоҳида таъкидлайди... Сахро кундуз кунлари ниҳоятда иссиқ, тунлари эса ҳаддан ташқари совуқ. Унда гоҳ килт этган шабадани ҳам топмайсиз, баъзан эса қутурган бўронлар кўнглингизга ваҳима солади. Сахро гоҳ меҳрибон онага, гоҳ ваҳшатли қотилга ўхшайди. Сахрога хос хаотик табиат мана шу жиҳатлари билан ошиққа, ошиқнинг айнияти бўлган мажнунликка, жунун ҳолатидаги ошиқнинг биологик хусусиятларига том маънода мос келади”<sup>81</sup> . Дарҳақиқат, Мажнун достон воқеалари давомида руҳан тушқунликка тушган пайтлари, Лайли жамолини қўмсаган пайтлари сахро томон қадам қўяр, унинг жунуни шу ерда сокинлик топар эди:

*Андин сўнг ашқидин тўқуб сайл,  
Сахро сори чун қилур эди майл.*

Достоннинг XXXV бобида табиат тасвирининг воқелик билан уйғун ҳолдаги баёнига назар солсак. Боб сарлавҳасидаёқ бу уйғунлик яққол кўзга ташланади: “Хазон ели боғ зеболари ҳаёти шамъин ўчурганда Лайли ҳаёти баҳорининг гулларини ажал хазони тундбоди кўкка совуруб, Мажнуннинг доғи булбули руҳи бадан қафасин гулбун узра ташлаб, ул ҳаволанғон гул барги сўнгинча ҳаво тутқони”. Бош қаҳрамонлар ўлими баёнига бағишланган ушбу бобда бошдан-охиргача куз фаслига хос унсурлар тасвири етакчилик қилишини кузатиш мумкин:

*Гулишанга хазон бўдуб ситезон,  
Ашжорига солди барг резон.  
Гулбаргини қилди ер уза наст,  
Нахлин қора ерга қилди ҳамдаст.  
Ҳам лоласин этти заъфарони,*

---

<sup>81</sup> Қаюмов А. Ишқ водийсининг чечаклари. – Т: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 1985. – Б. 55.

*Ҳам қилди баҳорини хазони.*

Шоир Лайли ва Мажнун вафотини шунчаки тасвирлаш билан чекланмайди, балки бу икки ошиқ умрининг хазон бўлганини табиатнинг сўлғин ҳолати орқали акс эттиришга ҳаракат қилади:

*Лайлигаким эрди ҳусн боғи,  
Жаннат гули бошидин-аёғи.  
Ул заъф насими тез бўлди,  
Бўстониға барғрез бўлди.  
Шаҳд ила битобдин қурушти,  
Йўқ-йўқ, бири-бирига ёпушти.*

Муҳаммад Фузулий достонида воқеалар ривожини ва қаҳрамонлар руҳиятини икки фасл: баҳор ва куз фасллари орқали очиб берилади, унда ёз фаслига хос тасвирлар мавжуд эмас. Шоир баҳорни қуйидагича тасвирлайди:

*Bir gün ki, bahari-aləməfruz  
Vermişdi səhanə feyzi-novruz,  
Salmışdı niqab çöhrədən gül,  
Çəkmışdı sùrudi-nalə bülbul.*

Мазмуни: баҳор фаслининг сўлим кунлари. Наврўз жаҳонга файз бағишлайди. Олам юзи гулдан ниқоб таққан. Булбул бахтдан куйлайди. Лола шабнамнинг тиниқ ва тоза майи билан қизил пиёласини тўлдирган. Гуллар ва яшил ўт-ўланлар уялганидан терга ботган.

Қаҳрамонлар зиддиятлар қуршовида қолади. Ишқ чўғи алангага айланади. Энди у кўзларнигина эмас, бутун кўнгилни, умрни ёндиргулик шиддат кашф этади. Энди тасвирлар линиясида баҳор ўрнида куз, гул ўрнида хазон, гулзор ўрнида саҳро тасвирлари киритилди.

“Bu, Leylinin bahari-ömri xəzana irdigidir” бобида келтирилган қуйидаги байтларга назар ташласак:

*Gördü gülü lələdən əsər yox,  
Ənvai-şəcərdə bərgü bər yox.  
Səhni-çəmənin səfası getmiş,*



*Nöqsani-səfa kəmalə yetmiş.  
Ne səbzə tənində tab qalmış  
Nə bərg üzündə ab qalmış.  
Matəmkədə gördü busitanı,  
Rıqqət oduna tutuşdu canı.*

Лайли боғни кезар экан, боғдаги чаман, гул- лолалардан асар ҳам йўқ эди. Турфа хил дарахтларнинг барглари ҳам мевалари ҳам йўқ. Чаман саҳнидан гўзаллик, хурсандчилик кетди. Бу хасрат ниҳоятда кучайди. Яшил ўтларнинг танида мадор қолмади. Қуввати кетти. Барг юзидаги ҳаёт суви ҳам йўқолди. Бу бўстон мотам тутди. Унинг кўнгли бўшлиги сабаб жони ўтга туташди.

Достоннинг “*Bu, Leyliyə Məcnun güzərdə müqabil olduğudur va gün müqabilində hilali-mehri bədri-kamil olduğudur*” бобида эса Мажнуннинг айрилиқдаги ҳолати куйидагича тасвирланади:

*Gəh səbzəyə ərzi-raz edərdi,  
Gəh lələyə min niyaz edərdi,  
Çəşminə sürərdi lələ dağın,  
Aşiq sanıban öpüb ayağın.  
Nərgis gözünə nigah edərdi,  
Yarın gözün anıb, ah edərdi.*

Мазмуни: Гоҳ майсага арз қиларди. Гоҳ лолага ёлворарди. Лоланинг доғларини юзларига суртиб, уни ҳам ошиқ санаб, бандларидан ўпарди. Наргиз кўзини ёрининг кўзига ўхшатиб оҳ чекарди.

Фузулий ёрининг васл ҳижронида азобланаётган Мажнуннинг ҳолатини, унинг руҳий изтиробларининг гўзаллигини гулларга қилган арзи орқали баён этади.

Ёки достоннинг айнан шу бобида шоир Мажнуннинг ҳолатини куйидагича тасвирлайди:

*Bu fəsldə adəmi gərək şad,  
Ənduhü bolavü qəmdən azad!*

*Çün əbr degilsən, olma giryan,*

*Çün seyl degilsən, etmə əfğan!*

Мазмуни: Бу фаслда одамлар ғамдан озод бўлиб, шодланмоқликлари керак. Булут истар экансан, йиғловчи бўлса. Сайл истасанг фиғон чекма!

Фузулий бобнинг сўнгида Мажнунга шундай насиҳат қилади:

*Gül kimi buraxma sinənə çak!*

*Səbzə kimi etmə bəstərin xak!*

*... Seyr üzrə bu növbahar fəslī*

*Şayəd buluna nigar vəslī.*

Мазмуни: Гул каби сийнангни чок этма! Майса каби тупроқни кўрпа-ёстиқ этмагин! Навбаҳор фаслида сайр қилгин. Шояд, сенга ёрнинг васли насиб қилади.

Фузулий икки фасл алмашинувини воқеалар баёнига шундай мослаштирадики, қаҳрамонлар ҳолатидан изтиробга тушган китобхон ўзини шу табиатга тушиб қолгандек ҳис қилади.

Мажнуннинг ихтиёрида оламдаги жамики дарранда-ю, ваҳший ҳайвонлар унсият топади. Одамда иккита куч бор: ёвузлик ва эзгулик. Ғазаб, зўравонлик, такаббурлик каби туйғулар ёш ўтгани сайин пайдо бўлади ва қувватланади. Лекин гўдакда бу нарса бўлмайди. Ҳайвонлар одамзоднинг вужудидаги ёвуз кучни билишади. Лекин қайси одамдаки, вужудида ёвузликдан заррача нишон бўлмаса, безарар бўлса, уни ҳатто илон чақмайди, чаён чақмайди. Уни ҳатто шер ўзига унсият ва улфат тутади.

Бу каби ҳолатлар “Насойим-ул муҳаббат”да келган авлиёлар ҳақидаги қиссаларнинг бир нечта жойида айтилган. Бекорга Нил дарёси Мусо а.с.га бўйсунмади ва бекорга айнан шу Нил дарёси Фиръавнни оқизиб кетмади. Навоий бизга шу ҳақиқатни уқтирмақчи бўладики, қачонки бизнинг вужудимиздан мана шу ёмонликлар кетса ва биз маъсум одамга айлансак, мана шу кишилик жамияти сени Мажнун деб қабул қилади.

Навоий дostonнинг XXV бобида Мажнун ишқининг, жунунининг юксак мақомга етганлигини Мажнуннинг Лайли қабиласининг итига дарди хол

қилган тасвири орқали янада таъсирли ифодалайди. Нимага айнан ит борази? Ахир Навоий ижодининг пойдевори ислом таълимоти ва тасаввуф анъаналари асосига қурилган-ку, деган савол туғилиши табиий ҳол. Ит образининг келиб чиқиши халқ оғзаки ижодига бориб тақалади. Мақоллар, эртак, дostonларда ит инсоннинг чин дўсти, сергак, вафо тимсолида гавдаланади. Шу билан бирга ит образининг салбий талқинлари ҳам бор: рақиб, душман, ғазаб. “Қайснинг Лайли қабиласининг итига мурожаати садоқат мадҳиясидир. Содик соқчи ва раҳнамо бўлмиш бу итнинг бахтли қисматиға, унинг ёр эшигида посбонлигиға Қайснинг ҳаваси келади. Қайс итдан ўша муқаддас остонани ўпмоқни илтимос қилади. Олов ва итга қарата айтилган монологлар орқали Навоий Қайснинг ички ҳолатини тўла кўрсатади.”<sup>82</sup>

Навоий тасвирлаган ит Мажнуннинг дардини қимирламай эшитади, унинг дардига шерик бўлади гўё. Чунки итнинг аҳволи ҳам Мажнуннинг аҳволидан заррача фарқ қилмайди. Мажнуннинг руҳи, итнинг эса жисми вайрон бўлган эди. Мажнун унинг жисмидан сизиб оқаётган қонни кўриб, кўзларидан шашқатор ёшлар тўкади:

*Кўзимни чўқунг, танимни тишланг,  
Онинг лўзину танин бағишланг.  
Қасдингиз агар наҳиф итдур,  
Бу хаста доғи заиф итдур.  
Жоним бўлсун танинг нисори,  
Бағрим бўлсун тишинг фигори.  
...Мунчаки топиб сен итга улфат,  
Ит бирла малак аро не нисбат?*

Ж. Эшонкул “Туш семантикаси талқини” номли мақоласида “Ит” образининг талқини ва таъбирига тўхталиб ўтар экан, бу образга халқнинг эътиқоди, дунёқараши ва турмуш тарзидан келиб чиққан ҳолда муносабат билдиришини айтади. Унга кўра, ит образи икки хил маънода таъбир-талқин

---

<sup>82</sup> Қаюмов А. Ишқ водийси чечаклари. -Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. Б. 29

этилади: бири душман, тухмат ва ёмонлик тимсоли бўлиб, у муайян бир халқнинг ҳаётида кечган ўзгаришлар натижаси деб баҳоланади. Марказий Осиёга ит образининг кириб келиш илдизларини олим дин билан боғлашга ҳаракат қилади ва халқимиз ҳаётида ижобий мазмун касб этганини исботлашга ҳаракат қилади: “Фикримизни Бароқ ит-қуш ҳақидаги афсона, “Одамтой”, “Эрмана мерган” ва бошқа бир қатор эртақларда итнинг қаҳрамонга ҳамкор дўст бўлиб келиши ҳам тасдиқлайди.<sup>83</sup>”

Навоий Мажнун ва итнинг дўстлигини тасвирлар экан, итнинг ҳар бир ҳолати орқали Мажнуннинг руҳияти очилиб боришига эришади. Мажнун итга дардини айтар экан, итнинг жисмидаги дардини ўзига тилайди, итга раҳми келиб йиғлайди. Навоий Мажнуннинг руҳият дунёсини шу қадар мукаммал тасвир этадики, китобхон кўз олдида бевосита ишқ тарбият этган, камолотга етган ошиқ кўнглининг чизгилари аксланади.

Умуман олганда, дostonлардаги табиат тасвири ҳар икки ижодкор маҳоратини кўрсатиб берувчи муҳим омиллардан бўлиб, Навоий қаҳрамонлар руҳияти ва бадий воқелик баёнида уч фасл тасвиридан фойдаланса, Фузулий достонида бу ҳолатлар икки фасл: баҳор ва кузга хос хусусиятлар орқали акс эттирилади. Агар Навоийнинг Мажнуни жазирама саҳрога унга бегона бўлган жамиятдан қочиш ва узлат воситаси деб қараса, Фузулийнинг Мажнуни учун саҳро ёввойи ҳайвонлар билан мулоқот ва Навфални учратиш жойи сифатида тасвирланган.

---

<sup>83</sup> Эшонкул Ж. Туш семантикаси талқини, //Ўзбек тили ва адабиёти // 2001, 5-сон.

### 3.3. Ижодкорлар маҳоратини белгилашда бадиий санъатларнинг ўрни

Бадиий асарда воқеликни жонли тасвирлаш, қаҳрамонларнинг ҳис-туйғу ва кечинмаларини ёрқинроқ ифодалашда бадиий санъатларнинг ўзига хос ўрни бор. “Минг йиллик тарихга эга бўлган мумтоз адабиётимизда бадиият масаласи ҳамиша шеър аҳлининг диққат марказида бўлиб келган. У ёки бу ижодкор салоҳияти ҳақида сўз борганда, унинг нималарни тасвирлагани эмас, асосан, қандай тасвирлаганига эътибор қаратилган. Жумладан, адабий асарларда шеърини санъатлардан фойдаланиш маҳорати ҳамма асрларда бадиий санъаткорликнинг асосий қирраларидан бири сифатида баҳоланган”<sup>84</sup>. Алишер Навоий ҳам, Муҳаммад Фузулий ҳам “Лайли ва Мажнун” достонида бадиий санъатларни моҳирона қўллаганлар. Хусусан, Навоий Лайли таърифида, унинг юз гўзаллигини баён этишда муболаға санъатидан унумли фойдаланади. Бу санъат бадиий тимсол ҳолати ёки ҳаракатини бўрттириб, кучайтириш билан бирга Навоий фикрининг гўзал ифодасига ҳам хизмат қилади:

*Бошким қўшиб икки эгма қоши,  
Хусн ичра икисининг талоши.  
Ун воқиф ўлуб бу можарога,  
Мушкин хутаба кириб арога.  
Кўзларики шўх кофиримаст,  
Ҳар қайсига боқса уйқу ҳамдаст.*

Ёки достоннинг яна бир ўрнида Лайли таърифининг қуйидаги баёнига гувоҳ бўламиз:

*Мужгон сафининг қаро балоси,  
Кўзлар уза соянинг қароси.  
Йўқ сояки, тўрт саф чекиб занг,  
Мажмуи либоси сурмаиранг.*

<sup>84</sup> Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати.-Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти-1999. Б. 4

*Очқунча юмуб кўз ул синаҳтез,  
Бир-бирга тегиб қилурға хунрез.*

Бу хил тасвирда бадий тимсол хусусиятлари яққол намоён бўлади, ўқувчи кўз олдида ёрқинроқ гавдаланади. Лайлининг киприкларини қора балога, саф тортиб турган қора либосли қўшинга ўхшатади. Лайли кўзини ҳар очиб-юмганда киприклар хун истаб жангга киришарди.

Муҳаммад Фузулийнинг достонида эса Лайлининг таърифи муболаға санъати орқали қуйидагича намоён бўлади:

*Şümşadi-lätifinə mürəkkəb,  
Sibi-zənəxü turunci-ğəbğəb.  
Əndami lätifeyi-ilahi,  
Dəryayi-lətafət içrə mahi.*

Ўқувчи кўз ўнгида Лайлининг қиёфаси гўзал тасвирларда гавдаланади.

Ушбу байтда шоир Лайли жисмини гўзаллигини ташбиҳ санъати орқали баён этишни ният қилади:

*Жисмики бор эрди ёсамингул,  
Хуммо қилур эрди оташингул!*

Ёки:

*Шаҳди лабидинки коми ширин,  
Андин келибон каломи ширин.  
Бир тоза ниҳоли сарвқомат  
Ким, жилвасидин солиб қиёмат.*

Бу байтда шоир ёрнинг мухтасар таърифини келтирар экан, лабининг ширинлиги оғзига ҳам юққан. Шундан сўзлари ҳам ширин чиқади. У бир тоза ниҳолки, жилваси билан дилларга қиёмат солур, деб айтади.

Ёки Мажнун таърифида ҳам ташбиҳ санъатидан унимли фойдаланилади:

*Тан махзанининг нуҳуфта сири,  
Жон гулшанининг ёруғ насими.  
Меҳр ояти оллида хувайдо  
Манишури вафо юзида пайдо.*

Навоий Мажнун ҳақида ёзар экан, унга бор меҳрини қўшиб тасвирлайди. Шоирнинг фикрича, Мажнуннинг руҳи тан хазинахонасига яширилган сир, жон гулшанидан эсган ёруғ шабададир. Унда меҳр ояти зоҳир бўлиб, юзида вафо ёрлиғи бордир.

Муҳаммад Фузулий эса Мажнун образига берилган таърифда ташбих санъатидан қуйидагича фойдаланади:

*Gün-gündən edib kəmal hasil,  
Ol mahi-növ oldu bədri-kamil.  
Gəldikcə meyi-vəfadan əyüam,  
Hər dövrdə sundu ona bir cam.*

Муҳаммад Фузулий Лайли образини яратишда ҳам ташбих санъатидан кенг фойдаланилади. Бу орқали дostonнинг бадияти ҳамда ижодкорнинг маҳорати намоён бўлади:

*Şəhbaz baxışlı, ahu gözlü,  
Şirin hərəkətli, şəhd sözlü.  
Rahü rəvişi müdam qəmzə,  
Başdan-ayağa tətam qəmzə.  
Ayruqca şəklü xoşca peykər,  
Yaxşıca sənəm, gözəlcə dilbər.*

Мазмуни: Лайлининг боқишлари ўткир, ҳаракатлари ёқимли ва сўзлари шириндир. У бошдан оёғигача ноз, бутун ҳаракатида ишва. Унинг шакли ҳамманикидан ўзгача, ёқимли. Ўзи эса яхши санам ва гўзал дилбардир. Ижодкорнинг маҳорати шунда кўринадики, у ташбих санъати ёрдамида мисралар таркибидаги оҳангдорликни гўзал ифода этади.

Ҳазрат Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида хусни таълил санъатидан унумли фойдаланиб, байтни чиройли далиллайди:

*Қошлари ики қулочин очиб,  
Бўлди кўзи уйларига ҳожиб.  
Қон ёш этти гулини тоза,  
Машишотаи маргурди гоза.*

*Гул борса чаманга ўлмасун дард,  
Кун ботса фалакка етмасун гард.*

Муҳаммад Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида хусни таълил санъати қуйидагича қўлланилади:

*Bilməzlik ilə xoş idi halım,  
Nə hüsn, nə eşq idi xəyalım.  
Sən vasitəyi-vüçudim oldun,  
Sən manei-feyzi-cudim oldun!*

Умумий маънода бу байт орқали шоир Мажнун тилидан Лайлига қарата, сени билмасимдан аввал аҳволим яхши эди. Хусн ҳақида ҳам, ишқ ҳақида ҳам ўйламас эдим. Сен менинг бутун борлиғимни эгаллаб, бор имконимни қўлдан олдинг, деб айтади.

Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида тажохули ориф санъатидан ҳам унумли фойдаланади. Лайлининг Мажнунга ёзган мактубида бу санъат тури билан боғлиқ қуйидагича мисоллар келади:

*Ҳолинг не дурур фироқим ичра?  
Фикринг недур иштиёқим ичра?  
Фарқингки эмиш қуш ошённи,  
Ким уркутар эркин андин они?*

Ёки достоннинг XII бобида Лайли ва Мажнуннинг суҳбати келтирилади:

*Сен нола қилиб гамин нединсен,  
Ашқинг оқизиб ҳазин нединсен?  
Ишрат чоғи меҳнатинг не яъни,  
Шўробаи ҳасратинг не яъни?  
Бу гам санга қайдин ўлди ҳодис  
Ким бўлди бу шиддатингга боис?*

Умумий мазмуни: Сени қандай гаминг борки ёшинг оқизиб, нола қиларсан? Ишрат чоғи меҳнатинг, ҳасратинг қандай? Бу гам санга қайдан ёпишди, Бу ҳолингга ким сабаб бўлди?

Ёки:



*Қилгонни ёшурмогинг не эрди?*

*Мендин яна сўрмогинг не эрди?*

Лайли суҳбатдошининг руҳий ҳолати, кайфияти, туйғуларида бўлаётган ўзгаришларни билиб билмасликка олади. Бу билан қаҳрамон ички дунёсини янада очиб беришга ҳаракат қилади.

Муҳаммад Фузулийда эса тажохули ориф санъатидан куйидагича фойдаланади:

*Fərmana müxalifətmi qıldım?*

*Ə'daya müvafiqətmi qıldım?*

*Bədxahlərinmidir bu tədbir?*

*Qəmmazlərinmidir bu təzvir?*

Олий фармонга қаршилик қилдингми? Бу ишлар сенинг душманлигингми? Ёки, бу сирларни очишинг учун ҳийлами?

Бадиий адабиётда ташхис кенг қўлланиладиган санъат турларидан биридир. Бу санъат ҳайвонлар, кушлар, жонсиз нарсаларга инсон хусусиятларини кўчириб тасвирлаш санъатидир. Икки дostonда ҳам бу санъатдан унумли фойдаланилади. Масалан, Алишер Навоийда:

*Меҳр истагичун Ҳамал фароғи,*

*Дашт узра буталар қўзи қулоғи.*

*Гар тўти ўлурға қилмас оҳанг,*

*Айлар нега ерни тўтаиранг.*

*Тун-кунни қилур бинафша сизгон,*

*Кофур ила мушкдин соқизгон.*

Муҳаммад Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида эса ушбу санъат ниқто (нутқ ато этиш) санъати билан биргаликда қўлланилган. Масалан, Лайлининг чироғ билан бўлган суҳбатига назар ташласак:

*Başdan ayağa nədir bu yanmaq,*

*Dudi-dilə dəmbədəm boyanmaq?*

*Nə cinsdir əslin, ey bəlakəş*

*Kim, abi-həyatın oldu atəş?*

*Şərhi-dili-gərmü çeşmi-tər ver,  
Sərrişteyi-razdən xəbər ver!  
Hər ləhzə düşərsən iztirabə,  
Həm atəşə qərqəsən, həm abə.  
... Xoşdur sənə sirrini, töküüb yaş,  
Məclislər içində eyləmək faş.  
Yanında sənin həm urmayam dəm,  
Ta qaçmayasan irağə sən həm.*

Умумий мазмуни: Тутуни билан дилингни бўяб, бошдан оёк нега бундай ёнасан? Сен (одам наслиданмисан) қайси жинсга мансубсан? Дилингни шарҳлари иссиқ, аммо жисминг хўл. Ҳар лаҳза изтиробга тушасан. Ҳам оташга фарқсан, ҳам сувга. Сенга мажлислар ичида сирларингни очиб ёш тўкиш ёқимлидир. Мен сенинг ёнингдан нари кетмайман сан ҳам мандан йироқ кетма.

Ёки Мажнуннинг тоғ билан бўлган суҳбатида ҳам ташхис санъати яққол кўзга ташланади:

*Suzi-cigərimdən oldun agah,  
Əhsənt, əhsənt, barəkallah!  
... Sənsən mənə həmdəmi-müvafiq,  
Dağ ilə olur həmişə aşiq.  
Bidad ilə köksünə urub daş,  
... Dərd ilə gözündən axıdib yaş,  
Noldu sənə, böylə məst olubsan,  
Qəm daminə paybəst olubsan?*

Мазмуни: Жигар сўзимдан огоҳ бўлдинг, офарин, офарин, баракаллоҳ! ...Ошиқ ҳамиша тоғ билан бўлар, Сан манга ҳамдамсан... Кўзингдан дардли ёшлар оқизиб, кўксингга тош урарсан. Санга нима бўлдики, ғамга асир бўлиб, бу аҳволга тушдинг?

Алишер Навоий достонда Лайли хуснининг таърифни келтирар экан, китобот санъатидан ҳам ўринли фойдаланади:

*Ҳам жон келиб икки лаъли майгун,  
Ҳам тавқи зақан келиб анга нун.*

Муҳаммад Фузулийнинг достонида эса китобот санъати куйидагича кўлланилган:

*Elmi-xətə ömrün eyləyib sərf,  
Məşq etmiş idi həmin iki hərf:  
Bir səfhədə "lam"ü "ya" mükərrər  
Yazardı, onu qıladı əzbər  
Kim: "Bu iki həfdir muradım,  
Rövşən bular ilədir səvadım".*

Умумий мазмуни: Хат илмига умрини сарфлаб икки харфни ёзишни машқ қилар эди. Бир саҳифада “лом” ва “я” харфларини ёзиб такрор ўқирди. Доим “Шу икки харф менинг муродим, шу иккиси билан саводим равшан бўлади”, дейди.

Мукаррар гўзал санъат туридир. Ижодкор байтда бу санъат туридан фойдаланар экан, сўзларнинг такрори орқали туйғуларнинг таъсирчан ва нафис изҳорига эришади. Алишер Навоийнинг достонида мукаррар санъати куйидаги ўринда келади:

*Ҳар дам йиқилурга жисми мойил,  
Ҳуши доғи лаҳза-лаҳза зойил.  
Топиб анга жисми нотавон заъф.  
Кўнглида доғи замон-замон заъф.  
Кўп ғам эди сўзвор йиглаб,  
Иккисига зор-зор йиглаб.  
...Ғам ханжари бирла ёра кўнгли,  
Не ёраки, пора-пора кўнгли.  
...Ҳар дам бўлур эрди нотавонроқ,  
Аҳволи нафас-нафас ёмонроқ.*

Муҳаммад Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида эса мукаррар санъати куйидагича намоён бўлади:

*Xar üzrə ona dəlik-dəlik tən,  
Açmış qəm evinə dürlü rövzən.  
...Ram oldu bəhaim ol figarə,  
Bir fəvc yığıldı varə-varə.  
...Min türfəcə-türfəcə fəsanə  
Şirin söz ilə çəkib bəyanə,  
Eylərlər idi zaman-zaman yad,  
Təqrib ilə, ləhzə-ləhzə bünyad.  
Yoki: Durun, qılalım tərəf-tərəf gəşt,  
Seyr eyləyalım həvaliyi-dəşt.  
...Rə'na-rə'na yürürdü ol mah,  
Bir şəkl ilə kim, təbarəkəllah!*

Yoki:

*Məxzən-məxzən səvahir açdı,  
Xərmən-xərmən nisar saçdı.*

Шеърятимизда жуда кенг қўлланган нидо усули лирик қаҳрамоннинг бошқа шахсларга, нарсаларга хитоб қилиши, уларга мурожаат этган ҳолда ўзининг ички кечинмалари, туйғулари, тилаклари, мулоҳазаларини баён қилишини назарда тутди. Бу санъат тури Навоий ижодида “Эй” хитоби билан биргаликда қўлланганини кузатамиз, бу кўпроқ Аллоҳга ҳамд, муножот, Лайли ва Мажнунларнинг мактубларида кўзга ташланади. Достоннинг илк байти ҳам шу хитоб билан бошланган эди:

*Эй яхши отинг била сарогоз,  
Анжомизаким етар ҳар оғоз!*

Лайлининг мактубида Мажнунга мурожаат ҳам шу хитоб воситасида акс эттирилади:

*Эй ишқ ўтида хасим, нечуксен,  
Эй бедилу бекасим, нечуксен?  
Эй бўлгали ишқим ичра мадҳуш,  
Бир жураиъ васл қилмагон нўш!*

Мажнун тилидан Лайлининг таърифи нидо усулидаги мурожаат шаклида қуйидагича келтирилади:

*Эй кишвари хусн подшоҳи,  
Хусн аҳли бу кишварнинг сипоҳи.  
Эй нозу карашма боғида вард,  
Невард, баҳори нозпарвард.*

Фузулийнинг достонида эса нидо санъати қўлланилган ўринларда мазкур хитоб “К-эй” шаклида келтирилган. Лайлининг чироғга хитоби:

*K-ey didəsi bağlı, bağrı dağlı'  
Başı qaralı, ayağı bağlı!*

Ёки Лайлининг парвона билан бўлган суҳбатидан:

*K-ey, tairi-aşyaneyi-eşq!  
Sərgəşteyi-abü daneyi-eşq!*

Ушбу фаслда бадий маҳорат масаласи юзасидан бош қаҳрамонларнинг портрети, характери, руҳияти тасвирида, ёндош образларнинг дoston бадий маҳоратидаги ўрни, қаҳрамонларнинг нутқида қўлланган айрим бадий санъатларни таҳлил қилиб чиқишга ҳаракат қилдик. Иккала дostonда ҳам қўлланган бадий санъатларнинг ҳар бир тури дoston моҳияти, қаҳрамон руҳияти ва ижодкорнинг бадий маҳоратини очиб бериш учун хизмат қилган.

Хулоса қилиб айтганда, Лайли ва Мажнун образини тасвирлашда Алишер Навоий ҳам, Муҳаммад Фузулий ҳам бадий санъатлардан маҳорат билан фойдаланганлар. Ҳар икки мутафаккир асарларида энг кўп қўлланган бадий санъатлар ташбих, муболаға, тазод, таносиб, қаршилантириш, хусни таълил, тажоҳули ориф бўлиб, Навоий Лайли образи тасвирида асосан ружуъ ва муболаға санъатларидан фойдаланган бўлса, Фузулий Лайли образини ташбих ва таносиб санъатлари воситасида гавдалантиради. Бадий санъатлар орқали ҳар икки ижодкор тасвирда теран мазмун ва гўзал бадий шакл уйғунлигини таъминлай олганлар.

Маълумки, “Хамса” дostonлари орасида “Лайли ва Мажнун” дostonи ўзига хос ритмик оҳангга эга эканлиги билан характерланади. Ҳар икки

достонда ҳазаж баҳрининг ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф (мавсур) вазни қўлланилган. Н. Конрад “Лайли ва Мажнун” достонини аслиятда ўқир экан, унинг хушоҳанглигидан таъсирланиб, “ажойиб симфоник мусиқа тинглагандек бўлдим”, деб ёзган эди<sup>85</sup>. Адабиётшуносликда Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида мазкур вазндан ташқари, яна бир қўшимча вазн - Ҳазажи мусаддаси ахрами аштари маҳзуф вазни ҳам қўлланилган, деган фикрлар мавжуд. Д.Юсупова ушбу қўшимча вазни ритмик вариация истилоҳи билан келтиради ва унинг достон таркибида қўлланилиши тасодифий бўлмай, достон қаҳрамонларининг чуқур рухий ҳолатлари билан боғлиқ эканлигига эътибор қаратади. Д.Юсупованинг фикрича, муаллиф зиддиятли воқеалар ва қаҳрамонларнинг рухий изтироблари баёнида ритмик вариацияга мурожаат қилади:

*Оқшомдин | тонгга жо | ни маҳзун*

— — — / — V — / V — —

*Тонгдин оқ | шомга аш | ки гулгун.*

— — — / — V — / V — —

*“Лайли, Лай | ли!” дебон | чекиб ун,*

— — — / — V — / V — —

*Эл деб: “Маж | нундур, уш | бу мажнун!”<sup>86</sup>*

— — — / — V — / V — —

Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида асосий воқеалар асосан бир шеърӣй ўлчов – Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф вазнида баён этилган. Унда Навоий достонига хос бўлган ритмик вариацияни учратмаймиз. Бизнингча, бу ҳол тил хусусиятлари билан боғлиқ бўлса керак, чунки Фузулий достони туркий тиллар туркумининг ўғуз лаҳжасида битилган. Бу тилда қўшимчалар аксарият ҳолларда очик бўғинлар воситасида акс этирилади.

Юқоридаги қиёслардан келиб чиқиб, учинчи боб бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

<sup>85</sup> Конрад Н. Запад и Восток. – М: Главная редакция Восточной литературы, 1972. – С. 286.

<sup>86</sup> Юсупова Д. “Хамса” поэтикаси: вазн, қофия ва мазмун муштараклиги. – Т.: TAMADDUN, 2021. – Б. 85.

1. Алишер Навоий ва Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonларида келтирилган мактублар ижодкорлар бадий маҳоратини кўрсатувчи муҳим омиллардан бўлиб, улар композицион қурилиши, дostonда келтирилган ўрни, бадий функцияси жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

2. Алишер Навоийнинг дostonида аввал Лайли Мажнунга мактуб ёзади ва уни уруш воқеаси ҳамда Навфалнинг қизига уйланишда айблайди. Мажнун бу мактубга назокат ва садоқат билан жавоб қайтаради. Фузулий дostonида эса аввал Мажнун Лайлига мактуб ёзиб, уни бевафоликда айблайди. Лайли эса Навоийнинг Мажнуни каби йўл тутиб, унга назокат билан жавоб мактуби битади.

3. Фузулий дostonида мактублар сўнгида ошиқ-маъшуқлар тилидан берилган мураббаъ жанрига мансуб шеърлар келтирилган. Навоий дostonида эса мактублар матни фақат маснавий шакли орқали баён қилинади.

4. Фузулий дostonида келтирилган ва озарбайжон шоирининг ўзига хос ижод позициясини намоён қиладиган ғазаллар қаҳрамонлар руҳий ҳолати ва воқеалар ривожига мутаносиб равишда битилган бўлиб, улар орқали китобхон ошиқ-маъшуқларнинг изтиробларига шерик бўлади, уларнинг туйғуларини ўз қалбига кўчиради. Ғазал ва мураббаъларда ҳар бир воқелик ва қаҳрамонлар руҳиятига мос равишда турли шеърӣй ўлчовлар ва қофиялардан фойдаланганлик ижодкор бадий маҳоратини кўрсатувчи яна бир омилдир.

5. Ҳар икки дostonда келтирилган табиат тасвири билан боғлиқ ўринлар бадий воқеликнинг муҳим компоненти сифатида ўзига хос аҳамият касб этади. Алишер Навоий ўз дostonида қаҳрамонлар руҳияти ва бадий воқелик баёнида уч фасл тасвиридан фойдаланади. Фузулий дostonида эса бу ҳолатлар икки фасл: баҳор ва кузга хос хусусиятлар орқали акс эттирилади. Агар Навоийнинг Мажнуни жазирама саҳрога унга бегона бўлган жамиятдан қочиш ва узлат воситаси деб қараса, Фузулийнинг Мажнуни учун саҳро ёввойи ҳайвонлар билан мулоқот ва Навфални учратиш жойи сифатида тасвирланган.

6. Алишер Навоий дoston образлари схемасини чизар экан, унга ит образини ҳам қўшади. Бундан мақсад Мажнун руҳиятининг энг нозик

кирраларини очиш эди. Навоий Мажнунни ҳам жисман, ҳам руҳан абгор ҳолатда тасвирлар экан, бу билан у хоҳ инсон бўлсин, хоҳ ҳайвон бўлсин калбида содиқлик борми, жисми оғриб турса ҳам муҳаббат қўйган ишини тарк этмаслиги ҳақида мулоҳаза юритади.

7. Достон қаҳрамонлари ва воқеаларини тасвирлашда Алишер Навоий ҳам, Муҳаммад Фузулий ҳам бадиий санъатлардан унумли фойдаланганлар. Ҳар икки мутафаккир асарларида энг кўп қўлланган бадиий санъатлар ташбих, муболаға, тазод, таносиб, қаршилангириш, ҳусни таълил, тажоҳули ориф бўлиб, Навоий Лайли образи тасвирида асосан ружуъ ва муболаға санъатларидан фойдаланган бўлса, Фузулий Лайли образини ташбих ва таносиб санъатлари воситасида гавдалантиради. Бадиий санъатлар орқали ҳар икки ижодкор тасвирда теран мазмун ва гўзал бадиий шакл уйғунлигини таъминлай олганлар.

8. Бош қаҳрамонлар руҳиятини очишда Алишер Навоий ритмик вариацияга (ҳазажи мусаддаси ахрами аштари маҳзуф)га мурожаат қилади. Фузулийда эса бу ҳолатлар достоннинг бош вазни асосида (ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф) келтириб ўтилган.



## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Биз Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” достонларини қиёсан ўрганиш асносида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. “Лайли ва Мажнун” қиссаларининг келиб чиқиши араб халқлари орасида тарқалган афсонага бориб тақалади. Туркий адабиётда биринчи бўлиб Гулшаҳрий, кейинчалик Ошиқ Пошо бу мавзунини қаламга олдилар. Илк марта Эдирнели Шоҳидий бу қиссани мустақил достонга айлантирди, лекин унинг достони ўз даврида шуҳрат қозонмади. 1484 йилда ўзбек тилида (қарлук лаҳжасида) Алишер Навоий, 1537 йилда эса озарбайжон тилида (ўғуз лаҳжасида) Фузулий ушбу мавзуда яратган достонлар туркий адабиётда бу мавзунинг бадиий тақомилини таъминлади. Ушбу икки достоннинг монографик аспектдаги қиёсий таҳлили улардан ҳар бири туркий достончиликда ўзига хос поэтик ҳодиса эканидан далолат беради.

2. Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” достонлари яратилган вақт бир-биридан унчалик узоқ бўлмаса-да, ҳар икки достон сюжет ва композицияси, таркибий тузилиши, ижодкорлар услуби ва ёндашув мезонлари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони 38 боб, 3623 байтдан иборат бўлиб, маснавий шаклида ёзилган. Муҳаммад Фузулийнинг достони эса, 113 боб, 3098 байтни ўз ичига олади. Ўз олдида “Хамса” яратиш вазифасини қўймагани учунми, Фузулий достони хамсанавислик анъанасига кирувчи “Лайли ва Мажнун”лардан фарқ қилади. Форсий дебоча билан бошланган ҳамда асосан маснавийда ёзилган асар таркибига ғазал, рубоий, соқийнома, мураббаъ, қасида каби жанрлар ҳам киритилган. Алишер Навоий эса, туркий тилда “Хамса” яратгани учун хамсанависликнинг барча анъаналарини сақлаш баробарида бу анъанани янги юксак босқичга кўтарди.

3. Навоий достонида муқаддима 9 боб, Фузулий достонида эса 12 бобдан таркиб топган. Навоий достони муқаддимасининг дастлабки тўрт боби ҳамд, муножот, наът ва меърож талқинини ўз ичига олса, кейинги боблари анъанавий тарзда салафлари, Султон Ҳусайн Бойқаро, шаҳзода Бадиуззамонга

бағишланган. Муқаддиманинг 9-бобини дoston сюжетига кириш, дейиш мумкин. Фузулий “Лайли ва Мажнун”и бешлик таркибидаги эмас, балки алоҳида мустақил дoston бўлгани учун унда 2 та ҳамд, 3 та муножот борлиги кузатилади. Шу жиҳатдан, у Навоий “Ҳайрат ул-аброр”идаги муқаддимага ўхшаб кетади. Бу эса Фузулий Навоий “Хамса”си таркибидаги бошқа дostonлар билан ҳам таниш бўлган, деган хулосага асос бўлади.

4. Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonларида Мажнун образи талқинида руҳий тасвир алоҳида аҳамият касб этади. Навоий дostonида унинг бевосита шакли устуворлик қилса, Фузулий “Лайли ва Мажнун”да руҳий тасвирнинг билвосита шаклидан фойдаланади. Ҳар икки дostonда халқ оғзаки ижодига хос айрим мотивлар, шунингдек, адабий мотивлар алоҳида ўрин тутади. Туғилиш, исм қўйиш, ҳушдан кетиш, туш кўриш билан боғлиқ мотивлар орқали Мажнун руҳиятига хос хусусиятлар очилиб боради. Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonида Мажнун 8 марта ҳушидан кетса, Фузулий дostonи қаҳрамони уч маротаба ҳушдан кетади. Навоий дostonида бу мотив тасаввуф фалсафаси билан чамбарчас боғлиқ, Фузулий эса бу ҳолатга муайян маъно юкламайди, уни сюжет таркибидаги бир воқелик тарзида баён этади. Навоийнинг Мажнуни мажзуби солиқ тимсоли бўлса, Фузулий Мажнуни воқеалар жараёнида товланиб борувчи солиқи мажзуб тимсолидир.

5. Алишер Навоий Лайли образи тасвирига хослар нуқтаи назаридан ёндашади. Дostonда Навоий ижодининг асосий концепциясини акс эттирган хавос ишқи бадий талқин этилган. Фузулий эса Лайли тасвирини оммага яқин услубда тасвирлашга ҳаракат қилади. Икки дostonда Лайли руҳияти тасвирида муайян уйғунлик кузатилади.

6. Алишер Навоий ва Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonларида келтирилган мактублар ижодкорлар бадий маҳоратини кўрсатувчи муҳим омиллардан бўлиб, улар композицион қурилиши, дostonда келтирилган ўрни, бадий функцияси жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Навоий дostonида мактублар матни фақат маснавий шакли орқали ифодаланади. Фузулий

достонида эса мактублар якунида ошиқ-маъшуқлар тилидан берилган мураббаъ жанрига мансуб шеърлар келтирилган. Боблар сўнгида берилган ғазаллар қаҳрамонлар рухий ҳолати ва воқеалар ривожига мутаносиб равишда битилган бўлиб, улар орқали китобхон ошиқ-маъшуқларнинг изтиробларига шерик тутинади, уларнинг туйғуларини ўз қалбига кўчиради. Ғазал ва мураббаъларда ҳар бир воқелик ва қаҳрамонлар руҳиятига мос равишда турли шеърӣ ўлчовлар ва қофия турларидан фойдаланилгани ижодкор бадий маҳоратини кўрсатувчи муҳим адабий-эстетик омилдир.

7. Ҳар икки достондаги пейзаж тасвири билан боғлиқ ўринлар бадий воқеликнинг муҳим компоненти сифатида ўзига хос аҳамиятга эга. Қаҳрамонлар руҳиятини, туйғу ва кечинмаларини, дарду изтиробларини аниқ ифода этиш мақсадида достонда ҳар икки ижодкор табиат тасвиридан унумли фойдаланади. Йил фасллари, ранглар, саҳро, боғ, гулзор, хазонрезги, қум, сув каби воситалар қаҳрамонларнинг қувончи, қайғуси, висол ва фироқдан хабар берувчи поэтик воситалар вазифасини бажаради.

8. Алишер Навоӣ ўз достонида қаҳрамонлар руҳияти ва бадий воқелик тасвирида уч фасл – баҳор, ёз ва куз тасвиридан санъаткорона фойдаланади. Буюк мутафаккир достонида баҳор Лайли ва Мажнуннинг илк учрашуви, бир-бирига муҳаббат қўйиши билан уйғунликда талқин этилса, ёз улар руҳиятида ишқ жунунининг энг юқори даражага кўтарилиши, куз фасли эса хазон билан мутаносибликда бош қаҳрамонларнинг фожиали ўлими билан боғлиқ ҳолда тасвирланади. Фузулий достонида эса сюжет асосан икки фасл: баҳор ва кузга хос хусусиятлар асосига қурилади. Агар Навоӣнинг Мажнуни учун жазирама саҳро унга бегона бўлган жамиятдан қочиш ва узлат воситаси ҳисобланса, Фузулийнинг Мажнуни учун саҳро ёввойи ҳайвонлар билан мулоқот ва Навфални учратиш жойи сифатида тасвирланган.

9. Алишер Навоӣ Мажнун руҳиятини очишнинг яна бир усули сифатида достон таркибига ит образини олиб киради. Мажнуннинг Лайли қабиласи итига дарди ҳоли ундаги ишқнинг, жунуннинг юксак мақомга етганини рамзий ифодалагани билан алоҳида ажралиб туради. Бу образ жисм

нечоғлиқ машаққат чекмасин, руҳ озод бўлиши, жисм пажмурда бўлса ҳам, Ҳақ ёди кўнгилни обод этиши мумкинлиги тимсолидир.

10. Достон қаҳрамонлари ва воқеаларини тасвирлашда Алишер Навоий ҳам, Муҳаммад Фузулий ҳам бадиий санъатлардан маҳорат билан фойдаланган. Ҳар икки мутафаккир асарларида энг кўп қўлланган ташбих, муболаға, тазод, таносиб, қаршилантириш, ҳусни таълил, тажоҳули ориф сингари бадиий санъатлар муаллифлар ижодий концепцияси ифодаси ҳамда достон сюжети ва образ поэтикаси тасвирининг мукамал бўлишини таъминлаган. Навоий Лайли образи тасвирида асосан ружуъ ва муболаға санъатларидан фойдаланган бўлса, Фузулий бу образни ташбих ва таносиб санъатлари воситасида сувратлантиради. Ҳар икки ижодкор бадиий санъатлар орқали тасвирда теран мазмун ва гўзал бадиий шакл уйғунлигини таъминлай олган.

11. Бош қаҳрамонлар характери ва руҳиятини очишда Алишер Навоий ритмик вариацияга (ҳазажи мусаддаси ахрами аштари маҳзуф)га мурожаат қилади. Фузулий эса образ тасвирини ўзига хос тасвирлашда достоннинг бош вазни бўлган ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуфга таянади.

Умуман, Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулий “Лайли ва Мажнун” достонлари муаллифлар ижод концепцияси нуқтаи назаридан ҳам, композицияси ва сюжети, образлар тизими ҳамда поэтик тасвир усуллари жиҳатидан ҳам ўзига хос бадиият намуналари ҳисобланади. Ҳар икки шоир достонлари индивидуал ижодий услуб ва лироэпик тасвир уйғунлигини мукамал ифода этгани ҳамда бадиий-эстетик тафаккурда янги юксалиш босқичини таъминлагани эътиборидан туркий халқлар адабиётида алоҳида ўрин тутаяди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимиз етакчи илм-фан намояндалари, Фанлар академияси аъзолари, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари, етакчи олий ўқув юртлари ректорлари билан 2016 йил 30 декабрь куни бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 2016 йил 31 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони // Халқ сўзи. 2017 йил 18 февраль - № 28 (7622)
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: «Ўзбекистон» НМИУ. 2018. – 592 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори //Халқ сўзи, 2020, 20 октябрь.

### II. Илмий-назарий адабиётлар

5. Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. – Тошкент, 1995.
6. Абдуғафуров А. Навоий сатираси. – Тошкент : Фан, 1968.
7. Абдуғафуров А. Навоий ижодида сатира. – Т.: Фан, 1972.
8. Адабиёт назарияси. Икки томлик. I том. – Т.: Фан, 1978.
9. Адабиёт назарияси. Икки томлик. II том. – Т.: Фан, 1979.
10. Адабий тур ва жанрлар. Уч жилдлик. 2– жилд. – Т.: Фан, 1992.
11. Айний С. Алишер Навоий «Хамса»си. – Т.: Фан, 1978.
12. Алишер Навоий: қомусий луғат. Биринчи жилд. (Маъсул муҳаррир: Ш. Сирожиддинов) – Тошкент: «Шарқ», 2016.
13. Алишер Навоий: қомусий луғат. Иккинчи жилд. (Маъсул муҳаррир: Ш. Сирожиддинов) – Тошкент: «Шарқ», 2016.
14. Алишер Навои / Сборник статей. – М., 1946.

15. Алишер Навоийнинг адабий маҳорат масалалари (мақолалар тўплами). – Тошкент: Фан, 1993.
16. Аристотель. Поэтика (Поэзия санъати ҳақида). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1980.
17. Абу Ҳомид Ғаззолий. Ихёу улумиддин. – Т.: Ўзбекистон, 2016.
18. Аҳмедов Т. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони. – Т.: Фан, 1970.
19. Алиев Г. Темы и сюжеты Низами в литературах народов востока. – М.: Наука, 1985.
20. Биннатова А. Əlişir Nəvainin “Mizan ʋl əvzan” (“Vəznlərin mizanı”) əsərinin nəzəri-estetik anlamı.-Т.: Alisher Navoy va XXI asr mavzusidagi xalqaro ilmiy-nazariy anjuman materiallari, 2020.
- Бобоев Т. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1979.
21. Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
22. Болтабоев Ҳ. Фитратнинг илмий мероси (монография). – Т.: Фан, 1996.
23. Болтабоев Ҳ. Алишер Навоий асарларининг Озарбойжонда сақланаётган қўлёзма нусхалари // «Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни» мавзусидаги III анъанавий халқаро илмий конференция материаллари. – Т.: Фан, 2019.
24. Болтабоев Ҳ. Қалбларнинг «Ҳайрат...»дан бошланган севимли китоби// «Алишер Навоий ва XXI аср» республика илмий-назарий анжуман материаллари. – Т.: Tamaddun, 2016.
25. Валихўжаев Б. Алишер Навоий шеърляти. – Самарқанд, 2001.
26. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1993.
27. Валихўжаев Б. «Хамса» такмили// Алишер Навоий «Хамса»си. (Тадқиқотлар). – Тошкент, 1986.

28. Валихўжаев Б. Хамсачилик традициясининг баъзи бир хусусиятлари ҳақида мулоҳазалар//Ўзбек адабиётининг айрим масалалари. – Самарқанд, 1961.
29. Vohidov R., Eshonqulov H. O‘zbek mumtoz adabiyoti tarixi. – T.: O‘zYU Adabiyot jamg‘armasi nashriyoti, 2006.
30. Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро: Бухоро нашриёти, 1994.
31. Воҳидов Р. Шарқнинг буюк алломаси. – Т.: Фан, 1989.
32. Воҳидов Р. Алишер Навоийнинг ижод мактаби. – Бухоро: Бухоро, 1994.
33. Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони («Тазкиратул-шуаро»дан). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981.
34. Жалолов Т. «Хамса» талқинлари. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1968.
35. Jabbor Eshonqul. Tushning boshqa motivlar bilan qiyosiy tahlili. Saviya.uz. 10.10.2017 yil
36. Jabborov N. Maoniy ahlining sohibqironi. Adabiyot. Toshkent.: 2021.
37. Зоҳидов В. Мир идей и образов Алишера Наваи. – Т.: Госиздат, 1961.
38. Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. – Т.: Ўзбекистон, 1970.
39. Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1969.
40. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980.
41. Имомназаров М. Навоийшуносликка кириш. – Т., 2015.
42. Ислам. Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991.
43. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Т.: Фан, 1983.
44. Исҳоқов Ё. Навоий ва Амир Хусрав Деҳлавий// Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Т.: Фан, 1968. – Б.88-106.
45. Исҳоқов И. «Хамса»да бадий психологизм типлари// Алишер Навоий «Хамса»си. (тадқиқотлар). – Т.: Фан, 1986. Б.31-49.

46. Исҳоқов Ё. Навоий ва ўзбек шеърлятидаги услублар масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1990. – №5. 3–8-бетлар.
47. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: O'zbekiston, 2014.
48. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1993.
49. Каримов Г. Исследование по установлению критического текста «Лейли и Меджнун» Навои. – Ташкент, 1944.
50. Комилов Н. Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи. 1–китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996.
51. Комилов Н. Тасаввуф. Тавҳид асрори. 2-китоб. – Т.: Ёзувчи, 1999.
52. Комилов Н. Турфа талқинлар. Ажрим қилувчи кўзгу ёхуд рост билан ёлғон можароси // Навоийга армуғон. – Т.: 2006.
53. Комилов Н. Ҳизр чашмаси/ Ишқ оташининг самандари. Маънавият. Т.: 2005.
54. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Монография. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
55. Маллаев Н. Асрлар эътирофи ва таъзими. – Т.: Фан, 1978.
56. Маллаев Н. Сўз санъатининг гултожи. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
57. Маллаев Н. Низомий Ганжавий. – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2015.
58. Madayev O. O'zbek xalq og'zaki ijodi. "Mumtoz so'z" Т.:2013.
59. Муҳиддинов М. Икки олам ёғдуси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.
60. Муҳиддинов М. Комил инсон - адабиёт идеали. – Т.: Маънавият, 2005.
61. Мирзааҳмедова М. Ҳикоячиликда Навоий традициялари// Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Т.: Фан, 1968. – Б.309-323.
62. Мирзааҳмедова М. Хожа (ҳаёти ва ижоди). – Т.: Фан, 1975.
63. Навоий замондошлари хотирасида. Тўплам. Тузувчи Б.Аҳмедов. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1985.



64. Навоий асарлари луғати. Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов. – Тошкент, 1972.
65. Носиров О., Жамолов С., Зиёвиддинов М. Ўзбек классик шеърини жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1979.
66. Ойбек. Асарлар. Ўн томлик. 9-том. Тадқиқот ва мақолалар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
67. Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн учинчи том. Адабий-танқидий мақолалар. – Т.: Фан, 1979.
68. Ойбек. Навоий гулшани. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1967.
69. Олим С. Ишқ, ошиқ ва маъшук. – Т.: Фан, 1992.
70. Олим С. Навоий – ёшларга. –Т.: ABU MATBUOT-KONSALT, 2008.
71. Ражабова Б. Вафо ва аҳд ҳикмати талқинига доир.-Т.: Алишер Навоий ва ХХІ аср 1-Республика илмий-назарий анжумани, 2016.
72. Ражабова Б. Алишер Навоий ва халқ оғзаки ижоди.-Т.: Алишер Навоий ва ХХІ аср 1-Республика илмий-назарий анжумани, 2018.
73. Рашидова М. Дурдоналар хазинаси. –Тошкент, 2015.
74. Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Т.:Фан, 1972.
75. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979.
76. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Т.: Ёш гвардия. 1987.
77. Рустамов А. Қофия нима? – Т.: Фан, 1976.
78. Салоҳий Д. Навоий назмиёти – Самарқанд: Зарафшон, 2013.
79. Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида саъж. – Т.: Фан, 1978.
80. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий–типологик, текстологик таҳлили. – Т.: Akademnashr, 2011.
81. Сирожиддинов Ш., Юсупова Д., Давлатов О. Навоийшунослик. Дарслик. Т.: Akademnashr, 2020.
82. Собиров М. Халқ ҳикоятлари Навоий ижодида. –Т.: Фан, 1968.
83. Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиклол, 1999.

84. Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Тошкент: Фан, 1985.
85. Тўйчиев У. Ўзбек шеър системалари. – Т.: Фан, 1981.
86. Тўхлиев Б. Форс-тожик адиблари ва Алишер Навоий // Амир Алишер Навоий ва тожик адабиёти (Мақолалар тўплами). –Хўжанд: Маънавият, 2016. 19–24-бетлар.
87. Тўхлиев Б. «Қутадғу билиг Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. – Т.: «Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2002.
88. Фитрат. Адабиёт қоидалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
89. Фитрат. Аруз ҳақида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997.
90. Фитрат. Танланган асарлар. IV жилд. Дарслик ва ўқув кўлланмалари, илмий мақола ва тадқиқотлар. – Т.: Маънавият, 2006.
91. Шамсиев П. Лайли ва Мажнун. Танқидий матн (Тайёрловчи: П.Шамсиев). – Т.: ЎзФА нашриёти, 1961.
92. Шайхзода М. Асарлар. Олти томлик. Тўртинчи том. Ғазал мулкининг султони. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1972.
93. Шарафиддинов О. Алишер Навоий. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1971.
94. Шарафуддинов О. Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди. – Т.: Ўздавнашр. 1948.
95. Шарқ мумтоз поэтикаси. Ҳамидулла Болтабоев талқинида. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008.
96. Шодиев Э. Алишер Навоий ва унинг салафлари. – Ленинобод: ЛенДПИ, 1957.
97. Шодиев Э. Алишер Навоий ва форс тожик адиблари. – Т.: Ўқитувчи, 1989.
- Шодмонов Н. Навоий асарлари номлари хусусида баъзи мулоҳазалар.- Т.: Алишер Навоий ва XXI аср 1-Республика илмий-назарий анжумани, 2016.
98. Эркинов С. «Хамса» аънаналари // Алишер Навоий «Хамса»си. Тадқиқотлар // – Тошкент: Фан, 1986.

99. Yusupova D. Aruz va mumtoz poetikaga kirish. – T.: Akademnashr, 2020.
100. Юсупова Д., Норкулова Ш. Аруз назарияси. – Т.: Тафаккур, 2008.
101. Қаяумов А. Ўзбек хамсашунослигининг адабий илдиэлари // Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил муаммолари. Илмий-назарий анжуман материаллари. – Т., 2014.
102. Қаяумов А. Ишқ водийси чечаклари.- Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,1985.
103. Қудратуллаев Ҳ. Навоийнинг адабий-эстетик олами. – Т.: Ғ. Фулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.
104. Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Т.:Navoiy universiteti, – 480
105. Qosimov S, Namroqulov A, Xo'jayev S. Qiyosiy adabiyotshunoslikka kirish. O'quv qo'llanma. Andijon:2018.
106. Ғаниева С.Алишер Навоий. – Т.: 1968.
107. Ғанихўжаева Н. «Хамса» ҳикоятлари –Т.: Ған, 1986.
108. Ғанихўжаева Н. Навоий ҳикоятларида бадий маҳорат масалалари // Навоий ва адабий таъсир масалалари. –Т.: Ған,1968.
109. Ғафуров И. Ўттиз йил изҳори. Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти .Т.: 1987.
110. Ғиёсиддин Муҳаммад. Ғиёс ул-луғот. Чилди 2. – Душанбе: Адиб, 1988.
111. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
112. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Т.: Ған, 1959.
113. Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. Мақолалар. – Т.: Ғ.Фулом номидаги бадий адабиёт шариёти, 1970.
114. Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. Монография. – Т.: Ған, 1963.
115. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Т.: Ған, 1961.
116. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Т.: Ўқитувчи, 1993.

117. Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти (тадқиқотлар, мақолалар, лавҳалар). – Т.: Фан, 1996.
118. Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. Монография. – Т.: Фан, 1970.
119. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. // Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Н.Жумахўжа. Тўлдирилган ва тузатилган 2-нашри. – Т.: O'zbekiston, 2015.
120. Ҳайитметов А. «Ҳайрат ул-аброр»да услуб ранг-баранглиги // Навоийнинг ижод олами (мақолалар тўплами). – Т.: Фан, 2001. – Б. 27-45.
121. Ҳамидова М. «Хамса» мавжлари. – Т.: Фан, 1986.
122. Ҳасанов С. Навоийнинг етти тухфаси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.
123. Ҳаққулов И. Абадият фарзандлари. – Т.: Ёш гвардия, 1990.
124. Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Т.: Юлдузча, 1989.
125. Ҳаққулов И. Хамса бадииятига доир // Алишер Навоий «Хамса»си. (Тадқиқотлар). – Тошкент: Фан, 1986. –Б.112-127
126. Ҳожиаҳмедов А. Аруз назарияси асослари. – Тошкент, 1982.
127. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Т.: Шарқ, 1999.
128. Ҳожиаҳмедов А. Навоий арузи нафосати. –Т.: Фан, 2006.
129. Ҳожиаҳмедов А. Шеърый санъатлар ва мумтоз қофия. –Т.: Шарқ, 1998.
130. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. –Т.: Шарқ, 2009.
131. Ҳомидий Ҳ. Ганжалик пир \\\ Сино, 2002 йил, (№ 7), – Б.31–35

### III. Manbalar

232. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Лайли ва Мажнун.- Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёти-матбаа ижодий уйи, 2011.
233. Alisher Navoiy. Layli va Majnun. – Т.: G'afur G'ulom nomidagi nashriyoti-matbaa ijodiy uyi, 2006.
234. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. – Т.: G'afur G'ulom nomidagi nashriyoti-matbaa ijodiy uyi, 1991.

235. Муҳаммад Фузулий. Лайли ва Мажнун. – Баку, 2005.
236. Муҳаммад Фузулий. Лайли ва Мажнун. – Т.: G'afur G'ulom nomidagi nashriyoti-matbaa ijodiy uyi, 1968.
237. Муҳаммад Фузулий. Лайли ва Мажнун. – Б.: Ушаг ва Қэнчлэр Эдэбийяты Ношрийяты, 1958.
138. Alisher Navoiy. To'la asarlar to'plami. Oltinchi jild. Hayrat ul-abror. Farhod va Shirin. – Т.: G'.G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2013.
139. Alisher Navoiy. To'la asarlar to'plami. Sakkinchi jild. Saddi Iskandariy. Tarixi anbiyo va hukamo. Tarixi mulki Ajam. – Т.: G'.G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2013.
140. Alisher Navoiy. To'la asarlar to'plami. O'ninchi jild. Lison ut-tayr. Holoti Sayyid Hasan Ardasher. Holoti Pahlavon Muhammad. Nazm ul-javohir. Nasoyim ul-muhabbat. Muhokamat ul-lug'atayin. Mezon ul-avzon. Siroj ul-muslimin. Arba'in. Munojot. – Т.: G'.G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2013.
141. Alisher Navoiy Devon. Masnaviy. Tamaddun.Т.:2011.
142. Alisher Navoiyning mashhur uch maktubi. kh-davron.uz. 04.05.2018
143. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. МАТ. 20 томлик. Т.7. – Т.: Фан, 1991.
144. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Насрий баёни билан. Насрий баён матнини тайёрловчи А.Ҳайитметов. –Т.: F.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2006.
145. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. т.1. –Тошкент: Фан, 1983.
146. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. т.2. –Тошкент: Фан, 1983.
147. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. т.3. –Тошкент: Фан, 1984.
148. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. т.4. –Тошкент: Фан, 1985.

149. Абдурахмони Чоми. Тухфат ул-ахрор. Ҳафт авранг. Чилди сеюм. Нашриёти «Ирфон», Душанбе, 1964.
150. Агтор Ф. Тазкират ул-авлиё. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1997.
151. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1981.
152. Алпомиш. Шарқ. Т.:1998.
153. Бобур. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. – Тошкент: Юлдузча, 1990.
154. Низомий Ганжавий. Махзан ул-асрор (Сирлар хазинаси). Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент, 2016.
155. Низомий Ганжавий. Сирлар хазинаси (Махзан ул-асрор). Аслиятдан Олимжон Бўриев таржимаси. –Т.:CHASHMA PRINT, 2013.
156. Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Биринчи китоб. – Т.:Ёзувчи, 1990.
157. Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Иккинчи китоб. – Т.:Ёзувчи, 1991.
158. Раҳматуллоҳ Н. Соз билан суҳбат. Т.: Наврўз. 2015.
159. Саъдий. Гулистон. Бўстон. Нашрга тайёрловчи Ҳамиджон Ҳомидий. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2014.
160. Хусрав Деҳлавий. Матлаъ ул-анвор. Москва: Наука, 1975.
161. Хусрав Деҳлавий. Осори мунтахаб. Дар чаҳор чилд. Чилди якум. Нашриёти «Ирфон», Душанбе, 1971.
162. Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1967.
163. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. – Ўзбек тили ва адабиёти. 2002 йил №1, №2, №3, №4, №5, №6; 2003 йил №1, №2, №3.
164. Қуръони карим. Алоуддин Мансур таржимаси. – Т.: Шарқ, 1993.
165. Ҳужвирий. Кашф ул-маҳжуб. (Сирлар пардасининг кашф этилиши). М.Маҳмуд, З.Баҳриддин таржимаси. -Т.: MUMTOZ SO'Z, 2019.
166. Ҳусайн Бойқаро. Рисола. Нашрга тайёрловчилар Алибек Рустам, Каримбек Ҳасан. – Т.:Шарқ, 1991.

#### IV. Диссертация ва авторефератлар:

167. Акбарова М. Алишер Навоий ғазалларида кофия. Фил.фан.ном.дисс. – Тошкент, 1997.
168. Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитрат илмий мероси. Фил.фан.док.дисс. – Тошкент, 1996
169. Бозорова Н. Алишер Навоий ғазалларида кўнгил образи. Фил.фан.ном.дисс. – Тошкент, 2002.
170. Бекова Н. Алишер Навоийнинг ҳамд ғазаллари ва «Рух ул-қудс» қасидасининг бадиияти. Фил.фан.ном.дисс. – Тошкент, 2003.
171. Давлатов О. Алишер Навоий шеъриятида Қуръон оятлари ва ҳадисларининг бадий талқини. Фил.фан.буйича фал.док.дисс.автореф. – Самарқанд, 2017.
172. Жўраева Н. Ўзбек мумтоз шеъриятида байт ва унинг поэтикаси. Филол.фанлари номзоди дисс. автореферати. –Тошкент, 2004.
173. Жўрақулов У. Алишер Навоий «Хамса»сида хронотоп поэтикаси. Фил.фан.док.дисс. – Тошкент, 2016.
174. Кароматов Ҳ. Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари (адабий-тарихий таҳлил). Фил.фан.док.дисс.автореф. – Тошкент, 1999.
175. Курбанов А. Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достони сарлавҳалари бадиияти. Филол.фан.фалсафа д-ри.дисс.автореф. – Тошкент, 2017.
176. Муртазоев Б.Х. Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» ва Хусрав Деҳлавий «Ҳашт беҳишт» дostonларининг қиёсий-таҳлили. Фил.фан.ном.дисс. –Тошкент, 1991 й.
177. Муҳиддинов М. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси. («Хамса»ларнинг биринчи дostonлари асосида). Филол.фан.док.дисс. – Тошкент, 1995.
178. Мўминова Н. Абдурахмон Саъдийнинг адабиётшунослик фаолияти. Фил.фан.ном.дисс. – Тошкент, 2002.

179. Насруллаев Э. XX аср ўзбек навоийшунослигида улуғ шоир шахсияти талқинлари тадқиқи (Ойбек, Иззат Султон, В.Зоҳидов ва М.Орипов илмий асарлари асосида). Филол.фан.фалсафа д-ри.дисс.автореф. – Самарқанд, 2019.
180. Пардаева И. Алишер Навоий тарихий асарлари бадиияти. Фил.фан.б.фал.док.дисс. – Самарқанд, 2018.
181. Салоҳий Д. Алишер Навоий поэтик услубининг тадрижий тақомили// Филол.фан.док.дисс. – Тошкент, 2001. – 283 б.
182. Хидирназаров С. Алишер Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достони: достонда типология ва поэтик архитектура масаласи. Филол.фан.ном.дисс.– Тошкент, 1990.
183. Холмуродов А. Ўзбек қиссачилиги: тараққиёт муаммолари (XX аср сўнгги чораги). Филол.фан.док.дисс. – Т., 2008.
184. Хўжанова Г. «Ҳибат ул-ҳақойиқ» поэтикаси. Фил.фан.ном.дисс. – Тошкент, 2001.
185. Эркинов А. Алишер Навоий «Хамса»си талқинининг XV-XX аср манбалари. Фил.фан.док.дисс. – Тошкент, 1998.
186. Эркабоева Н. Алишер Навоий ижодида муножот. Филол.фан.ном.дисс.автореф. – Тошкент, 2008.
187. Эшонқулов Ҳ. Алишер Навоий ғазалиётида ишқ поэтикасининг қиёсий-типология таҳлили («Ҳазойин ул-маоний» мисолида). Филол.фан.док.дисс.автореф. – Самарқанд, 2020.
188. Юсупова Д. Алишер Навоий «Хамса»сида мазмун ва ритмининг бадиий уйғунлиги.Филол.фан.ном.дисс. – Тошкент, 2008.
189. Қобилов У. Ўзбек адабиётида нубувват мотиви ва образлари талқини (XIV-XV асрлар). Фил.ф.док.дисс.автореф. – Самарқанд, 2019.
190. Ғафорова З.Алишер Навоий ҳамд ва наът ғазалларининг ғоявий-бадиий таҳлили. – Самарқанд, 2018.
191. Ғафоров Н. Алишер Навоий «Хамса»сида суфийлар тимсоли. Филол.фанлари номзоди дисс. –Тошкент, 1999.



192. Ҳайитов А. Алишер Навоий «Хамса»сини насрийлаштириш: анъана, табдил ва талқин. Филол.фан.ном.дисс. автореф. – Тошкент.

193. Ҳайитов Ш. Алишер Навоий насрида комил инсон образи (улуғ шоир маноқиблари асосида). Филол.фан.док.дисс.автореф. –Фарғона.

194. Ҳамроева Д. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси. Филол.фан.ном.дисс. – Тошкент, 2004.

#### **V. Хорижий адабиётлар:**

195. Akyol İ.Nevâî ile Fuzûlî'nin Leylâ ve Mecnûn Mesnevilerinin Yarı ve Konu Bakımından Karşılaştırılması - Dil ve Edabiyat Araştırmaları (DEA), 2019.

196. Араслы Н. Низами ва турк эдабяти. – Баку: Элм, 1980.

197. Agah Sirri Levend. Arab, fors ve türk edebiyatlarında Leyla ve Mecnun hikayesi. Ankara, 1959.

198. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.:Наука, 1965.

199. Бертельс Е.Э. Наваи и Аттар // Мир-Али-Шир. – Ленинград, 1928.

200. Бертельс Е.Э. Наваи и Низами //Алишер Наваи. Сб.ст. – М.– Л., 1946.

201. Бурҳан Башарслан “Fuzulinin Leyla vu Mecnun Mesnevisi-Dibace” marmara ilahiyat.com (muif blog); 14 Agustus 2019.

202. Бертельс Е.Э. Навоий. Тошкент.: Тафаккур қаноти, 2015.

203. Бертельс Е.Э. Навои и Джами. Избранные труды. – М.: Наука, 1965.

204. Бертельс Е.Э. Низами. – М.: Из. АН СССР, 1956.

205. Бертельс А.Е. Предисловие к поэме «Сокровишница тайн». – М.: Гихл, 1959.

206. Веселовский А.И. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа. 1989.

207. Восточная поэтика. Специфика художественного образа. – М.:1983.

208. Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы.-М.: Прогресс, 1979.
209. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. Наука. Ленинград.:1979.
210. İbrahim Akyol.Nevâî ile Fuzûlî'nin Leylâ ve Mecnûn Mesnevilerinin Yarı ve Konu Bakımından Karşılaştırılması - Dil ve Edebiyat Araştırmaları (DEA), 2019.
211. Конрад Н.И. Запад и Восток (статьи) – М.:Главная редакция Восточной литературы, 1972.
212. Конрад Н.И. Ренессанс ва Навоий //Жаҳон адабиёти. 2006. №2 – Б. 126-130.
213. Конрад Н.И. Алишер Навоий. // Тафаккур. 1997 № 10. – Б.38-41.
214. Крачковский И.Ю. Ранняя история повести о Меджнуне и Лейли в арабской литературе // Алишер Навои. – М.- Л.: Изд-во АН СССР, 1946.
215. Köprülü M. Fuad. Edebiyat Araştırmaları, C.II, İstanbul, 1989.
216. Latîfî Tezkiretü'ş-şu'ara ve tabsıratü'n-nuzamâ, Haz. Rıdvan Cânım, Ankara, 2000.
217. Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика (X-XV вв.) – М: Наука, 1989.
218. Назруллаева С. Тема «Лейли и Меджнун» в истории литературы народов Советского Востока. – Тошкент: Фан, 1983.
219. Pichois C., Rousseau A.M. La literature comparee. – Paris: Colin, 1967.
220. Поспелов Г.Н. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 1978.
221. Шепилова Л.В. Введение в литературоведение. – М.: Учпедиз, 1956.
222. Yasemin Akkuş.Nizami va Fuzulinin Leyli vü Mecnun'unda “Nevfel” ve “Nevfel”li sahnelerin Mukayesesi.Divan Edebiyatı Araştırmaları Dergisi 8, İstanbul 2012.
223. Çetindağ Yusuf. Ali Şîr Nevâî. İstanbul, 2011.
224. Фрейд З. Сон и сновидения. – М.: Олимп, 1997.

225. Фромм Э. Душа человека. – М.: Республика, 1992.

## **VII. Internet manbalari**

226. [http://www.adabiyot – doira.uz](http://www.adabiyot-doira.uz)

227. <http://www.geogle.uz>

228. <http://www.library.com>

229. <http://www.ziyonet.com>

230 . <http://www.literature.uz>

## ФУЗУЛИЙ ДОСТОНИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ЖАНРЛАР

<b>ЖАНР НОМИ</b>	<b>МИҚДОРИ</b>	<b>ҲАЖМИ</b>	<b>КЕЛТИРИЛГАН ЎРНИ</b>
<b>Рубоий</b>	<b>3 та</b>	<b>12 байт</b>	Дебочада
<b>Соқийнома</b>	<b>1 та</b>	<b>62 байт</b>	8-бобда
<b>Қасида</b>	<b>3 та</b>	<b>60 байт</b>	Муножот-1 та, Наът-1 та, Сулаймон а.с мадҳияси-1 та.
<b>Ғазал</b>	<b>24 та</b>	<b>162 байт</b>	Лайли тилидан-8 та, Мажнун тилидан-12 та, Фузулийнинг тилидан-2 та, Муножот ғазал-2 та.
<b>Мураббаъ</b>	<b>2 та</b>	<b>26 байт</b>	Лайлининг тилидан-1та, Мажнуннинг тилидан-1.

**МУҲАММАД ФУЗУЛИЙ “ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН”  
ДОСТОНИНИНГ НАШЛАРИДАГИ ФАРҚЛАР**

<b>Достоннинг нашр этилган йили</b>	<b>2005-йилда чоп этилган Баку нашри</b>		<b>1958-йилда чоп этилган Тошкент нашри</b>	<b>1968-йилда чоп этилган Тошкент нашри</b>
<b>БОБ НОМИ</b>			<b>ҲАЖМИ</b>	
	<b>ДЕБОЧА</b>		<b>ЙЎҚ</b>	<b>ЙЎҚ</b>
	<b>РУБОИЙ</b>	12 байт		12 байт
1-боб	Ҳамд	38 байт	Йўқ	-
2-боб	Ҳамд	68 байт	-	68 байт
3-боб	Муножот	86 байт	-	-
4-боб	Муножот	57 байт	-	-
5-боб	Муножот	56 байт	-	-
6-боб	Расулуллоҳ (с.а.в) мадҳи	97 байт	-	-
7-боб	Меърож туни таърифи	87 байт	-	-
	Қасида	18 байт	-	-
8-боб	“Дунёнинг фонийлиги ҳақида шикоят”	46 байт	46 байт	46 байт
Соқийнома		62 байт	62 байт	62 байт

9-боб	“Бу соқийга базм учун май сўраш хитоби”	36 байт	36 байт	36 байт
10-боб	Замона султонининг мадҳи	52 байт	Йўқ	52 байт
Қасида		42 байт	Йўқ	Йўқ
11-боб	Сабаби назми китоб (Китобнинг ёзилиш сабаблари)	94 байт	94 байт	94 байт
12-боб	Ҳукмдор мадҳи	56 байт	Йўқ	Йўқ

**АЛИШЕР НАВОЙИ ВА МУҲАММАД ФУЗУЛИЙНИНГ “ЛАЙЛИ  
ВА МАЖНУН ДОСТОНИДА ҚАЙС (МАЖНУН) ТАСВИРИГА ОИД**

**ЖАДВАЛ**

<b>Қиёсловчи жиҳатлар</b>	<b>Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони</b>	<b>Муҳаммад Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” достони</b>
<b>Оиладаги ўрни</b>	Бани Омар қабиласи бошлиғининг ўғли.	Қайси қабиладан эканлиги аниқ тасвирланмайди. Аммо қабил бошлиғининг ўғли эканлиги айтилади.
<b>Болалиги</b>	Туғилишидан бошлаб батафсил тасвирланади.	Туғилишидан бошлаб батафсил тасвирланади.
<b>Лайлини илк бор учратиши</b>	Ҳай қабиласидаги мактабга боради ва Лайлини илк бор гулшанда кўради.	Мактабнинг қайси қабилда эканлиги айтилмайди. Лайлини илк бора мактабда кўради.
<b>Каъба эпизоди</b>	Ҳаж мавсумида отаси уни Каъбага олиб боради.	Ҳаж мавсумида отаси уни Каъбага олиб боради.
<b>Уйланиш билан боғлиқ ҳолат</b>	Отасининг илтимоси билан Навфалнинг қизига уйланади, лекин Навфалнинг қизи бошқа инсонни севишини	-

	айтгач, даштга чиқиб кетади.	
<b>Ота-онасининг ўлими билан боғлиқ ўринлар</b>	Ота-онсининг вафотидан туш орқали хабар топиб, уларнинг қабрига боради.	Отасининг вафоти ҳақидаги хабарни орқали эшитади ва қабрига боради.
<b>Ўлими билан боғлиқ тасвирлар</b>	Лайлининг ўлишини илоҳий хабар (суруш) орқали сезиб унинг қабиласи томон келади ва Лайлининг руҳсиз танаси олдида жон беради.	Лайлининг ўлимини Зайд орқали эшитади ва унинг қабри устида ўзи ҳам жон беради.
<b>Ҳушдан кетиш</b>	Алишер Навоийнинг достонида Мажнун 8 марта ҳушдан кетади.	Муҳаммад Фузулийнинг достонида Мажнун 3 марта ҳушдан кетади.
<b>Туш кўриш</b>	Алишер Навоийнинг достонида Мажнун 2 марта туш кўради ва унинг ҳар бир туши аниқ воқеа, фалокатдан дарак беради.	Муҳаммад Фузулийнинг достонида Мажнун бирор марта ҳам туш кўрмайди. Аммо муаллиф дostonга туш мотивини Зайд орқали киритади.